

# ***МАҚТОВ ВА САЖДА***

**А.Л ва Жойс Гиллар**

Gill Ministries

Website: [www.gillministries.com](http://www.gillministries.com)



## МУНДАРИЖА

1 Дарс	Мақтов ва сажда.....	4
2 Дарс	Худонинг сажда учун намунаси .....	9
3 Дарс	Мақтов учун Худонинг кўрсатмалари .....	15
4 Дарс	Мақтов Худонинг баракасини келтиради.....	21
5 Дарс	Мақтовнинг Библиявий сўзлари.....	28
6 Дарс	Мақтов учун Худонинг абадий мақсади.....	34
7 Дарс	Муסיқа сажданинг намойишидир.....	40
8 Дарс	Мақтовнинг жисмоний кўриниши.....	45
9 Дарс	Мақтовнинг тўсиқлари.....	52
10 Дарс	Мақтов қурбонлигини келтириш.....	59
<b>11 Дарс</b>	<b>Мақтов бизнинг руҳонийлик вазифамиз.....</b>	<b>66</b>
12 Дарс	Руҳонийлардек яшовчилар.....	73
13 Дарс	Мақтовни ва саждани бошқариш.....	80
14 Дарс	Сажданинг етакчисининг хизмати.....	88

## 1 Дарс

# Мақтов ва сажда

### Кириш

Бутун дунё Муқаддас Рухнинг тароватли, янги ҳаракатини ҳис этмоқда. Озгина олдин кўп жамоатларнинг саждаси куруқ ва ғамгин эди. Жонга теккан ашулалар -эски кўшиқлар тўпламларидан олиниб, Худога истаксиз айтилар эди.

Бугун эса кўп жамоатларда, Раббийнинг қаршисида ашула айтувчи, қарсак чалувчи ва ҳатто рақсга тушувчи имонлиларни кўришимиз мумкин. Кўплар Худонинг ҳузурда юмшаб, Унга ашула айтиб, қўлларини кўтарган ҳолда, самимий сажда қилиш орқали, сажданинг ҳақиқий маъносини сезмоқдалар.

Жамоатга кўплаб мусиқий асбоблар қайта кириб келмоқда. Имонлиларга энди, ўзлари Худо билан юзаки муносабатда бўлган жўр(хор) ёки вокалчиларнинг “овунтириши” керак эмас. Аксинча, имонлиларнинг ўзлари Худонинг ҳузурини, мойланишини ҳис этмоқдалар.

Худонинг шуҳрати келиб, ибодатхонани тўлдирмоқда ва Унинг кучи йиғин устига тўлқин каби қайта-қайта тушмоқда. Қадимги Аҳдда, Раббийнинг маъбадини муқаддаслаш кунларида бўлгани каби, бугун ҳам Унинг шуҳратининг булутида оёқда туриб бўлмайди.

### Довуднинг мақтови

Довуд Худони улуғлашни биладиган киши эди. Унинг мақтов сўзлари орқали, Муқаддас Рух жамоатга ҳақиқий саждани қайта келтиришни режалаштирган. Келинлар, унинг мақтов сўзлари бизнинг мақтовимизнинг асоси бўлсин.

**Сано 150:1-6 Ҳаллилуя! Худони Унинг муқаддасгоҳида мақтанглар; Унинг кучининг бардамлигида Уни мақтанглар. Унинг куч-қудратида Уни мақтанглар, Унинг буюклигининг кўплигида Уни мақтанглар. Уни қарнай овозлари билан мақтанглар, Уни арфа ва ғижжакда мақтанглар. Уни доира ва хайқирик билан мақтанглар; Уни торли асбобларда ва органда мақтанглар. Уни жарангдор чангда мақтанглар, Уни қаттиқ овозли чангда мақтанглар. Ҳамма нафас олувчилар Раббийни мақтасин. Ҳаллилуя!**

Бизлар Раббийни улуғлашимиз керак.

### Таъриф

#### ➤ Мақтов ёки улуғлов

Мақтов – бу Худога, Унинг борлиги учун ва Унинг қилган ишлари учун юракдан миннатдор бўлишнинг кўтсаткичидир. Мақтов - бу Худонинг қаршисида, У бизга берадиган барча ажойиб баракалари учун, самимий завқланишимизнинг ҳаракат ва овоз орқали кўринишидир.

#### ➤ Сажда

Сажда мақтовнинг юқори даражасидир. Бизлар энди Унинг барча баракалари ҳақида ўйлаб ўтирмай, завқланишимизни кўрсатамиз.

Бизлар Унинг Шахсияти учун, характери учун ва комиллиги учун ўзимизни Унга бағишлаймиз.

Бизлар Раббийга, Унинг бизлар учун қилган ишлари туфайли эмас, балки Унинг Ўзи учун хизмат қиламиз.

## МАҚТОВ ЁКИ УЛУҒЛОВ БИЛАН САЖДАНИ ТАҚҚОСЛАШ

---

### Мақтов ёки улуғлов

Мақтов ёки улуғлов - бу :

- Нима ҳақдадир яхши гапириш
- Нима учундир завқланишни кўрсатиш
- Бағишлаш
- Тантана қилиш
- Қарсак чалиш
- Саломлашиш
- Юксалтириш

Улуғлов - Худо ҳақида айтишни ёки куйлашни билдиради. Улуғлов - бу Унинг мўъжизакорлиги ва биз учун қилган ишлари ҳақида айтиш ёки куйлашдир.

### Сажда

Сажда - бу :

- Хурматни кўрсатиш
- Илтифотли бўлиш
- Унга тиз чўкиш
- Қадрлаш
- Жой бериш

Сажда қилиш - Худога гапиришни ёки куйлашни билдиради. Сиз бу вақтда Унинг қилган ишлари учун эмас, балки Унинг Ўзининг борлиги учун сажда қилишни бошлайсиз.

### Мақтовнинг юқори даражаси

Сажда – мақтовнинг юқори даражасидир.

Биринчидан - бу :

- Юракнинг муносабатининг кўрсаткичи
- Яратувчи билан илтифотда бирлашиш
- Юракнинг куйлашининг бошланиши
- Худонинг буюклиги ва ҳурмати ҳақида фикрлашнинг тубидир.

Саждани яратиб бўлмайди. Саждага кириш керак.

Сажда вақтида бизлар Худо қаршисида чуқур илтифотда, ҳурматда, ҳайратда ва завқда бўлиб, жонимизни тўқамиз.

Сажда қилишдан олдин, унинг маъносини англаш керак.

Рухда

Бизлар Худога фақат рухда сажда қилишимиз мумкин.

**Юханно 4:23-24** Лекин вақти келадик, аллақачон келди ҳам, ҳақиқий саждакорлар Отага рухда ва ҳақиқатда сажда қиладилар, чунки Ота Ўзига шунақа саждакорларни изламоқда. Худо Рухдир ва Унга сажда қилувчилар, рухда ва ҳақиқатда сажда қилишлари лозим.

“Рухда” сажда қилиш – бутун юрак билан, Муқаддас Рухнинг кучи билан руҳимизда сажда қилишдир. Уларнинг иккаласи ҳам, яширин жойда, Библия юрак ва рух деб, атайдиган жойда жойлашган.

Ҳақиқатда

Ҳақиқатда сажда қилиш - “яширинмасдан” сажда қилишдир.

**Ҳикматлар 20:27** Юракнинг барча чуқурликларини синайдиган инсоннинг руҳи – Раббийнинг чироғидир.

**Юханно 14:16-17** Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. Бу Юпатувчи – Ҳақиқат Рухдир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди.

Ўзини тозалаш

Бизлар Худога танавий сажда қилмаслик учун, барча танавий фикрлардан ва ёвузликлардан тозаланишимиз керак, токи бизнинг руҳимиз Худога, Унинг Руҳи ёрдамида сажда қила олсин.

**Колосаликларга 3:5** Шунинг учун ерга хос аъзоларингизни, яъни фоҳишабозлик, нопоклик, ёвуз хирсу нафслар ва бутпарастлик бўлган тамагирликни ўлдириңлар.

**Колосаликларга 3:16-17** Масихнинг сўзи барча донолик билан юракларингизга мўл-кўл жойлашиб кираверсин. Раббийга юракларингиз билан иноятда ашулалар айтиб, ҳамду-санолар, мадҳиялар ва руҳий қўшиқлар билан бир-бирингизга насихат қилиб ўргатинглар. Сизлар сўз билан ёки иш билан нимаики қилсангизлар, ҳаммасини Раббий Исо Масих номидан қилиб, У орқали Отамиз Худога миннатдорчилик билдириңлар.

Ўзимизни тоза сақлаган ҳолда, Худога тоза юрак билан сажда қилишимиз керак. Тана Худога сажда қила олмайди. Агар ўзимизни Худодан бўлмаган нарсалардан тозаласак, ҳеч нима йўқотмаймиз. Бизнинг руҳимиз Худога саждакор бўлади.

### Иброҳим сажда қилар эди

Сажда ҳақида айтилган биринчи тушунча Иброҳим билан боғлиқдир.

**Ибтидо 22:5 У ўзининг ўсмирларига деди: “Сизлар эшак билан шу ерда қолинглар. Мен ва ўғлим эса у ерга бориб, сажда қиламиз ва яна ёнингизга қайтиб келамиз”.**

### Биринчи эслатманинг қонуни

“Биринчи эслатманинг қонуни” деб аталувчи, Библиянинг ўрганиш қонуни мавжуд.

Ушбу қонун шуни тасдиқлайдики, Библияда бирор-бир нарса ҳақида айтилса, ва у, Библияда ҳатто бир мартагина айтилган бўлса ҳам, у оят унинг аниқ маъносини ва муҳимлигини кўрсатади.

Бизлар “Сажда” – сўзини биринчи марта, Иброҳим билан Исҳоқ биргаликда Мориага боришган вақтда учратамиз.

Ушбу эслатма орқали сажданинг муҳимлиги кўрсатилган.

### Иброҳим бўйсунган эди

Иброҳим Худога, Унинг амрига бўйсунуш билан жавоб қилди.

Иброҳим ушбу бўйсунуш орқали қанақа нарх тўлаганини бизлар тасаввур қила олмаймиз. Исҳоқ ваъда қилинган ўғил эди. Исҳоқ Иброҳим билан Худонинг ўртасида бўлган аҳднинг ижро(чи)си бўлди.

### Катта қурбонлик

Ўша вақтда қурбонлик сажда қилишни билдирар эди. Сажданинг бундай тури, Иброҳимдан энг катта ва энг қадрли, аммо у келтира оладиган назрни талаб қилган эди.

Сажда ҳали-ҳануз, энг катта қурбонлик бўла олади.

**Римликларга 12:1,2 Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб биғишланглар. Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар.**

Ҳақиқий сажда – ўзидан тўлиқ кечишни ва Худо томонга бурилишни билдиради.

### Итоатни кўрсатиш - Имон

Сажда – имоннинг ва итоатнинг кўринишидир. Иброҳим ўзини балким саждакор сифатида ҳис қила олмаган бўлиши мумкин.

Учинчи куни, Исҳоқни қурбонликка келтириши керак бўлган жойда, Иброҳим қуйидаги сўзларни айтган. Эътибор беринг, у шундай деди: “... мен ва ўғлим... ёнингизга қайтиб келамиз.”

Итоаткорлик - имонни кўрсатишга олиб келди.

Ўзимизни бўйсундиришимиз лозим

Агар Исҳоқ ўлса эди, бу- Иброҳим қандай мақсад билан яшаётган бўлса, бунинг ҳаммасини барбод бўлиши билан баробар эди. Аҳднинг ҳар бир ваъдаси унинг ўғлининг туғилишига асосланган эди. У нималарга ишонган бўлса, ҳаммаси Исҳоқ билан боғлиқ эди. Бу бизга Худога бўлган тўлиқ бўйсуннишни кўрсатмоқда.

Иброҳим Худога бўйсунди ва Худо унинг мақтови орқали унга, у ўғли Исҳоқни қурбонликка келтира олиши учун етакловчи имон инъомини берган эди.

Иброҳим ўғлини қурбонликка келтириш учун олиб келди ва бу тўлиқ қурбонликнинг намунаси бўлди. Бизлар бундан сўнг, Ўзининг Ўғли Исони қурбонликка келтирган Отани кўряпмиз. Шуниси маълумки, Исо ҳам, Исҳоқ қурбонликка келтирилган жойда қурбон қилинган.

**Сано 21:4 Аммо Сен Муқаддас, Исроилнинг мақтов сўзларининг орасида яшайсан.**

Бизлар ҳақиқий саждага кира олишимиз учун, ўзимизнинг барча шахсий истакларимиздан, режаларимиздан воз кечишимиз керак.

## МАҚТОВНИНГ МАҲСУЛИ

---

Шоул

➤ Ёвуз руҳлардан қийналган

**1Шомулга 16:14-17,23 Эгамизнинг руҳи Шоулни тарк этди. Эгамиз юборган ёмон рух уни қийнар эди. “Биламиз, Худо юборган ёмон рух сизни қийнайди”, - дейишди хизматкорлар Шоулга. “Жаноби олийлари биз, қулларига амр берсалар, лирани яхши чаладиган одамни топиб келар эдик. Худо юборган ёмон рух сизни тутиб қолганда, у лира чалади, сиз эса енгил тортасиз. Шоул хизматкорларига: “Майли, лирани яхши чаладиган бирортасини топиб, менинг ҳузуримга олиб келинглар”, - деб буюрди.**

➤ Мусиқа озодлик келтирди

**Ўша кундан бошлаб Худо юборган ёмон рух Шоулни қийнаганда, Довуд лирани олиб чалар, Шоул ўзига келиб роҳатланар, ёмон рух Шоулдан чекинарди.**

“Яхши” – сўзи моҳирликни билдиради. Мусиқачилар ва кўшиқчилар моҳир бўлишлари лозим.

Шоулнинг қуллари моҳир мусиқачиларни излаган эдилар, чунки улар мусиқанинг кучини олдин кўрган эдилар. Улар Довудни танладилар.

## САВОЛЛАР:

---

1. Мақтов ҳақида тушунчангизни ёзинг.
2. Сажда ҳақида тушунчангизни ёзинг.
3. Иброҳим Исҳоқни қурбонликка келтириши керак бўлган вақтда, уни буни қилишга нима етаклаган эди?

## 2 Дарс

# Худонинг сажда учун намунаси

## Маъбаддаги сажда

Библияни ўрганишнинг бошқа қонидаси - бу “эслатма ҳаракат қонуни”дир. Ушбу қонидаси - маълум бир нарсанинг муҳимлигини, у ҳақда Ёзувда айтилган оятларнинг қўплиги орқали аниқланиши ҳақида айтади.

Эски Аҳднинг эллик бир бобида, биз учун муҳим бўлган чодир ҳақида ёзилган.

## ЭСКИ АҲДДАГИ ЧОДИР ВА МАЪБАДЛАР

---

Эски аҳдда бир неча маъбад ва чодирлар ҳақида айтилган. У ерда Худо билан учрашар эдилар. Унинг ҳузурига кирар эдилар. Шунинг учун бизлар, улар (маъбад ва чодирлар) ҳақида яхши тасаввурга эга бўлишимиз ва уларнинг орасидаги фарқни билишимиз лозим.

## Мусонинг чодир

Худо Мусога чодирнинг намунасини аниқ тасвирлаб берган эди. Чодир – бу чайладир. Исроил ўғиллари чўлдан ўтаётган вақтда ундан фойдаланган эдилар. Мусонинг йиғилиш чодир қадимги аҳддаги сажда жойи эди. Чодир Аҳд сандиғи учун вақтинчалик жой эди, у ерда Худо бор эди ва рухонийлар у ерда Худонинг қаршисида хизмат қилар эдилар.

Исроил ўғиллари гуноҳ қилганларида, душманлар уларнинг сандиқларини олиб кетган эдилар.

Мусонинг йиғилиш чодир Шилоҳда эди.

## Довуднинг чодир

Довуд ҳарбий киши эди, шунинг учун Худо унга маъбадни қуришга руҳсат бермади. Раббий унга маъбад ҳақида кўрсатмалар берди ва Довуд маъбадга ишлатилган хом-ашёларни йиғди.

Аҳд Сандиғи, уни Филистимлар қайтаришгандан сўнг ва то Сулаймоннинг маъбади қурилишигача Довуднинг чодирда турар эди.

Довуднинг чодирининг қўлланишининг энг асосий мақсади – Худога махсус услуб билан сажда қилишни намойиш этиш эди.

Унга Янги Аҳддаги саждага нигоҳ ташлаш мумкин бўлган “ойна”дек қараш мумкин. “Ойна” эски аҳднинг чодир ёки чайласи билан ўралган бўлиши мумкин, аммо ичи бутунлай бошқача эди.

Рухонийлар дарвозалар орқали олқишлар билан ва ҳовлиларга мақтов билан кирар эдилар, чунки сандиқни ҳамма яққол кўрар эди.

У вақтда парда ажратиб турадиган Муқаддаслар-муқаддаси ҳали йўқ эди ва ягона қурбонлик бу мақтов эди.

Бу “ойна” фақат 40 йил давомида, то Сулаймоннинг маъбади қурилишига қадар мавжуд эди. Сўнгра, уни ёпишди ва Аҳд сандиғи ҳам, ҳайвонларни қурбонликка келтириш ҳам

Сулаймоннинг маъбадига кўчирилди.

#### Сулаймоннинг маъбади

Сулаймоннинг маъбади Мусонинг чодирига ўхшатиб қурилган эди. У Аҳд сандиғи туриши учун қурилган охирги жой эди. Сандиқни кўчириш таёқлари олиб ташланди. Бу вақтинчалик чайла эмас, балки мрамор ва олтин билан безатилган доимий яшаш жойи эди.

Сулаймоннинг маъбади бузилишига йўл қўйилди. Исроил мағлуб бўлганидан сўнг, бегона юрт подшоҳлари катта солиқ талаб қилар эдилар ва ушбу талаблар қондирилиши учун маъбаднинг олтин идишлари олиб кетилар эди. Олтинни девор ва эшиклардан кириб олар эдилар. Бир марта Манассия маъбадда сохта худоларга меҳроб қурган эди. Ҳовлиларида бузуклик уйлари қурилган эди ва ички ҳовлиларда “муқаддас” отлар учун отхоналар қурилган эди.

Сулаймоннинг маъбадини Калдийлар бузишди ва барча қимматбаҳо нарсаларни Бобилга олиб кетишди, сўнг маъбадни ҳам пойдеворигача ёқиб юборишди.

#### Зоробобелнинг маъбади

Ушбу маъбад эрамиздан аввалги, 520 йиллар атрофида қурилган эди ва Сулаймонникидек унчалик буюк эмас эди, лекин каттарок эди. У энди унчалик ҳам безатилган эмас эди. Аҳд сандиғи йўқотилган эди.

#### Ҳироднинг маъбади

Яхудия устидан Ҳирод шоҳ бўлганидан сўнг, у Зоробобелнинг маъбадини қайта қурди. Ҳирод уни, унда сажда қилиш учун қурмаган эди. Унда қурилиш иштиёқи бор эди. У ўзининг ҳокимлик вақтида кўп буюк қурилишлар қилган. Ҳироднинг назарича, Зоробобелнинг маъбади унчалик буюк эмас эди.

Исо келиб кетган маъбад Ҳироднинг маъбади эди. Ўша ерда барча руҳонийлик хизмалари ижро этилар эди. Ва ана шу ерда Исо савдогарларнинг хонтахталарини ағдариб ташлади.

**Матто 21:12,13 Исо Худо маъбадига кириб, маъбадда олди-сотди қилаётган ҳаммани қувиб чиқарди. Саррофларнинг хонтахталарини ва кабутар сотувчиларнинг курсиларини ағдариб юборди. Исо уларга: “Тавротда: “Менинг уйим ибодат уйи аталгай”, - деб ёзилган. Сизлар эса уни қароқчилар ғорига айлантириб юборибсизлар!”-деди.**

Исо хочда ўлганида, муқаддасгоҳ билан Муқаддаслар-муқаддасини ажратиб турган парда тепасидан остигача йиртилиб кетди. Унинг қалинлиги ўн беш сантиметр эди. Яхудиянинг бутун тарихида, муқаддасгоҳдан Муқаддаслар-муқаддасига фақат олийруҳоний кириши мумкин эди. У ерда Аҳд сандиғи турар эди. У ерда Худонинг ҳузури доимо бор эди. Парданинг йиртилиши – инсон билан Худонинг ўртасидаги бўлинишнинг Худонинг Ўзи бартараф қилганини билдиради. Энди инсон Худонинг ҳузурига кира оладиган бўлди! Исо ўша маъбадни бузиб ташланишини башорат қилган эди. Маъбадни эрамизнинг 70 йилларида, Римликлар келиб бузишди. Маъбад ва уни ўраб турган қурилишлар ёқиб ташланган эди. Маъбад ёнаётганда унинг олтинлари эриб, тошларнинг орасига оқиб кетган эди. Сўнг,

олтинни олиш учун, Исо башорат қилганидай, унинг тошларини бўлак-бўлак ўрнидан кўчирар эдилар.

**Матто 24:2 Исо уларга: “Буларнинг ҳаммасини кўряписми? Сизларга чинини айттайин: бу ерда бирор ғишт бутун қолмайди, ҳаммаси вайрон бўлади”, - деди.**

Сандиқ ортидан бориб

Сандиқ Илийнинг давригача Мусонинг чодириси эди. Сўнгра сандиқ унинг оиласига бўлган жазо тариқасида ўғирланди.

**1Шомулга 2:30-35 Шунинг учун Мен, Исроил халқининг Худоси – Эгангиз, шундай деб айтмоқдаман: авлодинг ва отангинг авлоди Менга абадий хизмат қиладилар, деб айтган бўлсам ҳам, энди бундай бўлмайди! Мени иззат қилганни Мен ҳам иззат қиламан, Мени хор қилган эса шарманда бўлур. Шундай кунлар яқинлашмоқда: Мен сенинг ва отангинг хонадонини йўқотаман. Натижада хонадонингдаги ҳамма кимса ажалидан беш кун бурун ўлади. Мен Исроил халқи устига ёғдирадиган роҳат-фароғатни сен кўриб, кулфат ичра уларга ҳасад қиласан. Сенинг хонадонингдан ҳеч ким узок умр кўрмайди. Хонадонингдан фақат биттасини йўқ қилмасдан асраб қоламан. Лекин унинг кўзлари ёшга, юраги ғам-ғуссага тўлади. Бутун хонадонинг аҳли жувонмарг кетади. Иккала ўғлинг – Хўфнах билан Пинхоснинг бошига тушадиган кўргилик сенга бир аломат бўлсин: иккови ҳам бир кунда нобуд бўлади. Менинг хоҳиш-иродамни амалга оширадиган садоқатли бир руҳонийни Ўзим учун тайин этаман, у кўнглимдагидай хизмат қилади. Унинг авлодини боқий қиламан, у Мен мой қуйиб танлаган шох олдида умр бўйи хизмат қилади.**

Ахд сандиғи жанг вақтида Филистимликлар томонидан ўғирланган ва Филистимликларнинг ерларига олиб кетилган эди. Сандиқни Филистимликларнинг қайси ерига олиб бормасинлар, у ўша халққа ҳукм ва лаънат келтирар эди.

**1Шомулга 5:1-4, 6-7 Филистимлар Худонинг сандиғини қўлга киритганларидан кейин, уни Эванзордан Ашдод шаҳрига олиб кетишди. Уни Филистимларнинг худоси Дўғон уйига олиб бориб, Дўғон ҳайкали ёнига жойлаштирдилар. Ашдодликлар эртасига сахарда туриб қарашса, Дўғон Эгамизнинг сандиғи олдида юзи билан ерга ағдарилиб ётган экан. Шунда Дўғонни кўтариб, жойига турғизиб қўйишди. Эртасига яна сахарда туриб қарашса, Дўғон Эгамизнинг сандиғи олдида юзи билан ерга ағнаб ётган экан. Бу сафар Дўғоннинг боши билан иккала қўли синиб, остонада ётган, фақат гавдаси бутун қолган экан, холос. Эгамиз Ашдод аҳолисини ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисини қаттиқ жазолади. Уларни чипқонга гирифтор қилиб, катта кулфат келтирди. Ашдодликлар бўлиб турган воқеаларни кўргач: “Исроил Худосининг сандиғи энди биз билан қолмасин, чунки у ўзимизга ҳам, худойимиз Дўғонга ҳам оғир кулфат келтирди”, - дейишди.**

Сандиқ Исроилга юборилди

Худонинг жазоси туфайли, Филистимликлар ўзларининг

руҳонийларини чақирдилар ва сандикни қандай қилиб қайтаришни сўрадилар. Аравакаш йўқ эди ва аравага қўшилган сигирлар эндигина туғилган бузоқчаларидан ажратилганликлари туфайли, табиий равишда бузоқчаларининг олдига қайтишлари лозим эди. Бунинг ўрнига сигирлар тўғри Исроил ери томон йўл олдилар.

**1Шомуилга 6:7,8** Энди битта янги арава билан ҳали ҳеч бўйинтуруқ солинмаган иккита соғин сигир ҳозирланглар. Сигирларни аравага қўшинглар, бузоқларини эса сигирлардан айриб, оғилхонага олиб боринглар. Исроил халқининг Эгаси сандиғини олиб аравага юкланглар, айбларингизни ювадиган назрларни – Унга аталиб ясалган олтин ҳайкалчаларни бир қутига жойлаштиринглар. Ўша қутини сандикнинг ёнига қўйинглар. Кейин аравани қўйиб юборинглар, ўз йўлига кетсин.

Бизнинг эҳтиёткорлигимиз

Худо Филлистимликларга сандикни аравада юборишларига изн берди. У ерда сандикни кўтаришга бағишланган одам йўқ эди. Аммо Худонинг халқи шундай қилишга ҳаракат қилганида, қаранг, нима содир бўлди:

Довуд сандикни Кириафиримдан Сион тоғига кўчирмоқчи эди ва ушбу уринишда, сандикни чодирга кўчириш борасида жиддий огоҳлантириш бор эди.

**1Йилнома 13:7,8,10** Шунда Худонинг сандиғини Обунадавнинг уйдан янги аравада олиб кетишди; ва Уззох билан Ошё аравани ҳайдаб борар эдилар. Довуд ва жамики Исроилликлар, лираларда, арфадаларда, чилдирмаларда, шақилдоқларда ва зангларда куй чалиб куйлаб, бор кучлари билан Худонинг қаршисида ракс тушардилар. Хидон хирмонига етиб келганларида, Уззох сандикни ушлаб туриш учун қўлини узатди, чунки ҳўкизлар қоқилиб кетди. Лекин Раббий Уззохга жаҳлланди ва у қўлини сандикқа узатгани учун уни қирди; ва у ўша ернинг ўзида, Худонинг юзи олдида ўлди.

Бу Худонинг қонунларига итоатсизлик қилиш эди. Худонинг сўзи жойлаштирилган сандикни фақат уни кўтаришга бағишланганларгина ушлалари мумкин эди. Ушбу қонунларни билар эдилар ва бажарар эдилар. Довуд ҳам уларнинг аниқ бажарилишига жавобгар эди. Бизлар ҳам ўз хизматимизда “маъбад талабларига” итоаткорлик бўлишига жавобгармиз.

Мақтов итоатсизликни

Яшира олмайди

Довуд ва унинг одамлари сандикни кўчириш учун аравадан фойдаланишди, аммо Худо сандикни, левитлар ўз елкаларида, ёғоч таёқларда кўтариб келишларини амр этган эди. Худонинг ҳузури арава билан кўчмайди. Уни фақат одамлар кўтариб юриши мумкин. Довуд ва Исроил куйлар эдилар ва мусиқали асбобларда Раббий қаршисида ўйнар эдилар, лекин улар итоатсиз эдилар. Гуноҳнинг жазоси ўлимдир.

Сандик кейинроқ, Худонинг кўрсатмаси бўйича кўчирилди.

**1Йилнома 15:2 Шунда Довуд деди: Худонинг сандиғини левитлардан бошқа ҳеч ким кўтариб юрмаслиги керак, чунки Раббий Худонинг сандиғини кўтариб юришлари учун ва Унга мангу хизмат қилишлари учун уларни танлади.**

Бизлар Раббийнинг ҳузурига киришни исташимиз, унга ўз усулумиз билан киришимиз мумкинлигини билдирмайди. Бизлар ҳар доим Унинг ҳузурига У бошқарадиган йўл билан киришимиз керак. Эски усулни, эски қондани қолдириб, Худо истагандай янгича сажда қилишимиз керак.

## ДОВУДНИНГ ЧОДИРИДАГИ МАҚТОВ

Чодирда мақтов сажданинг асосий қисми эди. Довуд Аҳд сандиғини Сионга олиб келди ва уни чайлага қўйди. Ўша чайлани бизлар Довуднинг чодирини деб атаيمиз. Худо Довудга, сандикни Мусонинг чодирига қўйинглар, деб айтмагани кизикдир. Худо ҳузурининг аҳд сандиғи, то Сулаймоннинг маъбади қурилиб битгунича, Довуднинг чодирини эди.

**1Йилнома 16:1, 4-9,31,34,27 Шунда Худонинг сандиғини олиб келишди ва Довуд у учун қурган чодирнинг ўртасига қўйишди ва Худога тамоман қўйдиришлар билан тинчлик қурбонликларини кўтаришди. Ва Раббийнинг сандиғи олдида ашулалар айтишлари учун, миннатдорчилик билдиришлари учун ва Исроил Худоси Раббийни улуғлашлари учун баъзи левитларни хизматга қўйди: Асафни бошлиқ қилиб, ундан кейин иккинчи қилиб Закариёни, Иеиелни, Шемирамофни, Иехиилни, Маттафий билан Елиавни, Баненни, лиралар ва арфалар билан бўлган Иеиелни ва Асафни зангларда чалиши учун қўйди. Банен ва Озил руҳонийларни эса, Худонинг сандиғи олдида доимо карнай чалишлари учун қўйди. Довуд анна шу куни биринчи марта Раббийга ашула айтилиши учун Асаф ва унинг биродарлари орқали сано берди. Раббийни улуғланг, Унинг исмини эълон қилинглар; халқларда Унинг ишларини айтинглар; Унга қуйланглар, Унга товуш чиқаринглар. Унинг барча мўъжизаларидан хабардор бўлинглар. Самолар шодлансин, замин тантана қилсин ва халқларга: “Раббий ҳукмронлик қилипти” – деб, айтишсин. Раббийни улуғланглар, чунки Унинг шафқати мангудир. Унинг юзининг олдида шуҳрат ва буюкликдир, Унинг жойида қодирлик ва қувончдир.**

Сажда учун ишлатиладиган  
асбоблар

Довуднинг чодирини сажда учун кўп асбоблар ишлатилар эди.

**Сано 150:1-6 Худони Унинг муқаддасгоҳида мақтанглар; Унинг кучининг бардамлигида Уни мақтанглар. Унинг куч-қудратида Уни мақтанглар, Унинг буюклигининг кўплигида Уни мақтанглар. Уни карнай овозлари билан мақтанглар, Уни тор ва ғижжакда мақтанглар. Уни доира ва рақслар билан мақтанглар, Уни тор ва органда мақтанглар. Уни жарангдор чангда мақтанглар, Уни қаттиқ овозли чангда мақтанглар. Ҳамма нафас олувчилар Раббийни мақтансин Ҳаллилуя!**

Ушбу қисқа санода Довуд мақтов учун ишлатилиши керак бўлган асбоблар номини санаб ўтди. Энг муҳим ва асосий асбоб – бу бизнинг нафасимиздир.

- карнайли асбоблар
- қўбуз (торли асбоб)
- ғўшул
- доира
- торлар
- орган
- занглар

Мақтов ва сажданинг кучи

Шухрат булут

Сандиқ маъбадга кўчирилганидан сўнг, то Худонинг шухрати маъбадни тўрдирмагунича, рухонийлар билан халқ Худони улуғлар эди.

**2Йилнома 5:13,14** Ва карнай чалувчилар ҳам, куйловчилар ҳам битгадек эдилар, Раббийни мақташ учун ва шарафлаш учун бир овоз чиқарар эдилар; карнайлар, занглар ва мусикий асбоблар овози жаранглаганида, Раббийни: “У эзгудир, чунки Унинг шафқати мангудир,”- дея улуғлаган вақтда, уйни, Раббийнинг уйини булут тўлдирди. Шунда рухонийлар булут туфайли хизматда оёқда тура олмадилар, чунки Раббийнинг шухрати Худонинг уйини тўлдирган эди.

Жамоат учун намуна

Довуднинг чодир – жамоат учун умумий ва аниқ намуна эди.

**Хаворийлар 15:16,17** “Бундан кейин Мен қайтиб келиб, Довуднинг йиқилган чодирини қайта барпо қиламан. Унинг харобаларини янгидан қуриб, Уни бошдан қайта тиклаб қўяман. Токи қолган одамлар, Исминни таниган барча халқлар, Мен – Раббийни излаб топсинлар”.

Ёқуб ушбу жумлада Амос пайғамбарнинг жумласидан олиб айтган.

**Амос 9:11,12** «Ўша куни, Мен Довуднинг йиқилган чодирини тиклайман, унинг ёриқларини шуваб ташлайман, бузилган жойларини тиклайман ва қадимги кунларда бўлгани каби турғизаман. Зеро улар Елоининг қолганларини ва Менинг уларнинг орасида номим буюк қилинадиган ҳамма халқларин эгаллаб олсинлар,»- дейди буларни ижро этадиган Раббий.

Худо Довуднинг бузилган чодирини рухан тиклашни истади. Бу янги аҳд саждасини билдиргани учун, унинг сажда билан боғлиқ бўлган ҳамма йўналишини Худо тиклайди.

## САВОЛЛАР:

---

1. Довуднинг даврида унинг чодирини ҳақиқий чайла эди. Бугун эса Довуднинг чодирини биз учун нима?
2. Довуд сандикни кўчираётган вақтда Уззоҳ нима сабабдан ҳалок бўлди?
3. Икки турда бўлган сажда тимсолининг фарқи, Мусонинг йиғилиш чодирини билан Довуднинг чайласи орасидаги фарқ нимада эди?

### 3 Дарс

#### Мақтов учун Худонинг кўрсатмалари

Бизлар Раббийни нима сабабдан улуғлаймиз?

---

- Унинг борлиги учун
- Тўхтовсиз севгиси учун
- Мўъжизавий ишлари учун

**Сано 106:1,2,8 Раббийни улуғланг, чунки У эзгу, чунки Унинг шафқати абадийдир! Раббий озод қилганлар, кимни У душманларнинг қўлидан озод қилган бўлса, шундай десинлар...**

**Раббийни Унинг шафқати учун ва Унинг инсон ўғиллари учун қилган ажойиб ишлари учун улуғласинлар.**

**Сано 47:2 Раббий улуғ ва бизнинг Худойимизнинг шаҳрида, Унинг муқаддас тоғида барча мақтовдадир.**

**2Шомулга 22:4 Эгамга илтижо қиламан, У мени ғанимларимдан халос қилади. Эгамизга ҳамду санолар!**

- Буюк

**Сано 95:4 Чунки Раббий буюк ва мақтовларга сазовордир, ҳамма худолардан кўра У даҳшатлидир.**

- Ишларида Қодир

**Сано 150:2 Унинг куч-қудратида Уни мақтанглар, Унинг буюкликсининг кўплигида Уни мақтанглар.**

**У бошланиш ва ҳаммадан буюк.**

- Бизларни танлайди:

**Луқо 10:20 Бироқ рухлар сизларга бўйсунмаётганидан қувонманглар, балки исмларингиз осмонда ёзилганидан қувонинглар.**

Худони улуғлашимиз учун

**Сано 49:23 “Ким мақтов қурбонлигини келтирса, ўша Мени ҳурмат қилган бўлади, ким юрган йўлини кузатаётган бўлса, Мен ўшанга Худонинг нажотини намоён қиламан”.**

**Сано 68:31 Мен ўз Худойимнинг исмини қўшиқда улуғлайман, Уни ашула айтиб юксалтираман.**

Улуғлаш кимлар орқали амр этилган:

- Довуд орқали

**Сано 148:1 Ҳаллилуя. Раббийни осмондан мақтанглар, Уни юқоридан мақтанглар.**

- Повул орқали

**Эфесликларга 5:19 Ўз-ўзларингизга санолару мадҳиялар ва руҳий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга қуйлаб ва**

хиргойи қилиб...

➤ Юҳанно орқали

**Вахий 19:5** Кейин тахтдан бир овоз келди: “Эй Худойимизнинг барча қуллари, Ундан қўрқувчи катта-ю кичиклар, Унга ҳамда сано айтинглар”.

Бу яхшидир

**Сано 91:2,3** Раббийни улуғлаш ва Тангрим Сенинг исминга куйлаш эгудир. Эрталаб Сенинг шафқатингни ва тунда Сенинг ҳақиқатингни эълон қиламиз.

**Сано 146:1** Раббийни мақтанглар, чунки бизларнинг Худойимизга куйлаш эгудир, чунки бу лаззатли – лойиқ бўлган мақтовдир.

Бу ҳақларга ярашади

**Сано 32:1** Ҳақлар Худо ҳақда қувонинглар; куйлаш ҳақларга ярашади.

Баъзилар Худони улуғлашдан қўрқадилар, чунки улар буни шарафли эканини сезмайдилар. Бу Худонинг Сўзига қаршидир.

**2Шомуилга 6:14-16, 21-23** Довуд Эгамизнинг ҳузурида бутун вужуди билан ўйинга тушарди. У ўшанда рухонийларнинг муқаддас либосини кийиб олган эди. Довуд билан бутун Исроил халқи севинчли хитоблар, карнай садолари остида Эгамизнинг сандиғини олиб келишарди. Эгамизнинг сандиғи Довуд қалъасига кириб келаётганда, Шоулнинг қизи Михал деразадан қараб турган эди. У Эгамизнинг олдида сакраб ўйнаётган шох Довудни кўрди-ю, ўз кўнглида уни паст кўрди. “Мен Эгам олдида ўйнадим!”, - деди Довуд. У отанг ва унинг бутун хонадонидан мени ортиқ кўрган, Ўз халқи Исроилга мени раҳнамо қилиб танлаган. Ҳа, Эгам олдида албатта ўйнайман. Бундай буён ўзимни яна ҳам пастроқ тутарман, балки уларнинг олдида ўзимни яна ҳам кичик тутарман. Лекин билиб қўй, сен айтган ўша чўрилардан мен шараф топарман. Шоулнинг қизи Михал умрининг охиригача бефарзанд ўтди.

Худо Ўз халқининг ашуласида яшайди

**Сано 21:4** Аммо Сен, Муқаддас, Исроилнинг мақтов сўзларининг орасида яшайсан.

Агар юрагимиз мақтов билан тўлган бўлса, у Худо билан тўлган бўлади. Агар бизнинг уйимиз мақтов билан тўлган бўлса, у уйни Худо Ўзи билан тўлдиради. Ўзимизни улуғлов билан ўраганимизда, Худонинг ҳузурига кирамиз.

Мақтов кучимизни тиклайди

**Нехемиаҳ 8:10** Ва уларга айтди: “Боринглар, лаззатли ёғли таомлар енглар, ширин ичимликлар ичинглар ва ҳеч нарса тайёрламаганларга, улушларини юборинглар, чунки бу кун Раббимизнинг муқаддас кунидир. Ва қайғурманглар, чунки Раббий олдидаги қувончингиз - сиз учун қувватдир.”

**Сано 27:7** Раббий - менинг қалъам ва менинг қалқоним; менинг юрагим Унга таянар эди ва У менга ёрдам берди;

**шунда менинг юрагим шодланди; мен ҳам Уни қўшиқларим билан улуғлайман.**

Мақтов ғалаба келтиради

Завқланувчи жон Раббий билан лаззатланади. Худо инсоннинг юрагининг истагини амалга оширади.

**Сано 36:4 Раббий билан юпан, шунда У сенинг юрагининг истақларини амалга оширади.**

Эътибор беринг: мақтов ниманидир олишга олиб келади. Мақтов бизнинг мақсадларимизни тартибга келтиради ва шунда Худо юрагимизнинг истагини амалга ошира олади.

**Сано 17:4 Муборак Раббимни чақираман ва душманларимдан халос бўламан.**

Мақтов ғалаба келтиради

**2Йилнома 20:21,22 У халқ билан маслаҳатлашди ва Раббий учун қўшиқчиларни, улар муқаддас кўрқда, қуроллаганларнинг олдидан бориб, қўшиқлар куйлаб: Раббийни улуғланг, чунки Унинг шафқати мангудир! – дейишлари учун қўйди. Улар ҳайқириб, улуғлашни бошлаганларида, Раббий Яхудияга келган Аммонликлар билан Мўабликлар ва Сеир тоғида яшовчиларнинг ўртасида норозилик уйғотди ва улар қирилдилар.**

Мақтов ҳар кунги жангда ҳам ғалабага етаклайди.

## РАББИЙНИ КИМ УЛУҒЛАШИ КЕРАК

Ҳар бир жон

**Сано 144:21 Менинг оғзим Раббийга мақтовлар айтади, ҳар бир тана Унинг муқаддас исмини асрлардан-асрларгача дуо қилсин.**

**Сано 148:11-13 Ер подшоҳлари ва барча халқлар, хонлар ва ернинг барча ҳакамлари Уни мақтасин. Йигитлар ва қизлар, оксоқоллар ва ўсмирлар – Раббийнинг исмини мақтасин; чунки ёлғиз Унинг исми юксалган, унинг шухрати ерда ва осмонда ҳамдир.**

Менинг жоним

**Сано 102:1-2 Менинг жоним Раббийни дуо қил, менинг бутун ичим – Унинг муқаддас исмини дуо қил. Менинг жоним Раббийни дуо қил ва Унинг қилган барча эзгу ишларини унутма.**

Барча нафас олувчи

**Сано 150:6 Ҳамма нафас олувчилар Раббийни мақтасин! Ҳаллилуя!**

Худонинг халқи

**Сано 66:4,6 Худойим Сени халқлар мақтасинлар, барча халқлар мақтасинлар. Худойим Сени халқлар мақтасинлар, барча халқлар мақтасинлар.**

**Сано 77:4 ...Уларнинг фарзандларидан яширмаймиз, келажак**

авлодларга Раббийнинг шухратини, Унинг кучини ва Унинг яратган мўъжизаларини айтиб берамиз.

**Сано 78:13** Бизлар эса Сенинг халқинг, Сенинг яйловларингдаги қўйларингмиз, Сени мангу улуғлаймиз ва авлоддан-авлодгача Сенга мақтовлар айтамыз.

Ҳақ одамлар

**Сано 139:14** Шундай экан, Сенинг исмингни ҳақлар улуғлайди; бенуксонлар Сенинг юз олдинда яшайдилар.

Муқаддаслар

**Сано 144:10** Эй Раббий, Сенинг барча ишларинг Сени улуғласин, Сенинг муқаддасларинг Сени дуо қилишсин.

Озод бўлганлар

**Сано 106:1,2** Раббийни улуғланг, чунки У эзгу, чунки Унинг шафқати абадийдир. Раббий кимларни озод қилган бўлса, У кимни душманларнинг қўлидан озод қилган бўлса, у шундай десин.

Худодан қўрқувчилар

**Сано 21:24** Раббийдан қўрқувчилар! Уни мақтанглар. Барча Ёқубнинг уруғидан бўлганлар! Уни улуғланглар. Барча Исроил уруғидан бўлганлар Унинг олдида эхтиромда турсинлар!

Худонинг куллари

**Сано 112:1** Мақтанглар, Раббийнинг куллари, Раббийнинг исмини мақтанглар.

**Сано 133:1** Тун вақтида Раббийнинг уйида турган, Раббийнинг ҳамма куллари, ҳозир Раббийни дуо қилинглар.

**Сано 134:1** Раббийнинг исмини мақтанглар, Раббийни куллари мақтанглар.

Унинг барча фаришталари

**Сано 148:2** Унинг ҳамма фаришталари Уни мақтанглар, Унинг ҳамма лашкарлари Уни мақтанглар.

Бор табиат

**Сано 148:7-10** Раббийни ердан, катта балиқлар ва ҳамма тубсизликлар мақтанглар. Унинг сўзини бажараётган олов ва дўл, қор ва туман, қаттиқ шамол, тоғлар ва барча қирлар, ҳосилдор дарахтлар ва барча кедрлар, ҳайвонлар ва ҳар қанақа мол, судралувчилар ва қанотли қушлар Уни мақтанглар.

**РАББИЙНИ ҚАЧОН УЛУҒЛАШИМИЗ КЕРАК**

---

Эрталабдан кечгача

**Сано 112:3** Қуёш чиқар томондан то ғарбгача Раббийнинг исми улуғланадиган бўлсин.

Бутун кун

**Сано 70:8** Менинг оғзим токи ҳар куни Сенинг

ҳашаматлилигингни куйлаш учун мақтовларга тўлиб тошади.

Токи тирик эканмиз

**Сано 145:2 Токи тирик эканман Раббийни мақтайман; токи бор эканман мен ўз Раббимга куйламан.**

Ҳар қандай вақтда

**Сано 33:2 Ҳамма вақт Раббий дуолидир; менинг оғзимдан Унга тинимсиз мақтовлар янграйди.**

Ғамгинликда ҳам

**Сано 41:12 О, жоним, нега ғамгинсан, нега хафасан? Худога ишон; чунки мен яна Уни, Нажоткоримни ва Худойимни улуғлайман.**

Ҳар доим

**Эфесликларга 5:20 ...ҳар доим, ҳамма нарса учун Отамиз Худога Раббимиз Исо Масих номи билан миннатдорчилик билдиринглар.**

## РАББИЙНИ ҚАЕРДА УЛУҒЛАШ КЕРАК

Йиғилишда

**Сано 21:23,26 Сенинг исмингни ўз биродарларимга эълон қиламан, йиғилганлар ўртасида Сенинг номингни мақтайман. О, бу йиғилган кўпчилиكنинг орасида, менинг мақтовим Сенгадир; Ундан кўрққанларнинг олдида мен ўз ваъдаларимни бераман.**

**Сано 106:32 Уни халқлар йиғинларида юксалтирсинлар, Уни оқсоқоллар гуруҳида улуғласинлар.**

Унинг муқаддасгоҳида

**Сано 150:1 Худони Унинг муқаддасгоҳларида мақтанглар; Унинг кучининг бардамлигида Уни мақтанглар.**

Халқлар орасида

**Сано 56:10 Раббим мен Сени халқларнинг орасида улуғлайман; қабилалар орасида Сенга ашулалар куйлайман.**

**Сано 107:4 Сени Раббий халқларнинг орасида улуғлайман; қабилалар орасида Сенга куйлайман.**

Унинг ҳовлисида

**Сано 99:4 Унинг дарвозаларидан ҳамду-санолар айтиб кинглар, Унинг ҳовлисида мақтовлар айтиб кинглар. Уни улуғланглар, Унинг исмига дуолар ўқинглар.**

Кўплар орасида

**Сано 108:30 Мен қаттиқ овозда оғзим билан Раббийни улуғлайман ва кўпларнинг орасида Уни юксалтираман.**

## САВОЛЛАР:

---

1. Раббийни улуғлаш учун учта мисол келтиринг:
  
2. Худони қачон улуғлашимиз керак? Ёзувдан ва шахсий тажрибангиздан мисол келтиринг.
  
3. Худони улуғлаш учун сизга ва бошқаларга далда берадиган ҳамда ўзингиз ёдлашни истаган Ёзувдаги учта оятни ёзинг.

## 4 Дарс

### Мақтов Худонинг баракасини келтиради

#### МАҚТОВ ТАБИАТДАГИ АЙЛАНИБ ОҚАДИГАН СУВГА ЎХШАЙДИ

---

##### Сувнинг айланиши

Ёзувдаги кўп оятларда мақтов - табиат сувининг айланиб туриши билан таққосланган. Бу тўхтовсиз, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнидир.

- Сув ер юзидан буғланиб чиқади
- Ҳавода булутлар пайдо бўлади
- Ёмғир бўлиб ерга тушади

##### Мақтовнинг айланиб туриши

Мақтов тугалмас бўлиши керак. Бизлар Худони улуғлаймиз ва бизнинг ибодатимиз:

- Баракага эга
- Ғалабага эга
- Рухий ўсишга эга

**Амос 5:8** Ким етти юлдузни ва Ориоини яратган; ўлим соясини ёруғ тонгга айлантиради; кунни тунга ўхшатиб қоронғу қилади; денгиз сувларини чақиради ва уни бутун ернинг юзига сепади? – Унинг номи Раббий.

**Амос 9:6** У Ўзининг баланд Саройини осмонда қурди ва Ўзининг гумбазини ерда мустаҳкамлади, денгиз сувларини чақиради ва уларни ернинг юзига сепади; Унинг номи – Раббий.

##### Худо баракалар қуяди

Худо ёмғир бўлиши учун сувни буғланишини қандай истаса, бизлардан ҳам шуни истайди. Бизлар Уни улуғлаганимизда, У Ўзининг баракасини устимизга қуяди.

**Аюб 36:27,28** У сув томчиларини тўплайди: улар кўпайиб ёмғир бўлиб тўкилади; булутлардан томади ва одамларга мўл бўлиб ёғилади.

**Осия 6:3** Шундай қилиб, билиб оламиз, Раббийни билиш учун интиламиз; Унинг намоён бўлиши тонгги ёғду кабидир ва кечки ёмғир ерни суғоргани каби, У бизга ёмғир каби келади.

**Ишаъё 45:8** Осмонга юқоридан сачратинг ва булутлар ҳақиқатни ёғдирсин; ер очилсин ва нажот келтирсин, биргаликда ҳақиқат ўсиб чиқсин. Мен, Раббий бунни яратяпман.

##### Худони улуғлаганимизда барака қуйилади

Бизлар Худога сано айтганимизда, У баракалар ёмғирини ёғдиради.

**Ҳикматлар 11:25** Сахийнинг бири икки бўлади, бошқаларга

яхшилик қилганинг ўзи ҳам яхшилик кўради.

**Сано 66:6,7** Худойим Сени халқлар, барча халқлар мақтасинлар. Ер ўз ҳосилини берди: бизни Худо, ўз Худойимиз баракатли қилсин.

**Сано 146:7,8** Навбат-навбат билан Раббийга мадҳлар куйланглар; бизларнинг Худойимизга ғижжакда куйланглар. У осмонни булутлар билан қоплатади, ер учун ёмғирини тайёрлайди, тоғларда ўтларни ўстиради;

**Закариё 10:1** Қулай бўлган вақтда Раббийдан ёмғир сўранглар; Раббий чакмоқ билан ялтираб кетади ва сизларга мўл-кўл ёмғир, ҳар бирларингнинг ерларингга ғалла – дон беради.

Тугалмас нарса

**Ёқуб 5:7** Шундай қилиб, биродарларим, Раббийнинг келишига қадар узоқ сабр-тоқатли бўлинглар. Мана, деҳқон ернинг қимматбаҳо ҳосилини кутади. Шунинг учун у эртанги кечки ёмғир ёққунига қадар узоқ сабр-тоқат қилади.

Экувчи экканидан ҳосил кутмайди. Сабрли бўлинглар, чунки ўз вақтида ҳосилни ёки баракани йиғиб оласизлар.

Қуёш океан устидан қандай порласа, Худо ҳам Ўз баракасини инсоният устидан порлаши учун юборди.

Инсон олган баракалари орқали исиб, Худога жавоб бериши керак. Яъни Унга мурожаат қилиш керак.

Унинг мақтови Худога буғ каби кўтарилиши керак.

Ушбу мақтов - баракалар булутини пайдо қилади.

Худо уларни ёмғирга айлантириб, уни ерга яна қуяди.

Ёмғирнинг ортиқчаси дарёни пайдо қилади ва у денгизга, олдин чиққан жойига қайтади. Барча нарсанинг бошланишини бор.

## МАҚТОВНИНГ МАҲСУЛИ

Шахсий қизиқишларимизда

Худонинг бошқарувига йўл бериш

**Ҳаворийлар 16:25,26** Тун яримлаб қолганда, Повул ва Сила ибодат қилиб, Худога куйлар эдилар; маҳбуслар эса уларни тинглаб туришарди. Тўсатдан шиддатли zilзила юз берди-да, қамокхонанинг пойдеворини силкитиб ташлади. Ўша заҳоти барча эшиклар очилиб, ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди.

Ернинг ҳосили ўсмоқда

**Сано 66:6,7** Худойим Сени халқлар, барча халқлар мақтасинлар. Ер ўз ҳосилини берди: бизни Худо ўз Худойимиз дуо қилсин.

Иосафат

**2Йилнома 20:21,22** У халқ билан маслаҳатлашди ва Раббий учун кўшиқчиларни, улар муқаддас кўрқда, қуролланганларнинг олдидан бориб, кўшиқлар куйлаб: Раббийни

улуғланг, чунки Унинг шафқати мангудир! –дейишлари учун қўйди. Улар хайқириб, улуғлашни бошлаганларида, Раббий Яхудияга келган Аммонликлар билан Мўабликлар ва Сеир тоғида яшовчиларнинг ўртасида норозилик уйғотди ва улар қирилдилар.

Саломатлик келтиради

**Хикматлар 17:22** Шод юрак - шифобахш дори, ғам-кулфат жоннинг эговидир.

Тинчлик келтиради

**Ишаъё 60:18** Бундан кейин сенинг ерингда зўравонлик, сенинг чегараларингда бўм-бўшлик ва харобалик бўлмайди; сен деворларингни нажот ва дарвозаларингни шон-шуҳрат деб атайсан. Энди қуёш сенга кундузги нур бўлиб хизмат қилмайди, ойнинг ёруғи сенга нур сочмайди; аммо Раббий сенга абадий нур, сенинг Худойинг – сенинг шон-шуҳратинг бўлади.

Бизларни ўзгартиради

Бизлар сажда қилаётган Худоимизнинг шуҳратига кўра ўзгартирилганмиз.

**2Коринфликларга 3:11,18** Агар вақтинча жорий бўладиган тузум улуғворлик билан келган бўлса, унда боқий қолувчи тузум нақадар улуғворроқдир. Биз ҳаммамиз очик юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг шуҳратига қараб турибмиз. Шуҳратдан шуҳратга ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз; бу эса Раббимизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда.

**1Юҳанно 3:1,2** Қаранглар, биз Худонинг фарзандлари деб аталишимиз учун, Отамиз бизга Ўзининг нақадар буюк севгисини кўрсатди. Бу дунё Уни танимагани учун бизни ҳам танимаяпти. Севганларим, биз энди Худонинг фарзандларимиз, лекин келажакда нима бўлишимиз ҳали тўлиқ очилмаган. Фақат шуни биламизки, Исо Масих зоҳир бўлганида, биз У каби бўламиз, чунки У қандай бўлса, Уни шундай ҳолда кўрамиз.

## РАББИЙДА ҚУВОНИБ

---

Ғамгин юз

Агар юз ғамгин бўлса, бу юракнинг миннатдор эмаслигини билдиради.

**Нехемиах 2:1,2** Нисан ойида, подшоҳ Ахашверош ҳокимлигининг йигирманчи йилида, унинг олдида шароб турган эди. Мен шаробни олиб, подшоҳга узатдим, ўзим эса унинг олдида қайғули бўлиб кўринмас эдим. Лекин подшоҳ менга деди: “Нима учун сенинг юзинг қайғуга ботган? Сен касал эмассан, демак юрагингда бир қайғу бор”. Мен эса жуда кўрқиб кетдим.

Шоҳ Нехемиахнинг юзидаги ғамни кўрганида, Нехемиах кўрқиб кетди. Ғамгин юз, шоҳ саройидаги хизматда бахтсиз эканини билдирар эди. Бу нарса Нехемиахни ўлимга олиб келиши мумкин

эди. Шохнинг хузурига ёмон кайфиятда келиш ҳақоратни билдирар эди. Худонинг хузурига қувончсиз ҳиссиётлар билан келиш, У бизга берган, биз учун қилган, бизни таъминлаган, биз учун қилишни истаган барча нарсалари билан бахтсиз эканимизни билдиради.

Қувониш амр этилган

Бизга Раббий қаршисида қувониш амр этилган.

**Қонуннинг такрорланиши 12:7,11,12** Сизлар ўша ерда Раббий Худоларингнинг олдида У дуо қилган меҳнатларингнинг ҳосилларидан олиб келиб, сиз ҳамда оилаларинг еб-ичиб хурсандчилик қилинглар. Ўшанда ҳар бирларингга Ўз исми бўладиган ерни бўлиб берганида, ўша ерга мана бу мен амр қилганларни олиб келинглар: батамом ёндириш қурбонликлари ва қурбонликларни, ўндан бир ушрларни, қўлларингда кўтариб олқишлашларингни, Раббийга ваъда қилиб ажратган ваъдаларингни келтиринглар. Раббий Худонинг олдида сен, сенинг ўғилларинг, қизларинг, кулларинг, чўриларинг ва ҳовлинг атрофидаги левитлар ҳам хурсандчилик қилишсин, чунки левитлар сизлардек қисм ва улушга эга эмаслар.

**1Йилнома 16:10** Унинг муқаддас номи билан мақтанинглар; Раббийни излаётганларнинг юраги шодлансин.

**Сано 32:1** Ҳақлар Раббийга хурсанд бўлинглар: мадҳ этиш ҳақиқатгўйларга ярашади.

**Луқо 1:46,47** Марям эса деди: “Менинг жоним Раббийни улуғлайди, ва менинг руҳим Нажоткорим Худо ҳақида шодланмоқда...”

**Филиппиликларга 4:4** Раббийда доимо қувонинглар. Сизларга яна айтаман: қувонинглар.

Қувонч ва шодлик келади

Қувонч билан шодлик тушуниш ҳамда фикрлаш орқали келади.

**Иеремийё 15:16** Сенинг сўзларинг олинди ва мен уларни еб юбордим; ва Сенинг сўзинг менга қувонч ва юрагим учун шодлик бўлган эди; зеро Сенинг номинг менда аталган, Раббий, Худойим Сабаоф.

Уруғнинг ҳосиллари

Бизларнинг юрагимизда Худонинг Сўзи экилганидан сўнг, бирданига қувончда юришимиз лозим.

**Ишаъё 55:10-12** Ёмғир ва қор осмондан тушиб, у ерга яна қайтиб бормай, балки ер юзини суғориб, экувчига уруғ, ейувчига нон бериш учун уни туғдиришга ва ўстиришга қодир қилгани каби; Худди шундай Менинг оғзимдан чиққан сўзим ҳам – Менга беҳуда қайтиб келмайди, лекин Менга нима маъкул бўлса, шуни амалга оширади ва Мен уни нима учун юборган бўлсам ўшани бажо келтиради. Шундай қилиб, сизлар шодлик билан чиқасизлар ва тинчлик билан кузатилиб борасизлар. Тоғу-тепаликлар сизларнинг олдингизда қўшиқ куйлайдилар ва даладаги ҳамма дарахтлар сизларга қарсақ чаладилар.

Кувонч билан шайтонни  
тўхтатинг

Сўз юрагимизга экилганидан сўнг, шайтон нималар қилишга уринади?

У бирданига кувончни азоблар ва қувғинлар орқали ўғирламоқчи бўлади.

Агар бизлар қонунни бузсак ва кувончни йўқотсак, бизлар шайтонга, юрагимизда экилган Сўзнинг уруғларини ўғирлаши учун йўл очган бўламиз.

**Марк 4:4, 14-17 Уруғ сепаетганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушибди. Қушлар учиб келиб, уруғларни чўқиб кетибди. Мана, уруғ сепувчининг сепгани – Худонинг сўзидир. Йўл ёқасига тушган уруғ шундай одамларни билдиради: уларнинг юрагига илохий сўз сепилади. Бироқ улар эшитган ҳамон шайтон келиб, қалбларига сепилган сўзни ўғирлаб кетади. Тошлоққа тушган уруғ эса шундай одамларни билдиради: улар сўзни эшитар-эшитмас, севинч билан қабул қилаверадилар. Лекин улар илдизи йўқ беқарор одамлардир. Сўнгра сўз туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлишса, тезда васвасага тушиб қоладилар.**

Кувонч ҳосил келтиради

Унинг Сўзининг уруғи ичимизда ва Унинг кувончи ҳам ичимиздадир.

**Юханно 15:10,11 Мен Отамнинг амрларига амал қилиб, Унинг муҳаббатига содиқ қолганман. Худди шу сингари сизлар ҳам, агар Менинг амрларимга амал қилсангизлар, муҳаббатимга содиқ қоласизлар. Менинг шодлигим сизларга ўтсин ва қўнглингиз қувончларга тўлсин деб, Мен бу сўзларни сизларга айтдим.**

Исо Ўз Сўзида, Унинг кувончи бизнинг ичимизда доимо бўлишини айтган. Унинг кувончи вақтинчалик ва қисман эмас, у вазиятларга тобе эмас. У комилдир.

**Ибронийларга 10:32-34 Аввалги кунларни эсга келтиринглар. Ўшанда сиз зиёни кўриб, азоб-уқубатлар тўла қаттиқ курашга бардош берар эдингизлар. Гоҳ ўзларингиз эл-юртнинг ҳақоратига қолиб, азоб чекар, гоҳ шундай аҳволга йўлиққанларга ҳамдард бўлардингизлар. Махбусларнинг алам-аччиғига шерик бўлардингизлар. Сизни янада яхши ва боқий бойлик кутаётганини билиб, мол-мулкингизнинг талон-тарож этилишини хурсандлик билан қабул қилардингизлар.**

**1Петъор 4:12-13 Севганларим! Сизларни васваса қилиш учун бошингизга тушаётган алангали синовни ғалати воқеа деб, ҳайрон бўлманглар. Аксинча, Масихнинг азобларига шерик бўлаётганингиз учун қувонинглар. Унинг шон-шухрати зоҳир бўлганида, сизлар янада кўпроқ қувониб тантана қиласизлар.**

**Матто 5:11,12** Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувғин этса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фиску ғийбат қилса, бахтлисиз! Севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк. Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам шундай қувғинда бўлишган.

**Юханно 16:22** Шунга ўхшаш сизлар ҳам энди ғам-қайғу чекапсизлар. Лекин Мен сизларни яна кўраман ва юрагингиз қувончга тўлади. Қувончингизни эса сизлардан ҳеч ким тортиб олмайди.

Қувонч куч келтиради

Бизлар қувонганимизда ва Худони улуғлаганимизда, Ундан куч оламиз.

**Нехемиах 8:10** Нехемиах уларга яна деди: “Боринглар, ёғли таомлар енглар, ширин шарбатлар ичинглар ва ҳеч нарса тайёрламаганлар билан бўлишинглар, чунки бу кун Раббимизга муқаддас кундир. Қайғурманглар, зеро Раббий Худованд олдидаги қувончингиз сиз учун қувватдир”.

Қувонч ёвузликдан устун келади

Бизлар қувониб “ёвузни” (шайтонни) енгамиз.

Бизлар қувонганимизда ва Унинг Сўзининг уруғини сақлаганимизда кучлимиз ва масиҳий ҳаётда ғалабада яшаймиз.

**Юханно 2:13,14** Оталар, сизларга ёзаяпман, чунки сизлар бор Бўлганни таниб-билдингиз. Йигитлар, сизларга ёзаяпман, чунки сизлар ёвузни енгдингиз. Болалар, сизларга ёзаяпман, чунки сизлар Отани таниб-билдингиз. Эй, Оталар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар азалдан бор Бўлганни таниб-билдингиз. Эй, йигитлар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар кучлисизлар, Худонинг Сўзи ичингизда жо бўлмоқда ва сизлар ёвуз шайтонни енгдингиз.

Қувонч инсонни тиклайди

Агар шайтон бизнинг қувончимизни ўғирлаган бўлса, бизлар Сўзнинг уруғларини йўқотган бўлсак, инъом ва ғалабани қайтариб олишимиз мумкин.

Бизлар Худонинг уйида мактов олиб борсак, овозимизни қувончда чиқариш орқали асирликни қул қиламиз. Шунда шайтон нимани ўғирлаган бўлса, ҳаммасини қайтаришига тўғри келади.

**Иеремия 33:9-11** Шунда Иерусалим мен учун қувончли ном бўлади, ердаги барча халқлар олдида мактов ва шухрат бўлади, улар Мен унга қиладиган барча эзгуликларим ҳақида эшитадилар ва хайратда қоладилар ва Мен унга келтирадиган барча эзгу ишларим билан барча фароғатларимдан титраб кетадилар. Раббий шундай дейди: сизлар: “у бўш, одамларсиз ва хайвонларсиз”- деб, айтаётган ушбу жойда, одамларсиз, аҳолисиз ва хайвонларсиз, бўш бўлган Яҳудия шаҳарларида ва Иерусалимнинг кўчаларида, қувонч овози ва шодлик овози, куёвнинг овози ва келиннинг овози; “Раббий Сабаофни улуғланг, чунки Унинг шафқати мангудир,” – деб айтадиганларнинг овози, Раббийнинг уйида миннатдорчилик қурбонлигини келтираётгаларнинг овози яна эшитилади;

**чунки Мен ушбу ернинг асирларини олдинги ҳолатга қайтараман,- дейди Раббий.**

Етти карра тақдирланиши  
керак

Бизлар тантана қилганимизда- душмандан, у ўғирлаган нарсаларимизни етти карра қайтариб беришини талаб қилишимиз мумкин.

**Юҳанно 10:10** Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман.

**Ҳикматлар 6:30,31** Қорни очлигидан ўзини тўйдириш учун ўғрилик қилса, одамлар ундан нафратланмайди. Лекин қўлга тушиб қолганида ўғирланган молининг ҳаққини етти баробар қайтариши керак.

**ҲОЗИРНИНГ ЎЗИДА ШОДЛАНАМИЗ!**

**САВОЛЛАР:**

---

1. Мақтов айланиб оқиши Билан нимага ўхшайди?
2. Мақтовнинг иккита маҳсулини ёзинг.
3. “Раббийда қувонч” келтира оладиган икки нарсани ёзинг.

## 5 Дарс

### Мақтовнинг Библиявий сўзлари

#### ЭСКИ АХДДАГИ МАҚТОВ ҲАҚИДА АЙТИЛГАН СЎЗЛАР

Эски Ахдда, мақтовни тушунтириш учун бир неча хил, яхудийча сўзлар ишлатилган. Уларни ўрганиб чиқсак, бизлар, бугун Худони улуғлаш нима эканини тушунамиз.

Мақтовнинг яхудийча сўзлари қувончни ва ҳаракатни кўрсатади.

Халал

Халал – сўзи, энг кўп учрайдиган сўздир; у “мақтов” деб таржима қилинади. У Эски Ахдда 160 марта учрайди.

➤ Тасаввур этиш

Қуйидагиларни билдиради:

➤ Унинг мақтови, Ундан келиб чиқади(руҳ ва ҳақиқатдан).

**Сано 21:23 Сенинг исмингни ўз биродарларимга эълон қиламан, йиғилганлар ўртасида Сенинг номингни мақтайман.**

➤ Мақтаниш

**Сано 101:19 Булар ҳақда келаётган насллар учун ёзилади, келаётган авлодлар Раббийни улуғлайдилар:**

➤ Тантана қилиш

**Сано 34:18 Катта йиғилишларда мен Сени улуғлайман, кўп халқнинг ичида Сени мақтайман.**

➤ Шовқин қилиб қувониш

**Сано 106:32 Уни халқлар йиғинларида юксалтирсинлар, Уни оқсоқоллар гуруҳида улуғласинлар.**

➤ Улуғлаш

**Сано 63:11 Ҳақ эса Раббий ҳақида қаттиқ хурсанд бўлади ва Унга умид боғлайди; шунда юраги тўғри бўлганларнинг барчаси мақтанадилар.**

➤ Порлаш

**Аюб 41:10 Унинг акса урганидан нур кўринади; унинг кўзлари тонгнинг киприклари кабидир.**

Шунинг учун ҳақиқий мақтов аниқ ва жиддий жаранглаши керак. Тартибсизлик бўлмаслиги керак. Бу Раббий қаршисида мақтов айтишдир.

**2Йилнома 20:21,22 У халқ билан маслаҳатлашди ва Раббий учун кўшиқчиларни, улар муқаддас кўрқда, қуроллаганларнинг олдидан бориб, кўшиқлар куйлаб: Раббийни улуғланг, чунки Унинг шафқати мангудир! – дейишлари учун қўйди. Улар ҳайқириб, улуғлашни бошлаганларида, Раббий Яхудияга келган Аммонликлар билан Мўабликлар ва Сеир тоғида яшовчиларнинг ўртасида норозилик уйғотди ва улар қирилдилар.**

Техиллах (Халалдан

келиб чиққан)

Техиллах сўзи куйлашда урғу беради. У Эски Ахдда 57 марта қўлланилган.

➤ Аниқ ашулани куйлаш

➤ Раббийга аниқ мақтов куйлаш

**Сано 118:171 Сен мени Ўз қоидаларингга ўргатган вақтда, менинг оғзим мақтовлар айтади.**

➤ Тантана қилиш

➤ Унинг қўшиғида тантана қилиш

**Ҳабақуқ 3:3 Худо Темандан келган, Муқаддас Паран тоғидан келган. Унинг улуғворлиги осмонларни қоплади ва ер Унинг мақтови билан тўлди.**

➤ Мақтаниш

➤ Бизлар Унинг сўзлари ва мусиқаси билан мақтанишимиз керак.

**Қонуннинг такрорланиши 10:21 У сенинг мақтовинг ва У сенинг Худойингдир. У Ўзининг буюк ва дахшатли ишларини сенинг қўз олдинда кўрсатди.**

Шабах

Шабахнинг маъноси бу:

➤ Баланд ҳайқириш

➤ Баланд ҳайқириш

**Сано 62:4 Чунки Сенинг шафқатинг ҳаётдан ҳам яхшидир. Менинг тилим сени мақтайди.**

➤ Голибона ҳайқириш

➤ Голибона ҳайқириш

**Дониёр 2:23 Эй, ота-боболаримнинг Худоси, Сенга шукурлар айтиб, мадҳлар куйлайман, зеро донолигу қудратни менга берган Сенсан, истаган нарсамни менга очган Сенсан, Шох тушини бизга ошкор қилган Сенсан.**

➤ Ғалабадаги шухрат

➤ Ғалабада улуғланг

**Сано 116:1 Эй барча халқлар, Раббийни мақтанглар, барча қабилалар, Уни улуғланглар;**

Мақтов шовқинли бўлмаслиги керак. Бизлар ҳар доим бақиришимиз керак эмас, аммо баъзида шундай вақт бўладики, бизлар Худога ҳайқириқлар билан маъқул бўлишимиз мумкин.

**Сано 46:2 Эй бутун халқлар қарсак чалинглар, хурсандчилик билан Худога қаттиқ овозда нидо қилинглар;**

Замар

Замарнинг маъноси бу:

➤ Торларда чалиш

➤ Торларда чалиш

Бизлар жўр бўлиб, мақтовни муסיқий асбобларда куйлашимиз мумкин.

**Сано 107:2 Эй Худойим менинг юрагим тайёр;  
куйлайман ва ўз шухратимда ашулалар айтаман.**

Ядахнинг маъноси бу:

➤ Миннатдорликни

эътироф этиш

➤ Миннатдорликни эътироф этиш

**Сано 108:30 Мен қаттиқ овозда оғзим билан Раббийни  
улуғлайман ва кўпларнинг орасида Уни юксалтираман.**

➤ Узатилган қўллар

➤ Худога - узатилган қўллар билан миннатдорчилик билдириш мумкин.

**Сано 32:2 Тор чалиб Раббийни улуғланг, ўнли тор чалиб, мадх  
ашулаларини айтиб Унга куйланг.**

➤ Бўйсунуш

➤ Бўйсунуш

**2Йилнома 7:3 Ва барча Исроил ўғиллари, уйга оловнинг ва  
Раббийнинг шухратини тушганини кўриб, юзлари билан  
тахтасупага эгилдилар ва сажда қилиб, Раббийни улуғлар  
эдилар, чунки У эзгудир ва Унинг шафқати мангудир.**

Товдах

Товдах ядахнинг илдизидан келиб чиққан ва унинг маъноси бу:

➤ Узатилган қўллар

➤ Завқ билан ашулалар айтиб, қўлларини кўтардилар.

**Сано 41:5 Булар ҳақида ўйлаганимда жонимни очиб  
ташлайман, негаки мен гавжум халқнинг ичида юрдим, халқ  
байрамларида улар билан бирга Худонинг уйида  
хурсандчилик қилиб мадх ашулаларини куйладим.**

➤ Илтифотдаги миннатдорлик қурбонлиги

**Сано 49:23 Ким мақтов қурбонлигини келтирса, ўша Мени  
ҳурмат қилган бўлади, ким юрган йўлини қузатаётган бўлса,  
ўшанга Худонинг нажотини намоён қиламан.**

Варак

Варакнинг маъбади:

➤ Тиз чўкиш

➤ Ҳурмат билан тиз чўкиш

**Сано 94:6 Келинглр, сажда қиламиз, йиқиламиз, бизнинг  
Яратувчимиз, Раббийнинг юзи олдида тиз чўкамиз.**

Нимагадир тиз чўкиш – кўникишни ва ўша ниманидир

устунлигини кўрсатади.

## ЭСКИ АХДДА САЖДА СЎЗИНИ ИЗОҲ ЭТУВЧИ СЎЗ

Сажда сўзини таржима қилиш учун бир неча яҳудийча сўзлар қўлланилар эди. Бироқ, Эски Ахдда фақат битта сўз: “Худога сажда қилиш,”- иборасини таржима қилиш учун ишлатилган.

### Шачах

Шачахнинг маъноси бу: Худо қаршисида ҳурмат билан тиз чўкишдир. У шунингдек, юракнинг муносабатини кўрсатарди.

**Сано 94:6 Келинглар, сажда қиламиз, йиқиламиз, бизнинг Яратувчимиз, Раббийнинг юзи олдида тиз чўкамиз.**

## МАҚТОВ ВА САЖДА ҲАҚИДА ЯҲУДИЙЧА СЎЗЛАРДАН ОЛИНГАН ТУШУНЧАЛАР

### Кўриниш

Мақтов – бу руҳий муносабатнинг жисмоний кўринишидир. Худонинг ваҳийига ва Унинг буюклигига нисбатан бўлган юракнинг жавобидир.

Бу кўпинча жисмоний ҳаракатдир. Бизлар мақтовни ишлар билан ҳам кўрсатамиз. У тасаввур қилишни, қувончли шовқинни, шухратни, мусиқий асбобларда чалишни, қўл кўтаришни ва тиз чўкишни ўз ичига олади.

Ҳақиқий мақтов - намоён бўлиши керак.

### Товушли кўриниш

Товуш ҳам мақтовга киради. Бу яҳудийча сўзларнинг маъноси бўйича: мақтовнинг яққол ашуласи, товушлар чиқарилиши, куй, баланд ҳайқирик, ғолибона ҳайқирик ва Худога мақтов айтишдир.

### Ҳиссий фаолият

Мақтов ҳиссий фаолият ҳам бўлиши мумкин. Худони улуғлаш – бу ҳиссий фаолият эмас, балки руҳий фаолиятдир. Ҳақиқий мақтов ҳиссий фаолиятни олиб келиши мумкин. Бизлар ҳиссиётга қарамаймиз. Худо бизларга ҳиссиёт берди, шунинг учун бизлар уни Худонинг улуғланиши учун ишлатишимиз керак. Ҳиссиётлар – бу қувончли шовқин, тантана ва баланд ҳайқирикдир.

### Илтифот

Мақтов илтифотда кўрсатилиши керак. “Илтифот” кимнидир ҳурмат қилишни билдиради.

Мақтов - ҳар қайси хизматда, ҳар доим, Муқаддас Рух мойланишининг чегарасидан чиқмаслиги керак.

Худони улуғлаш – бу ўзимизни лаззатлантириш усули эмас. У Худонинг қаршисида илтифотни кўрсатиш учун қилинади.

### Хулосалар

Бизлар яҳудийча сўзларга қараб баъзи хулосалар қилишимиз мумкин.

Худо Рух ва бизлар Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишимиз

керак.

Мақтов хиссий бўлиши мумкин, лекин у ўзимизни қониктириш учун эмас, балки рухий сажда бўлиши учун эътибор беришимиз керак.

**Юханно 4:23,24** Лекин вақти келадикки, аллақачон келди ҳам, ҳақиқий саждакорлар Отага руҳда ва ҳақиқатда сажда қиладилар, чунки Ота Ўзига шунақа саждакорларни изламоқда. Худо Руҳдир ва Унга сажда қилувчилар, руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишлари лозим.

## ЯНГИ АХДДАГИ “МАҚТОВ” ВА “САЖДА”НИ ИЗОҲ ЭТУВЧИ СЎЗЛАР

Янги Ахдда мақтовни ёзиш учун бир неча юнонча сўзлар ишлатилган. Уларни ўрганиш бизларни янада фаолроқ ва Худони улуғлашимиз учун очиқроқ қилади.

Аинео

Аинеонинг маъноси:

➤ Байрам қилиш

➤ Мақтов ёки тантана келтириш.

**Римликларга 15:11** Ва яна: “Эй, барча мажусийлар Раббийни мадҳ этинглар; эй, барча халқлар, Уни улуғланглар.”

➤ Баланд овозлар

➤ Миннатдорлик билан овозни кўтариш.

**Луқо 19:37** Исо эса Зайтун тоғдан пастга тушадиган йўлга яқинлашганида, шогирдларининг кўпчилиги кўрган барча мўъжизалари учун қувонч билан баланд овозда Худони улуғлай бошладилар.

Эпаинео

Эпаинеонинг маъноси:

➤ Қарсак чалмоқ

**1Петъор 1:7** Токи сизларнинг синалган имонингиз оловда синалиб ўтилган, аммо нобуд бўладиган олтиндан ҳам қимматроқ бўлсин. Ўшанда Исо Масихнинг намоеън бўлишида сизларга ҳурмат-иззат, мақтов ва шараф бўлади.

➤ Тавсия этмоқ

**Эфесликларга 1:6** Ўз инояти шухратининг мақтови учун, У севикли Ўғлида бизга иноят кўрсатди.

Юлогео

➤ Бирор нима ҳақида яхши гапириш.

**Луқо 1:64** Шу ондаёқ Закариёнинг оғзи очилиб, унинг тили ечилди. У Худони улуғлаб гапира бошлади.

Докса

➤ Мўъжизавий

Докса мақтовнинг жисмоний кўринишини эмас, балки сажда пайдо қилган муҳитни билдиради.

**Юханно 9:24 Шундай қилиб, илгари кўр бўлган одамни иккинчи марта чақиринди. “Худони улугла! Биз у Одамнинг гуноҳкорлигини биламиз”, - дейишди.**

Проскунео

➤ Тиз чўкиш

Проскунео ҳурмат билан тиз чўкишдир.

**Матто 2:2 Улар: “Яҳудийларнинг подшоҳи бўлиб туғилган бола қаерда? Биз шарқда Унинг юлдузини кўрдик, Унга таъзим қилгани келдик”, - дедилар.**

## МАҚТОВ ВА САЖДА ҲАҚИДА БЎЛГАН ЮНОНЧА СЎЗЛАР

Жисмоний кўриниши

Мақтовда - Худо бизлар учун қилган ишларни кўрсатишимиз учун фаол ҳаракатлар қиламиз. Бу нарса тантана сўзи билан изоҳ этилади.

Товушли кўриниши

Мақтов – бу маъқулланиш, бағишланиш ва баланд овозлар билан юракдан Худога дил изҳоридир.

## МАҚТОВ ВА САЖДА СЎЗИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Сано

“Сано” – сўзи, юнонча “псалмос” сўздан келиб чиққан ва “қуйлаш учун яратилган шеърлар”ни билдиради.

Псалмос

“Псалмос” – бу мусиқа билан айтилган санодир.

Бошида, “зарб бериб чалиш ёки панжалар билан торларни чалиш”ни билдирган.

Мадҳия

“Мадҳия” юнонча сўз “гимнос” сўздан келиб чиққан бўлиб, “Худо учун мақтов ашула”ни ёки “гимнео” – “Худога айтилган мақтов ашуласини айтиш”ни билдиради .

Руҳий кўшиқ

Юнонча “пнеоматикос оде” кўшма сўзининг (руҳий ашула) маъноси: маълум бир вақтда, Муқаддас Рух берган сўз ва мусиқа учун ёзилган ашуладир.

## САВОЛЛАР:

1. Эски аҳддан олиниб, “мақтов” деб таржима қилинадиган иккита сўзнинг номини айтинг. Сўнг, уларнинг яҳудий тилидаги маъносига таъриф беринг.
2. Янги аҳддан, мақтовга тегишли бўлган иккита сўзнинг номини айтинг. Уларнинг юнон тилидаги маъносини таърифланг.
3. Худога сажда қилиш учун ишлатиладиган яҳудийча сўзнинг маъноси нима?

## 6 Дарс

# Худонинг мақтовдан абадий мақсади

Худо куй билан тантана қилади

Худо биз учун ҳайқириб тантана қилади!

**Софония 3:17** Раббинг Худованд сенинг орангда: У сени кутқариш учун кучли, сен ҳақингда қувонч билан ҳаммага эълон қилади, Ўзини севгиси билан меҳрибонлик қилади, сен ҳақингда шодланиб тантана қилади.

### ФАРИШТАЛАР ЯРАТИЛДИ

---

Худо фаришталарни яратди, токи улар маълум бир вазифаларни бажарсинлар. Барча фаришталар учта бош фаришта бошқаруви остида тақсимланган.

- Бош фаришта Микоил - катта ва жангчи фаришталарнинг бошлиғидир.
- Бош фаришта Жаброил - хабар етказадиган фаришталарнинг бошлиғидир.
- Бош фаришта Люцифер - Худонинг тахтини сано ва сажда билан тўлдириш учун яратилган фаришталарнинг бошлиғи эди.

Сажда ва сано

Худо фаришталарни мақтов ва сажда учун яратди.

**Аюб 38:7** Бутун тонг юлдузларининг рақсга тушган, Худонинг ҳамма ўғиллари хурсандчиликдан хайқирган пайтида ким қўйган?

Худо фаришта Люциферни порлоқ малак бўлиши ва Худонинг тахтини ҳимоя қилиши учун яратган эди.

**Эзекил 28:14** Сен порлаш учун мойланган малак эдинг, Мен сени шунга қўйдим; сен Худонинг муқаддас тоғида эдинг, оловли тошлар орасида юрар эдинг.

Малаклар Аҳд сандиғини қанотлари билан қоплаб турганларидек, Люцифер ҳам Худонинг тахти олдида қоплаб турувчи фаришта эди.

Люцифер мусиқа учун яратилган

Люцифер мақтов ва сажда учун яратилгани ҳақида кўрсатма бор.

**Эзекил 28:13** ... сендаги инчаларда мохирлик билан ўтқазилган ва сенда шода қилинганнинг ҳаммаси, сенинг яратилиш кунингда тайёрланган эди.

Люцифер тенгсиз мусиқачи эди. У ҳақиқатан ҳам зарбали асбобларнинг, органларнинг, овозларнинг оркестри эди.

Люцифер шу қадар безалган эдики, у ҳаракат қилганида ёки нафас олганида, тинмас, доимий, турли, нурли шуҳрат ва самовий мусиқа чиқиб турар эди.

**Ишаъё 14:11,12** Сенинг мағрурлигинг сенинг бутун шовкининг билан бирга ернинг қаърига ағдарилди; сенинг тагингга қуртлар тўшалади, қурт сенга – кўрпадир. Қандай қилиб сен куннинг ўғли, тонгнинг ўғли осмондан йиқилдинг! Халқларни оёқ ости қилувчи сен, ерга урилиб яксон бўлдинг.

Эътибор беринг, у ерда торли, зарбали, найли асбобларнинг барчасини борлиги кўрсатилган.

Мойланган малаклар Худонинг тахтини мусиқали сажда ва мақтов билан қоплар эдилар.

Люцифер тинмасдан, ўша катта фаришталар оркестрини, жўрда, мақтовда ва саждада бошқарар эди.

Люцифер бўшлиқ қолдирди

Люцифернинг йиқилишидан сўнг, самода катта бўшлиқ ҳосил бўлди. У Худога қарши чиқиб, самодан ҳайдалганидан сўнг, “унинг фаришталари”, “самовий юлдузларнинг учдан бир қисми”, у билан бирга Худога қарши чиқиб, самони тарк этди.

**Ишаъё 14:12** Қандай қилиб сен куннинг ўғли, тонгнинг ўғли осмондан йиқилдинг! Халқларни оёқ ости қилувчи сен, ерга урилиб яксон бўлдинг.

**Эзекил 28:15,16** Сен ўз йўлларингда, яратилиш кунингдан бошлаб комил эдинг, то сенда қонунсизлик топилгунга қадар. Сенинг савдонинг кенлигидан ичинг ноҳақлик билан тўлди ва сен гуноҳ қилдинг; ва Мен сени нопокни каби, Худонинг тоғидан итқитдим, сени қувиб юбордим, сени, порловчи малакни оловли тошлар орасидан қувиб юбордим.

**Вахий 12:7-9** Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши уришдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди. Аммо аждаҳо голиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди.

**Вахий 12:4** У думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бирини синдириб, ерга улоқтирди. Кейин аждаҳо туғаётган аёлнинг чақалоғини ютиб юбориш учун унинг олдида кутиб турди.

Худо бўшлиқни тўлдирди

Худонинг режаси бор эди: Люцифер ва унинг фаришталари қолдирган жой тўлдирилди!

Худо инсонни, у самодан итқитилган Люцифер(шайтон) ва унинг фаришталари(жинлар) устидан ҳукмронлик қилиши учун яратди. Инсон ерда шайтоннинг мағлубиятини кўрсатиши ва тасдиқлаши керак эди.

Худо инсонни, Ўзининг ёнида бўлиши учун ва тахтда У билан бирга бўлиши учун яратди.

Энди бўшлиқ тўлдирилган

**Эфесликларга 1:23** Жамоат эса Масихнинг танасидир, яъни ҳамма нарсада, ҳамма нарсани тўлдираётганнинг тўла-

**тўқислигидир.**

Имонлилардан ташкил топган Жамоат, малакнинг ўрнини эгаллаши керак. Ўша жой ҳозир самода, Худо ва Унинг фаришталари олдидадир.

Инсон бир буюк мақсад учун, Худони мақташ учун ва Унга сажда қилиш учун яратилган эди!

**Эфесликларга 3:21 Унга Исо Масихдаги жамоатда наслдан-наслга то абад шон-шухрат бўлсин! Омин.**

## ШАЙТОН ВА МУСИҚА

Люцифер асосий мусиқачи эди

Люцифер йиқилишидан олдин, самовий мусиқачиларнинг бошлиғи эди.

**Эзекил 28:13 ... сендаги инчаларда мохирлик билан ўтқазилган ва сенда шода қилинганнинг ҳаммаси, сенинг яратилиш кунингда тайёрланган эди.**

Унинг мусиқачилик инъоми Худони улуғлаш учун ишлатилиши керак эди, аммо унинг йиқилишидан сўнг бу инъом бузилди.

Асбоблар ишлаб чиқарилган

Қобилнинг авлоди, мусиқа ва жанг учун “асбоблар” ишлаб чиқаришди.

**Ибтидо 4:21,22 Укасининг исми Ювол эди. У ҳамма ғижжак ва най чалувчиларнинг отаси бўлди. Силла Тувол-Қайинни туғди. Бу ҳар хил мис ва темир қуролларни ясовчиларнинг отаси бўлди. Тувол-Қайиннинг синглиси эса Наома эди.**

Мусиқадаги тартибсизлик

Агар мусиқада тартибсизлик бўлса, бу шайтондандир, чунки шайтон тартибсизликнинг бошлиғидир.

**1Коринфликларга 14:23 Агар бутун жамоат бир ерда тўпланиб, ҳамма ноъмалум тилларда гапира бошласа ва оддий одамлар, ёки имонсизлар у ерга кирса, унда: “сизлар ақлдан озяпсизлар”деб, айтмайдиларми?**

➤ Олтин хўкиз

Исроил ўғиллари хўкиз ясаб унга сажда қилишганда, Мусо тартибсизлик мусиқасини эшитиб қолди ва унинг маъносини бошида тушунмади.

**Чиқиш 32:17,18 Шовқин қилаётган халқнинг овозини эшитган Ясу, Мусога деди: халқнинг бу ҳарбийча ҳайқириғидир. Аммо Мусо деди: бу на ғолибларнинг ҳайқириғи на ютқизганларнинг нолиши, мен куйлаётганларнинг овозини эшитяпман.**

➤ Олтин бут

Набукадназар, у ясатган олтин бутга сажда қилишга одамларни чақариш учун, турли мусиқали асбоблар ишлатар эди.

**Дониёр 3:3-7 Бу барча амалдорлар шоҳ Набукадназар ўрнатган ҳайкалнинг очилишига йиғилганларида, жарчи**

баланд овозда шундай эълон қилди: “Эй, барча халқлар, элатлар ва уруғлар! Ҳозир созандаларимиз карнай, най, лира, чанг, арфа, доира ва бошқа чолғу асбобларини чаладилар, сизлар эса мук тушиб шоҳ Набукадназар ўрнатган олтин ҳайкалга сажда қиласизлар. Кимки мук тушиб сажда қилмаса, ўша заҳотиёқ оловли чуқурликка ташланади”. Чолғу асбобларининг садоларини эшитгач, барча халқлар, элатлар ва уруғлар мук тушиб, шоҳ Набукадназар ўрнатган ҳайкалга сажда қилдилар.

➤ Иродиаданинг қизи

Ҳирод Иродиаданинг васвасали мусикасига берилиб, Яҳё Чўмдирувчини ўлдиришни буюрди.

Бобилнинг шайтоний мусикаси, Бобил шаҳри бузилгандан сўнг йўқ қилинади.

**Ваҳий 18:22** Чангчилар, ашулачилар, найчию сурнайчилар овози энди эшитилмас сенда. Энди санъат ҳам, санъаткор ҳам сендан чиқмас. Тегирмон чархининг товуши ҳам асло эшитилмагай сенда.

ОСМОН МАҚТОВ ВА САЖДАГА ТЎЛАДИР

Юҳаннога нотабий ваҳий берилди: у самода бугун содир бўлаётган ва келажакда содир бўладиган воқеаларни кўрди. Ўша ваҳийнинг асосий вақтини мақтов ва сажда тўлдирган эди.

Тўхтовсиз мақтов

Фариштавий мавжудотлар Худога тинмасдан сажда қилишмоқда ва бизлар ҳам уларга қўшилишимиз мумкин.

**Ваҳий 4:8-11** Бу тўрт жондорнинг ҳар бирининг олтига қаноти бор эди. Улар ичин-ташин, ҳар тарафлама кўзлар билан қопланган эди. Кечасию кундузи улар тинмай шу сўзларни такрорлайди. “Азалдан бор бўлган, ҳозир бор, келажакда ҳам бор бўлғуси Сарвари коинот, Тангри Таоло Муқаддас, муқаддас, муқаддасдир!” Жондорлар Арши аълода ўтирган, то абад барҳаёт Сиймога иззат-икром ва шукроналар қилиши билан, йигирма тўрт нафар оқсоқол тахтдаги то абад барҳаёт Сиймо олдида ерга ясланиб, сажда қилиб, тожларини тахт олдида ташлаб, шундай дейдилар: “Ё Раббимиз, ё Худойимиз! Сен шон-шуҳрат, иззат-икром, куч-қудратни эгаллашга лойиқсан. Зеро Сен бутун борлиқни яратдинг, ҳамма нарса Сенинг ироданг ила вужудга келди”.

Минг-минглаб

У ерда юз миллионлаб фаришталар ва турли мавжудотлар сажда қилиб, Худони улуғлашмоқда.

**Ваҳий 5:11-14** Кейин арши аъло, жондорлар ва оқсоқолларнинг атрофида кўп фаришталарни кўрдим, уларнинг овозларини эшитдим. Уларнинг саноғига етиб бўлмас, минг-минглаб, лак-лак эдилар. “Бўғизланган Қўзи куч-қудрат, бойлик, донишмандлик, салтанат, шуҳрату шавқат, ҳамду саноларга сазовордир!” Кўкда-ю ердаги, ер остидаги, денгиз юзидаги ва ичидаги ҳар бир махлуқот, ҳар бир мавжудотнинг шундай деганини эшитдим: “Арши аълода

ўтирган Худо ва Қўзи Абадулабад ҳамду санолар, шон-шухратлар, иззат-икром ва салтанатга сазовордир!” Тўрт жондор: “Омин!” – дедилар. Йигирма тўрт оқсоқол эса юз тубан йиқилиб, (илалабад барҳаёт Бўлганга) сажда қилдилар.

Умумий сажда

Ҳозир самодаги барча мавжудот Худони улуғлаб, Унга сажда қилмоқда.

**Ваҳий 7:9,10** Шундан кейин қарасам, ҳар хил миллатдан, барча қабилалар, халқлар ва тиллардан бўлган, унинг ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада улкан бор оломон Арши аъло олдида, Қўзининг ҳузурида турарди. Ҳаммаси оқ либос кийиб, қўлларида хурмо новдасини тутар эдилар. Улар баланд овоз билан: “Нажоткорлик тахтида ўтирган Худойимизга ва Қўзига хосдир!”- деб хитоб қилишар эди.

Самодаги янги ашулалар

**Ваҳий 14:1-3** Мен қарадим-у, Сион тоғида Қўзи турганини кўрдим. Қўзи билан бирга пешанасида Унинг ва Отасининг исми ёзилган юз қирқ тўрт минг киши бор эди. Осмондан кўп сувларнинг шов-шувидай, гумбурлаган момақалдирик товушидай бир товуш янгради. Мен эшитган бу товуш худди чанг чалаётган чолғучилар чиқарадиган садони эслатарди. Ўша бир юз қирқ тўрт минг киши Арши аъло олдида, тўртга жондор ва оқсоқоллар олдида янги бир куй куйлар эдилар. Бу юздан сотиб олинган бу юз қирқ тўрт минг кишидан бошқа ҳеч ким бу куйни ўргана олмас эди.

Келажак сажда

Юҳанно шайтоннинг тўлиқ ҳалок қилинишидан сўнг, Худога сажда қилувчи муқаддасларни кўрди.

**Ваҳий 15:2-4** Мен гўё олов аралаш ойнадан ясалган бир денгизни ҳам кўрдим. Ҳайвонга, унинг тасвири, (тамғаси) ҳамда номининг сонига қарши ғалаба қозонганлар Худонинг чанглари қўлга олиб, шу ойна денгизнинг устида турган эдилар. Улар Худо қули Мусонинг куйини ва Қўзининг куйини куйлаб, шундай дердилар: “Ё Раббий Тангри Таоло, ҳар нарсага қодир Сарвари коинот! Сенинг ишларинг буюк ва ажойибдир. Эй элу халқлар Подшоҳи! Сенинг йўлларинг тўғри ва ҳақдир. Эй Раббий! Ким чўчимас экан Сендан? Ким улуғламас экан исмингни? Зеро ёлғиз Ўзинг муқаддассан. Жамики эллар ҳузурингга келиб, Сенга бош эгиб сажда қилгайлар. Барчага аён бўлди одил ҳукмларинг”.

**Ваҳий 19:1,3,7** Бундан кейин осмонда катта оломоннинг ғалағовурига ўхшаш баланд овозлар эшитдим: “Ҳаллилуя! Худойимизга тегишлидир нажоткорлик, улуғворлик, куч ва қудрат”. Иккинчи марта дедилар: “Ҳаллилуя! Бобилнинг дуди абадул-абад бурқирагай”. Унинг иззат-ҳурматини бажо келтирайлик, Севиниб хурсанд бўлайлик! Қўзининг никоҳ соати етди, Унинг келини ўзини ҳозирлади.

Юҳанно сажда қилар эди

Юҳанно буни кўргач, тиз чўқди ва сажда қилди.

**Вахий 22:8,9 Мен, Юҳанно буларни кўрдим ва эшитдим. Буларни кўриб эшитганимда, менга кўрсатган фариштанing оёқларига йиқилиб сажда қилмоқчи бўлдим. Аммо у менга: “Зинҳор, бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамда биродарларинг – пайғамбарларнинг ҳамкориман, шунингдек, бу китобнинг сўзларига риоя қилувчиларнинг ҳамкориман. Худога сажда қил!” – деди.**

**САВОЛЛАР:**

---

1. Самодаги саждани бошқариш учун ким яратилган эди? Жавобингизни изох этинг.
2. Саждани бошқарувчиси кетганидан сўнг, бўшлиқни, унинг ўрнини ким тўлдирди? Жавобингизни тушунтиринг.
3. Ҳар қандай мусиқани Худо руҳлантирганми? Буни қандай фарқлаш мумкин?

## 7 Дарс

### Муסיқа сажданинг намойишидир

#### МУСИҚИЙ АСБОБЛАР

---

**Мақтов ва саждани кўрсатиш учун муסיқий асбоблар кўп қўлланилган. Уларни қимлар қўллаган:**

#### Довуд

**Сано 150:3-5 Уни карнай овозлари билан мақтанглар, Уни тор ва ғижжақда мақтанглар. Уни ноғора ва рақслар билан мақтанглар, Уни тор ва органда мақтанглар. Уни жарангдор чангда мақтанглар, Уни қаттиқ овозли чангда мақтанглар.**

Муסיқий асбоблар билан сажда қилувчилар моҳирликни излашлари керак.

**Сано 32:3 Унга янги ашулаларни куйланг; Унга ҳайқириқлар билан, тартибли ашулалар куйланг.**

Бу оддий қобилият эмас, балки руҳий моҳирлик ҳам бўлиши мумкин. Моҳирлик бу шунчаки асбобда чалиш эмас, бу Руҳнинг оқимини сезиш, фарқлаш ва кўрсатишдир.

Довуд арфада моҳирлик билан чалгани сабабли, ёвуз руҳларни Шомуилдан ҳайдаб чиқарарди ва қувват билан шифо келтирар эди.

**1Шомуил 16:23 Ўша кундан бошлаб Худо юборган ёмон рух Шоулни қийнаганда, Довуд лирани олиб чалар, Шоул ўзига келиб роҳатланар, ёмон рух Шоулдан чекинара эди.**

Муסיқачилар Раббийни ўзларининг асбоблари билан улуғлайдилар.

#### Руҳонийлар

**1Йилнома 23:5 Тўрт мингта дарвозабонни ва улуғлов учун ясаган муסיқий асбобларда, Раббийни улуғлайдиган тўрт минг кишини белгилади.**

#### Осмон

**Ваҳий 14:2 Осмондан кўп сувларнинг шов-шувидай, гумбурлаган момақалдиروق товушидай бир товуш янграр эди. Мен эшитган бу товуш худди чанг чалаётган чолғучилар чиқарадиган садони эслатарди.**

#### МУҚАДДАС РУҲ МУСИҚАНИ РУҲЛАНТИРГАН

---

Мойланишни озод қилади

Муқаддас Руҳ муסיқани Худонинг шухрати учун ва инсонларнинг қурилиши учун ишлатиши мумкин. Муסיқа тиллар инъоми, тилларни талкин қилиш, башорат қилиш ва шифолаш; билим сўзи ва донолик сўзи, имон инъоми ва мўъжизалар яратиш инъом учун керакли муҳитни яратишга ёрдам бериши мумкин.

**4Шомуил 3:15,16 Энди менга бир созанда олиб келинглар! Созанда муסיқа чалган эди, Эгамиз Элишайга Ўз қудратидан берди. Элишай деди: “Эгамиз шундай айтмоқ-да: “Қуриб**

қолган бу сойлик сувга тўлади”.

Озодликнинг кўриниши

➤ Кулликда

Исроил кул бўлганидан сўнг, унинг муסיқаси тўхтар эди.

**Сано 136:1-4** Бобил дарёсининг бўйида Сион хақида эсга олганимизда бизлар ўша ерда ўтирдик ва йиғладик. Унинг ўртасидаги самбиттолларга, бизлар ўз арфаларимизни осиб кўяр эдик. Ўша ерда бизларни асирликка олганлар: “бизларга Сион ашулаларидан куйлаб беринглар,” – деб бизлардан ашула сўзларини талаб қилдилар. Раббий, бизлар қандай қилиб бегона ерда ашула айтайлик?

➤ Озодликда

70 йиллик кулликдан сўнг, улар уйларига қувончли куйлар билан ва кулгу билан қайтдилар.

**Сано 125:1,2** Раббий Сиондан асирларни қайтариб келаётганда, бизлар худди туш кўраётгандек бўлган эдик. Ўшанда бизларнинг оғизларимиз шундай деди: “Раббий буларнинг устидан буюк иш яратади!”

## ЭСКИ АҲДДАГИ МАҚТОВ БИЛАН САЖДАДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МУСИҚА

---

Биринчи эслатма

**Ибтидо 4:21** Укасининг исми Ювол эди. У ҳамма ғижжак ва най чалувчиларнинг отаси бўлди.

Ювол номи кўркамлиқ билан оқимдек боришни билдиради.

**Ибтидо 31:27** Нега мени лақиллатиб, ўғринча қочиб кетдинг? Менга билдирганигда эди, мен сени хурсандчилик ва кўшиқлар билан, доира ва ғижжак садолари остида кузатардим.

Мусо

Мусо билан Исроил болалари Раббийга куйлашган.

**Чиқиш 15:1-2** Сўнг Мусо ва Исроил ўғиллари Раббийга Ушбу кўшиқни куйладилар ва сўзлаб, дедилар: Мен Раббимга куйлайман, чунки У шараф билан юксалди; У отларни ва чавандозларни денгизга улоқтирди. Раббий менинг қувватим ва шухратим, У менинг нажотим бўлди; У менинг Худойим ва Уни улуғлайман; ота-боболаримнинг Худоси ва Мен Уни кўкларга кўтараман.

Мариам

Мариам ва унинг дугоналари Мусонинг кўшиғига жавобан куйлашди.

**Чиқиш 15:20,21** Шунда Мариам, пайғамбар Ҳоруннинг синглиси қўлига ноғора олди; ва барча аёллар ноғоралар билан рақс тушиб унинг ортидан чиқдилар. Ва Мариам уларга кўшиқ айтди: Раббийга куйланглар, чунки у шарафли, ғалаба қозонади; от ва унинг чавандозини у денгизга улоқтирди.

Исроилликлар

Исроилликлар кўшиқ билан тантана қилишган.

**Рақамлар 21:27 Шунда Исроил ушбу қўшиқни куйлади: тўлгин, қудук, Унга куйланглар.**

Девора билан Варак

Девора билан Варак ғалаба қўшиғи билан тантана қилган эдилар.

**Ҳакамлар 5:1-3 Ўша куни Девора ва Авиноамнинг ўғли Варак ушбу сўзлар билан куйлашди: Ироилнинг қасоси олинди, халқ интилишни кўрсатди; Раббийни улуғланглар! Эё подшоҳлар эшитинглар, амалдорлар тингланглар: мен Раббийга куйлаяпман, Исроилнинг Раббийсига жаранглаяпман.**

Исроилнинг аёллари

Исроил аёллари Довуд Голиёт устидан ғолиб келганидан сўнг, ғалабани нишонладилар.

**1Шомуил 18:6,7 Довуд Гўлиётни ўлдирганидан кейин, лашкар ўз уйларига қайтаётган эди. Исроилнинг ҳамма шаҳарларидан келган аёллар чилдирма ва торли мусиқа асбобларини чалиб, ўйин-кулгу қилиб, шоҳ Шоулни кутиб олгани чиқишди. Яйраб-ўйнашаркан, шу қўшиқни айтишарди: “Шоул мингларчасини ўлдирди, Довуд эса ўн мингларчасини!”**

Довуд

Довуд Раббийга мақтов куйлар эди.

**Сано 7:18 Раббийни Ўз ҳақлиги бўйича шарафлайман ва Худойим Раббийнинг исмини куйлайман.**

**Сано 12:6 Менинг юрагим Сенинг нажотинг учун шодланади; менга меҳрибонлик қилгани учун, мен Раббийга мадҳлар куйлайман.**

**Сано 20:14 Раббий Сен Ўз кучинг билан юксалгин: бизлар эса ашулалар айтамыз ва Сенинг куч-қудратингни улуғлаймыз.**

Рухонийлар

4000 қўшиқчилар Раббийни чолғу асбобларида улуғлар эдилар.

**1Йилнома 15:16 Шунда Довуд левитларнинг бошлиқларига, ўз биродарларидан қўшиқчилар қўйишни буюрди, улар мусиқий асбоблар билан, арфаларда, чилдирмаларда ва зангларда қувонч овозини баланд айтишлари учун...**

**1Йилнома 23:5 Тўрт мингта дарвозабонни ва улуғлов учун ясаган мусиқий асбобларда, Раббийни улуғлайдиган тўрт минг кишини белгилади.**

**2Йилнома 30:21 Шунда Иерусалимда жойлашган Исроил ўғиллари етти кунда буюк қувонч билан чучук байрамни ўтказдилар; левитлар ва рухонийлар Раббийни ҳар куни Раббийни улуғлаш учун ясалган асбобларда улуғлар эдилар.**

**ЯНГИ АҲДДАГИ МАҚТОВ БИЛАН САЖДАДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МУСИҚА**

---

Шогирдлар

Шогирдлар биргаликда ашула айтишган.

**Матто 26:30 Кейин улар куйлаб, Зайтун тоғи томон кетдилар.**

Повул

Повул жамоатда мойланган куй ҳақида таълим берган. **1Коринфликларга 14:15** Унда нима қилсам экан? Рухим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат қиламан. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман.

**Эфесликларга 5:19,20** ...ўз-ўзларингизга санолару мадҳиялар ва руҳий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга куйлаб ва хиргойи қилиб, ҳар доим, ҳамма нарса учун Отамиз Худога Раббимиз Исо Масих номи билан миннатдорчилик билдиринглар.

**Колосаликларга 3:16** Масихнинг Сўзи барча донолик билан юракларингизга мўл-кўл жойлашиб қолаверсин. Раббийга юракларингиз билан иноятда ашулалар айтиб, ҳамду-санолар, мадҳиялар ва руҳий қўшиқлар билан бир-бирингизга насихат қилиб ўргатинглар.

➤ Санолар

Санолар – Сано китобидан олинган шеърий қўшиқлардир.

➤ Мадҳиялар

Мадҳия - бу Худога айтиладиган мактов ашуласидир.

➤ Руҳий қўшиқлар

Руҳий қўшиқ – бу Муқаддас Рух томонидан берилган ва беихтиёр пайдо бўладиган сўз ва куйдир.

У куйловчининг она тилида ҳам ва ноъмалум тилда ҳам бўлиши мумкин.

Яҳудийлар

**Ибронийларга 2:12** “Сенинг исмингни биродарларимга эълон этгайман, жамоат ичра Сенга ҳамду санолар айтаман”.

Асосий мақсад

Куйлашнинг асосий мақсади – бу Худони улуғлаш ва Уни шарафлашдир.

Улар дам олиш учун ёки мириқиш учун ашула айтишмаган. Улар инсонга ҳам куйлашмаган. Улар Худога куйлашган ва фақат Унинг лаззатланиши учун сажда қилишган.

## МАҚТОВНИНГ РУҲИЙ КЎРИНИШИ

Худони овоз билан мақташ

**1Йилнома 16:9** Унга куйланглар, Унга товуш чиқаринглар. Унинг барча мўъжизаларидан хабардор бўлинглар.

**Сано 70:23,24** Сенга куйлаётганда менинг оғзим ва Сен халос қилган менинг жоним қувонади. Менинг оғзим ҳар доим Сенинг ҳақиқатингни эълон қилади; чунки менга ёвузлик изловчилар уятда қолишган ва шарманда бўлишган.

➤ Доимо Раббий ҳақида гапиришни одатга айлантинг. Уни, Унинг мўъжизавий ишлари учун улуғланг.

➤ Ҳар бир кунни Унга мақтов айтиш билан бошланг.

➤ Уни сўзлар ва куйлар билан мақтанг.

➤ Мақтов одатини ривожлантиринг.

**Сано 39:17 Сени излаётганлар, Сенинг нажотингни севганлар ва тинимсиз: “Раббий буюк!”-деб айтаётганларнинг ҳаммаси хурсанд бўлиб шодлансинлар.**

**Сано 65:8 Эй халқлар ўз Худойимизни дуо қилинглар, Унга мақтовлар айтинглар.**

**Луқо 1:64 Шу ондаёқ Закариёнинг оғзи очилиб, унинг тили ечилди. У Худони улуғлаб гапира бошлади.**

Куйлаш – бу қувончли эҳтиросларни намоён бўлишидир.

Худога хайқириш

Шундай вақт борки, гапириш керак ва шундай вақт борки, хайқириш керак.

**Сано 46:2 Эй бутун халқлар қарсак чалинглар, хурсандчилик овози билан Худога хайқиринглар.**

**Сано 34:27 Менинг ҳақиқатимни истовчилар хурсанд бўлиб шодлансинлар ва тинмай шундай десинлар: “Ўз қулига тинчлик истаган Раббий улуғлансин!”**

**Ишаъё 12:6 Ўйнагин ва қувонгин Сионда яшаётган аёл, чунки сенинг ўртангдаги Исроилнинг Муқаддас Худоси буюқдир.**

**1Шомуил 4:5 Эгамизнинг аҳд сандиғини қароргоҳга олиб келишганда, ҳамма Исроил халқи шундай баланд овоз билан бақиршидики, ҳатто ер турган жойидан кўзғалиб кетди.**

**Луқо 19:37 Исо эса Зайтун тоғидан пастга тушадиган йўлга яқинлашганида, шогирдларининг кўпчилиги кўрган барча мўъжизалари учун қувонч билан баланд овозда Худони улуғлай бошладилар...**

#### САВОЛЛАР:

---

1. Мақтовда мусиқий асбоблар қандай қилиб қўлланилганлиги ҳақида Ёзувдан олиб мисол келтиринг.
2. Мусиқа башорат қилиш учун мойланиш келтирарди. Бунинг мисолини Ёзувдан олиб кўрсатинг.
3. Эски Аҳдда мусиқа мақтов билан саждада қандай қўлланилганлиги ҳақида мисол келтиринг.
4. Янги Аҳдда мусиқа мақтов билан саждада қандай қўлланилганлиги ҳақида мисол келтиринг.

## 8 Дарс

### Мақтовнинг жисмоний кўриниши

#### МАҚТОВНИНГ ТЎҲҚИЗТА ЖИСМОНИЙ КЎРИНИШИ

---

Оёқда турган ҳолда

➤ Оёқда туриш – бу ҳурматни кўрсатишдир.

**2Йилнома 20:19** Шунда левитлар Кааф ўғиллари ва Корей ўғиллари Раббийни, Исроил Худосини ўта баланд овоз билан улуғлашга турдилар.

**Вахий 7:9,10** Шундан кейин қарасам, ҳар хил миллатдан, барча қабилалар, халқлар ва тиллардан бўлган, унинг ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада улкан бир оломон Арши аъло олдида, Қўзининг ҳузурида турарди. Ҳаммаси оқ либос кийиб, қўлларида хурмо новдасини тутар эдилар. Улар баланд овоз билан: “Нажоткорлик тахтида ўтирган Худойимизга ва Қўзига хосдир!” – деб хитоб қилишар эди.

**Сано 32:8** Раббийдан бутун ер юзи кўрксин; бутун дунёда яшовчилар Унинг олдида қалтирасин.

**Сано 133:1** Тун вақтида Раббийнинг уйида турган, Раббийнинг ҳамма қуллари, ҳозир Раббийни дуо қилинглар.

**Сано 134:1-2** Раббийнинг исмини мақтанглар, Раббийнинг қуллари мақтанглар, Раббийнинг уйида турганлар, бизларнинг Худойимизнинг уйининг ховлисида турганлар мақтанглар.

Қўлларни кўтариш

➤ Қўлларни кўтариш – бу бўйсунушнинг белгисидир. Сажада – бу қурбонлик ва бўйсунушнинг белгисидир.

**Римликларга 12:1** Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб биғишланглар.

**Сано 140:2** Менинг ибодатим Сенинг юз олдинга хушбуй тутатқи каби, менинг қўлларимнинг ҳадялари эса – кечқурунги қурбонлик каби йўналсин.

➤ Бу Худони чанқаш ва Унга интилишдир.

**Сано 142:6** Мен ўз қўлларимни Сенга узатаман; чанқоқ ер каби менинг жоним Сенга интилади.

**Сано 41:2,3** Буғулар сувга қандай интилишса, худди шундай, менинг жоним ҳам Худойим Сенга интилмоқда! Менинг жоним қудратли ва тирик Худога ташнадир: келганимда эса Худойимнинг юзи олдида ҳозир бўламан!

➤ Қўлларни кўтариш Худо учун баракадир.

**Сано 133:2** Ўз қўлларингни муқаддас маконга узатинглар, Раббийни дуо қилинглар.

**Сано 62:5** Ҳаётимда Сени шундай дуо қиламан; Сенинг исмингдан ўз қўлларимни юқорига кўтараман.

➤ Қўлни кўтариш ибодатнинг ва илтижонинг жисмоний кўринишидир.

**Сано 27:2** Қўлларимни Сенинг муқаддас маъбадинга қарата кўтарганимда, Сени чақирганимда, менинг илтижоларимнинг овозини эшит.

**1Тимўтийга 2:8** Шундай қилиб, эркаклар муқаддас қўлларини ғзабсиз ва шубҳасиз ҳолда кўтариб, ҳар ерда ибодат қилишларини истайман.

Қарсак чалиш

➤ Қарсак чалиш – бу қувончнинг, шодликнинг ва куйлашнинг кўринишидир.

**Сано 46:2** Эй бутун халқлар қарсак чалинглари, Худога қувончли овозда ҳайқиринглари.

**Ишаё 55:12** Шунинг учун сизлар хурсандчилик билан чиқинглари ва тинчлик билан кузатиб қўйиласизлар; тоғлар ва тепаликлар сизларнинг олдиларингизда ашула айтишади, даладаги ҳамма дарахтлар сизларга қарсак чалишади.

Тиз чўкиш

➤ Тиз чўкиш ёки таъзим қилиш – бу илтифотнинг ва ҳурматнинг тимсолидир.

**Сано 94:6** Келинглари, сажда қиламиз, йиқиламиз, бизнинг Яратувчимиз, Раббийнинг юзи олдида тиз чўкамиз.

Ётиш

➤ Ерга юз билан ётиш – бу чуқур ҳурматнинг ва сажданинг, тўлиқ бўйсунушнинг, ўз-ўзини кўниктиришнинг кўринишидир.

**Ваҳий 5:14** Тўрт жондор: “Омин!” – дедилар. Йигирма тўрт оксоқол эса юз тубан йиқилиб, (илалабад барҳаёт Бўлганга) сажда қилдилар.

**2Йилнома 5:14** Шунда руҳонийлар булут туфайли хизматда тура олмадилар, чунки Раббийнинг шуҳрати Худонинг уйини тўлдирган эди.

Жимлик

➤ Жимлик – мақтовнинг кўриниши бўлиши мумкин.

**Воиз 3:7** Йиртишнинг ҳам, тикишнинг ҳам ўз вақти бор. Сукут сақлашнинг ҳам, сўзлашнинг ҳам ўз вақти бор.

**Сано 45:11** Тўхтаб, Мени Худо эканлигимни билиб олинглар: Мен халқларда, ерда улуғланаман.

Кўз ёшлар

➤ Кўз ёшлари кўпинча Худонинг севгисини ва ҳамдардлигини ҳис этгандан сўнг пайдо бўлади.

**Хаворийлар 20:19** Яҳудийларнинг ёвуз ниятлари туфайли бошимдан ўтган оғир синовлар ичида камтарлик ва кўзимнинг ёши билан Раббимга хизмат қилиб юрдим.

**Хаворийлар 20:36-37** Бу сўзларни айтиб бўлиб, Повул тиз чўкди-да, хамма билан бирга ибодат қилди. Сўнг хаммалари зор йиғлаб, Повулнинг бўйнига ташланиб, уни ўпишарди.

➤ Мақтовда кўз ёшлари келса, бу миннатдорликнинг ва севишнинг олий кўринишидир. Кўз ёши кўпинча, хиссий озодлик ва ички шифо келтиради.

**Лука 7:37,38** Шунда ўша шаҳардан бўлган бир гуноҳкор аёл Исонинг фарзий уйида ўтирганини билиб, бир ганч идишда атир мой олиб келди. У Исонинг оёқлари олдида турганича йиғлаб, кўз ёшлари билан Унинг оёқларини хўллаб, ўз сочлари билан арта бошлади. Сўнг Унинг оёқларини ўпиб, атир мой суртар эди.

➤ Кўз ёшлари кўпинча, буюк ғалаба ва шодлик келтиради.

**Сано 125:5,6** Кўз ёшлари билан эккан, хурсандчилик билан ўриб олади. Уруғларни йиғлаб олиб борганлар, ўз боғламларини кўтариб, қувонч билан қайтиб келадилар.

## Кулги

➤ Раббийдаги қувончни баъзида фақат кулги орқали намоён қилиш мумкин. Кўпинча улкан шифо ва озодлик Раббий қаршисидаги муқаддас кулги орқали келади.

**Сано 125:2** Ўшанда бизларнинг оғизларимиз шодликка ва тилларимиз ашулаларга тўла эди; ўшанда халқлар орасида шундай деган эдилар: “Раббий буларнинг устидан буюк иш яратди!”

**Аюб 8:20,21** Кўряпсанми? Худо бенуксонни рад этмайди, ёвузларнинг қўлларини эса тутиб қолмайди. У хали сенинг оғзингни кулгига, сенинг лабларингни қувончли хайқириқларга тўлдиради.

## Юриш

Юриш - бу енгувчи ғалабанинг жисмоний кўринишидир.

➤ Ерихонинг атрофидаги юриш тўлиқ ғалаба олиб келди.

**Иешуа Бен Нун 6:1-4** Шунда Раббий Иешуага деди: Мана, Мен Иерихонни, унинг подшоҳини, унда жойлашган кучли одамларни сенинг қўлларингга топширяпман. Урушга яроқли бўлганларнинг ҳаммаси шаҳарнинг атрофига боринглар; бир кунда бир марта шаҳарни айланиб чиқинглар; олти кун шундай қил. Еттига руҳоний юбилейнинг етти карнайини сандикнинг олдида кўтариб борсин; еттинчи куни эса шаҳарни етти марта айланиб чиқасизлар; руҳонийлар шунда карнайларни чалишсин. Юбилей карнайи чалинган пайтда, карнайларнинг овозини эшитган пайтларингда, шунда бутун халқ қаттиқ овозда бақирсин; шаҳарнинг деворлари то пойдеворларига қадар қулаб тушади; бутун халқ шаҳарга шиддат билан ҳар ким ўз томонидан киради.

➤ Масиҳнинг келини юриш қилувчи қўшин каби тасвирланган.

**Қўшиқлар қўшиғи 6:4, 10** Менинг маҳбубам, сен Фирцадек ажойибсан, Иерусалим каби муҳтарамсан, сен байроқлар остидаги қўшинлардай даҳшатлисан. Бу тонгдай порлаётган,

ой каби ажойиб бўлган, қуёшдай ёрқин ва байроқли қўшинлардай даҳшатли бўлган - ким экан?

**Иоил 2:1,7,11** Сиондан карнай чалинглар ва Менинг муқаддас тоғимда кўтаринглар; замин ҳамма аҳолиси титрасин, зеро Раббийнинг куни келмоқда, зеро у яқин. Улар курашчилардек югурадилар ва жасур жангчилардек деворга чиқадилар, ва ҳар бири ўз йўли билан боради-ю, ўз йўлидан қоқилмайди. Ва Раббий Ўз қўшинлари қаршисида Ўз овозини беради, зеро Раббийнинг куни буюк ҳамда ўта даҳшатли; ким унга чидай олади.

## РАҚС ТУШИШ

---

Рақс тушиш мақтовнинг энг асосий қисмидир. Бироқ, у баҳсли бўлгани учун, бошқа нарсалардан кўра, кўпроқ изохни талаб этади.

### Таъриф

Рақс тушиш – жуда ҳам кўзга ташланувчидир. У Раббий олдида қувонишни, мақтовни ва саждани кўрсатиш учун бутун тананинг ҳаракат қилишини талаб этади.

“Рақс” сўзи яҳудийчада ҳам, юнончада ҳам - “сакраш, чопиш, оёқларни кўтариш”ни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, бу олдиндан кўрилмаган ва режалаштирилмаган ҳаракатдир.

**Хаворийлар 3:8** У дик этиб оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

**Сано 149:3** Унинг исмини қувончда мақтасинлар, Унга чилдирмаларда ва арфаларда куйласинлар.

**Сано 150:4** Уни доира ва рақслар билан мақтанглар, Уни тор ва органда мақтанглар.

Рақс тушишнинг Эски аҳдадаги мисоллари

Байрам қилишда

Исроил ўғиллари Мисрликлардан озод бўлишгандан сўнг, ўз нажотларини ва озодликларини рақс тушиб тантана қилишган.

**Чиқиш 15:20** Шунда Мариам, пайғамбар Ҳоруннинг синглиси кўлига доира олди; ва барча аёллар доиралар билан ва рақс тушиб унинг ортидан чиқдилар.

Улар Аҳд сандиғи тикланганидан сўнг қувонишган.

**2Шомуилга 6:14** Довуд Эгамизнинг ҳузурда бутун вужуди билан ўйинга тушарди. У ўшанда рухонийларнинг муқаддас либосини кийиб олган эди.

**2Шомуилга 6:16** Эгамизнинг сандиғи Довуд қалъасига кириб келаётганда, Шоулнинг қизи Михал деразадан қараб турган эди. У Эгамизнинг олдида сакраб ўйнаётган шох Довудни кўрди-ю, ўз кўнглида уни паст кўрди.

Йеремиаҳ келажакдаги тикланиш ҳақида башорат қилганида, у одамларни рақс тушишлари ҳақида ҳам айтган.

**Иеремийё 31:13** Шунда қиз куйлаб рақс тушиб, ёшлар ва

**қариялар ҳам биргаликда шодланадилар; уларнинг ғамларини қувончга ўзгартираман ва уларни юпатаман, уларнинг азобларидан сўнг уларни қувонтираман.**

## Рухий рақс

Рухий рақс – бевоситадир, содда ва уйдурма эмас. Уни сакраш билан, думалаш билан ва чопиш билан намоён қилиш мумкин. Баъзида мусиқа билан ҳам рақс тушилади.

**Сано 149:3 Рақсга тушиб Унинг исмини мақтасинлар; Унга ноғора ва ғижжакда куйласинлар.**

Рухий рақс кўпинча куйлаш билан амалга оширилади.

### ➤ Якка ёки гуруҳ билан

Довуд Раббий қаршисида рақс тушган.

Мариам ва барча дугоналари рақс тушишган.

Рухий рақс бу бошқа жинсдаги инсон билан рақс тушиш эмас.

➤ “Мариам ва барча дуганолари рақсга тушишган.”

➤ “Ёшлар ва қариялар биргаликда рақсга тушадилар.”

**Йеремиах 31:13 Шунда қиз куйлаб рақс тушиб, ёшлар ва қариялар ҳам биргаликда шодланадилар; уларнинг ғамларини қувончга ўзгартираман ва уларни юпатаман, уларнинг азобларидан сўнг уларни қувонтираман.**

### ➤ Ёш фарқланмайди

Рухий рақсда ёш фарқ қилинмайди.

➤ “Ёшлар ва қариялар биргаликда рақсга тушадилар.”

## Куй ва рақслар

Кўпинча куйлаш билан рақс тушиш биргаликда бўлади.

**1Шомуилга 29:5 Мана шу Довудга: “Шоул мингтасини ўлдирди, Довуд эса ўн мингтасини,”- деб куйлаб ўйнаб қўшиқ айтган эдилар-ку?!**

## Рақс тушиш вақти

Рақс тушиш учун белгиланган вақт мавжуд.

**Воиз 3:4 Йиғлашнинг ҳам, кулишнинг ҳам ўз вақти бор. Азанинг ҳам, рақснинг ҳам ўз вақти бор.**

## Раббий қаршисида рақс тушиш

Мақтовнинг ушбу кўриниши Худонинг Сўзига бўйсунитдан келиб чиқади. Худонинг Сўзида эса, Худони рақслар билан улуғлашимиз кераклиги ҳақида ёзилган. Бизлар ўзимизни ахмоқдек ҳис этсак ҳам, барибир шундай қилганимизда Худога бўйсунган бўламиз ва бошқа имонлилар Раббийнинг қаршисида рақсга тушганида, бизлар ҳам уларга қўшилиб рақс тушамиз.

## Рухда рақс тушиш

Рухда рақс тушиш – бу танамиз бутунлай Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида бўлишидир. Рақс вақтида сиз Рухда бутунлай “йўқолган” сиз ва Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида ҳаракат қиласиз. Шу тарзда на ўзингизни ва на атрофдагиларни сезасиз. Бу

доимо Худонинг комил вақтида содир бўлади, токи ўша вақтда Худонинг ҳаракатидаги тўлиқ ҳамоҳангликда бўлайлик.

Тикланиш башорат қилинган

Рақснинг тикланиши ҳақида башорат қилинган.

**Йеремиаҳ 31: 4,13** Мен сени қайта қураман ва сен қайта қуриласан Исроилнинг бокираси, сенинг чилдирмаларинг билан яна безаласан ва шодланаётганларнинг рақсу қўшиғи ўйинига чиқасан. Шунда қиз куйлаб рақс тушиб, ёшлар ва қариялар ҳам биргаликда шодланадилар; уларнинг ғамларини қувончга ўзгартираман ва уларни юпатаман, уларнинг азобларидан сўнг уларни қувонтираман.

Агар бизлар руҳий Исроил бўлсак, бу бизлар учундир.

ЭҲТИЁТКОРЛИК

Танавий рақсдан эҳтиёт бўлинг

Танавий рақс имоннинг йиқилиши билан, бутпарастик билан, ахлоқсизлик билан ва дунёга тегишли бўлиш билан боғлиқдир. Шайтон фақат қалбаки нарсалар ясайди.

Кўргазма учун эмас

Раббийга рақс тушишнинг мақсади инсонларнинг диққатини тортиш учун қилинган “шоу” ёки намойиш эмас. Рақс Худони руҳан мақташнинг бевосита ва тез бўлган жисмоний кўринишидир. Бу нарса йиғилишларда ҳам қилиниши керак.

Унда аёллар, эркаклар, ёшлар ва қариялар иштирок этиши керак.

**Иеремиё 31:13** Шунда қиз куйлаб рақс тушиб, ёшлар ва қариялар ҳам биргаликда шодланадилар; уларнинг ғамларини қувончга ўзгартираман ва уларни юпатаман, уларнинг азобларидан сўнг уларни қувонтираман.

Имонлилар улуғлашдан тўхтамасликлари керак. Улар томошабин бўлиб, “руҳий рақс” ёки “Раббий қаршисида рақс тушиш”дан қочмасликлари керак. Рақс шунингдек, бир неча кишининг иштироки билан бошқаларни мириқтириш эмас.

Рақс тушиш вақтида эркин мақтов бўлиши лозим. Унда инсоннинг руҳи, жони ва танаси қатнашади. Бизнинг кийинишимиз ва ҳаракатимиз инсонларнинг диққатини тортмаслиги керак, лекин Худони улуғлаши керак.

Қўшилиш

Агар имонлиларни Муқаддас Рух Раббий учун рақс тушишга етакласа-ю, лекин улар бундан бош тортсалар, бу Худога қарши чиқишни билдиради. Ўзи ҳақида ўйлаш ва ҳурматни йўқотишдан қўрқиш Муқаддас Рухни хафа қилишдир ва У кетиб қолиши мумкин.

Муқаддас Рух имонлиларнинг танасига тушиб келганида, ҳар бир имонли ўзи учун ўлиб, Худонинг хузурига кириб Муқаддас Рухнинг ҳаракатига бўйсунган пайтда, юракдаги мағрурлик синади.

## САВОЛЛАР

---

1. Илтифотнинг ва ҳурматнинг тимсоли бўлган, мақтовнинг учта жисмоний кўринишини номланг.
2. Довуднинг чодирига қўшимча равишда, жамоатда яна сажданинг қандай жисмоний кўриниши тикланиши башорат қилинган?
3. Мақтовнинг қайси жисмоний кўринишида ўзингизни қулай сезасиз? Худонинг Сўзи бу ҳақда нима дейди? Сиз Худони, Унинг истаги бўйича улуғлар эдингизми?

## 9 Дарс

### Мақтовдаги тўсиқлар

Доимо баҳона бўлади

“Мен ҳаммадан олдинда ўтиришни истамайман!”

“Мен жуда ҳам уятчангман!”

“Мен кўплар олдида ҳеч нарса қилмайман.”

Бироқ, мақтов – бу Худонинг амридир ва бу ерда ҳеч қанақа баҳоналар бўлмаслиги керак!

**Сано 150:6 Ҳамма нафас олувчилар Раббийни мақтасин!  
Ҳаллилуя!**

### МАҚТОВДАГИ ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ТЎСИҚЛАР

---

Гуноҳ Худо билан бўлган муносабатимизни бузади.

Гуноҳ Худонинг ҳузурига киришимизга тўсқинлик қилади.

**Сано 65:18 Мен агар, ўз юрагимда қонунсизлик кўрсам эди,  
унда Раббий мени эшитмаган бўлар эди.**

**Ишаъё 59:2 Аммо сизларнинг қонунбузарликларинг, сиз билан  
сизнинг Худоингиз орасида ажралиш келтирди. Сизнинг  
гуноҳингиз Унинг юзини, У сизни эшитмаслиги учун буряпти.**

➤ Қарор

Жавоб: гуноҳни ёки гуноҳларни эътироф этиш ва Унинг кечиримини қабул қилиш.

**1Юҳанно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва  
Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар  
қандай ноҳақликдан поклайди.**

Ҳукмланиш

Ҳукмланиш шайтондан келади, Худо эса ҳеч қачон бундай қилмайди.

Агар бизлар Худодан кечирим сўрасак, кейин ўзимизни ҳам кечиришимиз керак.

Лаънат куйидагилар орқали келади:

➤ Ҳурматсизлик ҳисси орқали келади, Худонинг ҳузурига ўзимизни жазоламоқчи бўламиз.

➤ Бизлар ўзимизни ҳурматсиз деб жуда кўп ўйласак агар, Худонинг иноятини ва шафқатини унутамиз. Бизлар Худога эмас, ўзимизга қараган бўламиз.

➤ Қарор

**Римликларга 8:1 Шундай экан, энди Исо Масихда бўлганларга  
ҳеч қандай маҳкумлик йўқдир.**

➤ Ўзингиз ҳақингизда бўлган ёмон фикрларингизни четга суриш ва Исога топшириш.

➤ Исо ҳақида қанчалик кўп ўйласак, Уни шунчалик кўп

улуғлаймиз.

**Ибронийларга 12:2** Имонимизнинг илғори ҳамда уни камолга Етказувчи Исога кўз тикайлик. У Ўзини кутаётган шодлик учун шармандаликни менсимай, хоч азоб-уқубатига чидади. Ҳозир эса У Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирмакда.

Дунёга тегишли бўлиш

Бизнинг ақлимиз ва фикримиз бу дунёнинг нарсаларига қаратилган бўлиши мумкин.

Кўплар Худога сажда қилишнинг ўрнига “хурматни” ва “обрўни” ишташади.

➤ Қарор

**1Петъор 5:7** Ҳамма ташвишларингизни Худога ташланглар, чунки У сизлар учун ғамхўрлик қилмакда.

**Филиппиликларга 4:8** Ниҳоят, биродарларим, нима ҳақиқат, нима рост, нима адолатли, нима пок, нима ёқимли, нима шарафли, нима фазилатли ва нима мақтовли бўлса, шулар ҳақида фикр юритинглар.

**1Юҳанно 2:15** Дунёни ҳамда дунёдаги нарсаларни севманглар. Кимки дунёни севса, унинг ичида Отанинг севгиси йўқдир.

**Римликларга 12:2** Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фахмлаб олинглар.

Бефарқлик

Худога нисбатан бефарқлик ёки совуққонлик инсоннинг сажда қилишига ва мақташига тўсқинлик қилади.

**Ваҳий 2:4** Бироқ сенга бир эътирозим борки, сен илк севгингни қолдирдинг.

➤ Қарор

Юрагингизни тўлиқ товба билан Худога қаратинг, сўнг эса бўйсунган ҳолда, Уни улуғлашни бошланг.

**Малъахи 3:7** “Оталарингизнинг кунларидан бошлаб сизлар Менинг низом-қоидаларимдан чекиндингизлар. Менга бурилишлар ва Мен ҳам сизларга буриламан”, - дейди Қўшинлар Худованди. Аммо сизлар: “Биз қандай қилиб бурилишимиз мумкин?” – деб айтасизлар.

Қаршилиқ

Худо жамоатда қўйган ҳокимиятга ёки ота-онага қарши чиқиш мақтовнинг асосий тўсиқларидан биридир.

**1Шомуил 15:22-23** Шомуил шундай жавоб берди: “Куйдириладиган ва бошқа қурбонликлардан кўра, Эгамиз Ўзига итоат этганлардан шод бўлмасми?! Ҳа, итоат этиш – қурбонлик сўйишдан яхши, Худога итоаткорлик – кўчқорлар ёғидан аълороқдир. Ўзбошимчалиқ – сеҳр-жоду сингари гуноҳ, итоатсизлик эса бут-санамга бош эгиш билан тенгдир. Сен Эгамизнинг амрини рад этдинг, Эгамиз ҳам сенинг

шоҳлигингни рад этди”.

➤ Қарор

Ҳокимиятга бўйсунинг ва қаршилик қилганингиз учун товба қилинг.

**Ибронийларга 13:17 Ўз жамоат бошлиқларингизга итоат қилинглари, уларга камоли эҳтиром билан бўйсунинглари. Чунки улар ҳисобот берадиганлардек ҳамиша жонларингизни кўриқлаб турадилар. Бу ишни эса оху нола билан эмас, балки севинч билан бажо келтирсинлар. Агар буни оху нола билан қилсалар, сизларга фойда бўлмайди.**

Рухан тушиш

Кўп одамлар жамоатга ўзларининг муаммолари билан келишади. Жамоатга боришдан олдин, Худони улуғлаш учун юракни тайёрлаб бориш керак.

**1Коринфликларга 4:8,9 Сизлар энди тўқ бўлдингиз, энди бой бўлдингиз, бизларсиз подшоҳлик қилмоқдасиз. Кошки, ҳақиқатан ҳам подшоҳлик қилсангиз эди, токи биз ҳам сизлар билан бирга подшоҳлик қила олсак! Мен ўйламанки, Худо биз, охирги элчиларга, худди ўлимга маҳкум этилгандай бўлиш тақдирини ато этди. Чунки биз бу дунё, фаришталар ва инсонлар олдида бир томоша бўлдик.**

➤ Қарор

Бизлар итоат қилиб Худони улуғлашни бошлаганимизда, Унга сажда қилганимизда, руҳнинг оғирлиги юрагимиздан чиқиб кетади.

**Ишаъё 51:1 Эй ҳақиқатга интилганлар, Раббийни излаётганлар, Менга қулоқ солинглар! Ўзларинг ўйиб ясалган тошга қаранглари, ўзларинг чиқариб олинган ўранинг чуқурига қаранглари.**

Жаҳл

Агар юракда жаҳл бўлса, Худони улуғлай олмаймиз ва Унга сажда қила олмаймиз.

**Ёқуб 1:19-20 Шундай қилиб, севиқли биродарларим, ҳар бир одам тинглашда чакқон, гапиришда вазмин ва ғазабланишда оғир бўлсин. Чунки инсон ғзаби Худонинг ҳақлигини рўёбга чиқармайди.**

➤ Қарор

Сизни хафа қилганларни кечиринг ва юрагингизда жаҳлнинг қолишига бошқа йўл қўйманг.

**Эфесликларга 4:31-32 Ҳар қандай аччиқланиш, қаҳр, ғзаб, бақирини, ғийбатчилик ва ҳар қандай адоват сизлардан четлатилган бўлсин. Аммо бир-бирингизга нисбатан меҳрибон ва ҳамдард бўлинглар. Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглари.**

Ташвиш(хавотир)

Ташвиш – бу шубҳанинг ва имонсизликнинг кўринишидир. Агар ақлингиз ташвишга тўлган бўлса, мақтов билан сажда у ерга кира

олмайди.

**Юханно 14:27** “Мен сизларга тинчлик қолдирияман; Ўз тинчлигимни сизларга беряман. Мен берган тинчлик дунё берган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, ҳадиксираманглар”.

➤ Қарор

Агар бизлар Исога ва Худонинг Сўзидаги ваъдаларга қарасак, ташвишланишнинг ўрнига, Унинг қилган ишлари учун, Унинг буюклиги учун улуғлашни бошласак, бизнинг юрагимиз тинчлик билан тўлади ва Худога юрагимиздан мақтов чиқади.

**Филиппиликларга 4:6,7** Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва маннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз тилакларингизни Худога билдиришлар. Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масихда сақлайди.

Зиқланиш

Ҳаётингиздаги вазиятлар туфайли зиқланиш руҳи сизни мағлуб қилса, сизни мақтовдан ва саждадан тўхтатади.

**1Петъор 4:12,13** Севганларим! Сизларни васваса қилиш учун бошингизга тушаётган алангали синовни ғалати воқеа деб, ҳайрон бўлманглар. Аксинча, Масихнинг азобларига шерик бўлаётганингиз учун қувонинглар. Унинг шон-шухрати зоҳир бўлганида, сизлар янада кўпроқ қувониб, тантана қиласизлар.

➤ Қарор

Мақтов қурбонлиги келтириб қувонишимиз керак ва Худога бўйсунган ҳолда, мақтов кийимини кийишимиз керак.

**Ишаъё 61:3** Сионда нолиётганларга хабар беринглар: уларга кулнинг ўрнига такинчоқ, йиғининг ўрнига – хурсандчилик мойи, эзилган руҳ ўрнига – шон-шухратли кийим берилади; уларни ҳақиқат билан кучлилар, Раббийнинг шон-шухрати учун Унинг ўтқазганлари деб аташади.

Худо ҳақида нотўғри тушунча

Кўп одамлар Худога нисбатан қарши ҳиссиётда яшашади.

Улар, Худо доимо уларни ҳукм қилади деб ўйлашади.

Бошқалар эса, Худо уларни лаззатланишларини истамайди деб ўйлайдилар.

➤ Қарор

**Юханно 3:16** Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

**Римликларга 8:31,32,38,39** Хўш, биз унга нима деймиз? Агар Худо биз томонда бўлса, ким бизларга қарши? Худо Ўз Ўғлини аямай, лекин ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, У билан бирга ҳамма нарсани ҳам бизларга ато қилмайдими? Чунки мен аминманки: на ўлим, на ҳаёт, на фаришталар, на ҳокимиятлар, на кучлар, на ҳозирги, на келажакдаги

нарсалар, на баландлик, на чукурлик, на бошқа бирон ижод бизни Раббимиз Исо Масихдаги Худонинг севгисидан ажратишга қодир эмас.

## Диний урф-одатлар

Дин эзади, нажот эса озод қилади.

**Матто 15:6** “У ота ёки онасини хурмат қилмаса ҳам бўлади”, - дейсизлар. Шундай қилиб, сиз ўзингизнинг урф-одатингизни деб Худонинг амрини бекор қилдингизлар.

➤ Қарор

Жавоб: Бизлар урф-одатларимизни Худонинг Сўзи билан текширишимиз керак ва Муқаддас Рухга тўғри йўлни кўрсатишига йўл беришимиз керак.

## Мағрурлик

Мағрурлик ўзимиз ҳақида ўйлашимиз билан ва бизлар ҳақида яхши гапиришларини исташимиз билан боғлиқдир. Мағрурлик тахтда Худонинг ўрнига, инсонни ўзини ва унинг худбинлигини кўяди. Инсонларни мақташ, Худони улуғлашдан узоқлаштиради.

Исо Ўзининг вақтидаги мағрур диний етакчилар ҳақида айтган.

**Матто 23:1,2,5-7** Ундан кейин Исо халойиққа ва шогирдларига хитоб қилиб, деди: “Уламолар ва фарзийлар Мусо минбариди ўтирибдилар”. Улар бутун ишларини инсонларга кўриниш учун қиладилар. Дуо қутилари йирикрок, кийимларининг гажимларини узунроқ қиладилар. Шунингдек, зиёфатларда тўрда ва ибодатхоналарда хурматли ўринда ўтиришни, халқ йиғинларида алик олишни ва одамлар томонидан “Устозимиз, Устозимиз!” деб олқишланишни яхши кўрадилар.

➤ Қарор

Қарор: ўзимизни камтар қилишимиз керак.

**Матто 23:11,12** “Орангиздаги каттангиз сизларга хизматда бўлсин. Зеро ким ўзини юқори қўйса, пасайтирилади. Ким ўзини паст олиб юрса, улуғланади”.

**Римликларга 12:3** Менга берилган иноят бўйича сизларнинг ҳар бирингизга шуни айтяпман: ўзингиз ҳақингизда керагидан ортиқ ўйламанглар. Аммо Худо ҳар бирингизга берган имоннинг миқдорига яраша камтарлик билан ўйланглар.

**1Коринфликларга 4:10** Биз Масих ҳақи ақлсизмиз, сизлар эса Масихда доносизлар. Биз заифмиз, сизлар эса кучлисизлар. Сизлар шухратда, биз эса хурматсизликдамиз.

Инсонлар олдида кўрқиш.

Инсонларнинг фикридан кўрқиш қулликнинг бир қисмидир. У Муқаддас Рух бизнинг фикримизни ва ҳаракатимизни бошқаришига тўсқинлик қилади. Инсонлар олдида кўрқиш ташвишланишни ва нотинчликни олиб келади, шунингдек, диққатимизни Раббийдан узоқлаштиради. Бизлар Раббийнинг кимлигини ва У бизга қандай қарашини унутиб қўйишимиз мумкин.

Ҳар қандай кўрқув - имоннинг тескарисидир.

**Ҳикматлар 29:25** Одамдан кўрқиш тузоққа илинтиради, Эгамизга умид боғлаган эса хавф-хатардан холи бўлади.

**Ҳикматлар 9:10** Эгамиздан кўрқиш – доноликнинг бошидир, Худони билиш – идрокдир.

➤ Қарор

Бизлар Худонинг ҳаётимизга киришига йўл қўйсак ва Унга ҳаётимизда биринчи ўринни берсак, бизнинг одамлар олдидаги кўркувимиз ғойиб бўлади.

Шайтоннинг азоблари

Шайтон Худодан нафратланади ва шунинг учун Худога айтилган мактовни ёмон кўради. У бор шухратни ўзига олишни истайди.

Агар сиз Худони тинмасдан улуғласангиз, шайтон ёнингизда узок ўтирмайди!

➤ Қарор

Оғир азобга қарши туриш – шайтоннинг қуллигидан озод қилади.

**Марк 16:17** Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар.

**Ёқуб 4:7** Шунинг учун Худога бўйсунинглар, иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади.

Билмаслик

Кўпинча масиҳийларга мактовнинг ва сажданинг муҳимлиги ҳақида айтишмаган.

➤ Қарор

Бизлар, Худонинг ушбу мавзу ҳақида айтган тушунчаларини ўрганмоқдамиз!

**Осия 4:6** Билими етишмаслиги туфайли Менинг халқим кириб ташланади: сен билимни рад этганингдек, Мен ҳам сени, Менинг қаршимдаги руҳонийлик хизматингдан рад этаман; ва сен ўз Худовандинг қонунини қандай қилиб унутган бўлсанг, сенинг болаларингни Мен ҳам унутаман.

Ҳаракат қилинг!

Эътибор берманг!

Кўп имонлилар, мактов ва сажда вақтида “танавий” бўлган масиҳийларга салбий кўз билан қарар эдилар. Бу баъзи масиҳийларга жуда ҳам халақит берарди. Бу нарса улар учун, библияда айтилган ҳар турдаги мактовда ва саждада эркин равишда иштирок этишларига тўсиқ бўлди.

➤ Қарор

Бизлар бошқаларга қарашнинг ўрнига, Худонинг Сўзи бўйича ҳаракат қилишимиз керак ва Унинг Сўзидан келадиган ваҳийга бўйсунимиз керак. Бизлар Унинг фарзандлари сифатида эркинлик билан мактов айтишимиз ва Унга сажда қилишимиз керак.

Агар салбий карашларга эътибор берсак - бу диний урф-одатларга кул бўлганликни ва инсонлар фикридан кўрқишни билдиради.

Уларга эътибор бермасдан ҳаракат қилиш эса – тўлиқ озодликни ва Муқаддас Рухда ҳаракат қилишни билдиради.

**Юханно 8:32 Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади.**

Хулоса

Мақтов ва сажда қилишни билмаслик – бу ҳал қилиниши керак бўлган муаммони билдиради. Токи муаммони билмас экансиз Худони излашда давом этинг, сўнгра, уни ҳал этишни бошланг. Агар Худога барибир мақтов айта олмасангиз ҳам, етук масиҳийнинг олдига боринг ва у сизга ёрдам беради.

**САВОЛЛАР:**

---

1. Мақтовга бўлган тўсиқларнинг бирини ва уни Худонинг Сўзи билан қандай қилиб ечилишини айтинг.
2. Ҳаётингиздаги мақтовга қарши келган тўсиқлардан бирини айтинг. Тўсиқни қандай қилиб энгдингиз ёки уни қандай қилиб энгишни режалаштиргансиз?
3. Сажда қилишингизга қаршилиқ қилаётган тўсиқларни энгишга имкониятингиз қолмаса, нима қилган бўлар эдингиз?

## 10 Дарс

### Мақтов қурбонлигини келтириш

#### МАҚТОВНИНГ МАҚТОВ ҚУРБОНЛИГИДАН ФАРҚИ

---

**Ибронийларга 13:15 Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду сано қурбонларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин.**

Мақтов билан мақтов қурбонлиги ўртасида фарқ бор.

Мақтов

Бизлар Худо билан яхши муносабатда бўлганимизда, Уни макташ бизга осон кечади. Унинг бизлар учун қилган ишлари ҳақида ўйлаганимизда, бу ишни эркинлик билан қиламиз.

Мақтов қурбонлиги

Мақтов қурбонлиги, бизлар: “менинг барча ҳаракатим нотўғри ва яхши эмас” деб ўйлаган вақтимизда намоён бўлади.

Бу:

- Ҳар қандай вазиятга тобе бўлмаган мақтовдир.
- Имонда ва бўйсунушда келтирилган мақтовдир.
- Худони – Худо сифатида тан олиб келтирилган мақтовдир.

#### МАҚТОВ ҚУРБОНЛИГИ

---

Тўхтамайдиган мақтов

Мақтов қурбонлиги – бу тўхтамайдиган мақтовдир.

**Сано 33:2 Ҳамма вақт Раббий дуолидир; менинг оғзимдан Унга тинимсиз мақтовлар янграйди.**

Эшитиладиган

Мақтов қурбонлиги этилиши керак. Довуд айтган: “Раббийни бутун қалбим билан ва овозим билан дуо қиламан.”

Повул ва Сила –  
намунадир

Повул ва Сила Худони зиндонда улуғлашганда мўъжиза содир бўлди.

**Ҳаворийлар 16:22-26 Оломон Повул билан Силага ёпирила бошлагач, маъмурлар уларнинг уст-бошини йиртиб олиб, калтаклашга буюрдилар. Уларни жуда кўп калтаклашгандан кейин зиндонга ташлаб, қаттиқ кўриқлашни зиндонбонга буюрдилар. У ҳам олган амрига кўра, уларни зиндоннинг ички бўлмасига қамаб, оёқларини кундалаб қўйди. Тун яримлаб қолганда, Повул ва Сила ибодат қилиб, Худога куйлашар эди; маҳбуслар эса уларни тинглаб туришарди. Тўсатдан шиддатли зилзила юз берди-да, қамоқхонани пойдеворини силкитиб ташлади. Ўша заҳоти барча эшиклар очилиб, ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди.**

➤ Жисмоний ҳолат

Уларга ҳужум қилишди ва уларни таъқиб қилишди.

- Кийимлари йиртилган
- Уларни калтаклашган
- Энг золим жинойтчиларнинг зиндонида эдилар
- Уларни ҳаракатсиз қилиш учун кишанлашган.

➤ Рухий ҳолат

Улар ибодат қилиб, мадҳиялар куйлашди.

Улар бундай ибодат қилмадилар:

- “Худойим, нима учун бундай ҳодисага йўл қўйдинг?”
- “Бизлар Сенга хизмат қилган эдик.”
- “Бизлар Сен юборган жойда бўлдик!”

Улар бундай ибодат қилмаганликларини албатта биламиз!

- Улар мақтов куйлар эди ва асирлар уларни эшитишар эди.

➤ Натижалар

Уларни озод қилдилар.

Кечки кўриқчи ва унинг оиласи нажот топди.

Зиндондаги барча одамлар Исо ҳақида хушхабар эшитдилар.

Филиппидаги бошқа имонлилар юпанишди.

Иосафат – ҳам биз учун мисолдир

Иосафат Худонинг амрларини бажарди ва ажойиб ғалабада яшади. Унинг исми, “Иос”, “Раббий бошқармоқда,”- деган маънони билдиради.

➤ Инсонларни Сўзга ўргатарди

**2Йилнома 17:3-6 Ва Раббий Иосафат билан эди, чунки у ўз отаси, Довуднинг биринчи йўлларида юрар эди ва Баалларни изламади. У ўз отасининг Худосини излади ва Исроилликларнинг ишлари бўйича эмас, Унинг амрлари бўйича йўл тутар эди. Шунда унинг юраги Раббийнинг йўлларида кўтарилди; боз устига у баландликларни ва Яхудиядаги эманзорларни бекор қилди.**

➤ Қийин вақтларда ибодат қилар эди

Кўп йиллар давомида, ўша ерда яшайдиган халқлар ундан қўрқар эди ва яхудий халқини тинч қўйишди. Лекин кейинчалик бирлашиб унга қарши чиқишди. Иосафат йиғин олдидан ибодат қилди. Унинг ибодати мақтов билан бошланар эди.

**2Йилнома 20:6-9 Ва деди: Раббий, оталаримизнинг Худоси! Самодаги Худо Сен-ку? Сен барча халқларнинг шоҳликлари устидан ҳукмронлик қиляпсан ва Сенинг қўлингда ҳам куч, ҳам қалъа ва ҳеч ким Сенга қарши тура олмайди! Сен-ку, Ўз халқинг Исроилнинг юзи олдида ушбу ердаги яшовчиларни қувиб чиқарган ва уни Ўз дўстинг Иброхимнинг уруғига мангуликка олиб берган Худоимиз. Сўнг улар шу ерда жойлашишди ва Сенга шу ерда, Сенинг номинг учун макон**

куриб, дедилар: “Агар бизга кулфат келса: жазоловчи қилич, касаллик ёки очлик - унда бизлар ушбу уй олдида, Сенинг юзинг олдида турамыз ва ўз танглигимизда Сени чақирамыз, шунда Сен бизларни эшитасан ва қутқарасан”.

➤ Худо жавоб қилди

Сўнг Худо пайғамбар орқали жавоб қилди.

**2Йилнома 20:15-17** Ва уларга деди: барча Яхудийлар, Иерусалим аҳли ва шоҳ Иосафат кулоқ солинглар! Раббий сизга шундай дейди: кўркманглар ва ушбу кўпликдан дахшатга тушманглар, чунки сизнинг эмас, балки Худонинг жангидир. Эртага уларга қарши чиқасизлар: мана улар Циц тепалигига чиқяптилар, сизлар уларни водийнинг охирида, Иеруилом саҳроси олдида топасизлар. Бу сафар сизлар жанг қилмайсизлар; сизлар ўрнингиздан туринглар, оёқда туринглар ва Раббийнинг сизга юборадиган нажотига қаранглар. Яхудо ва Иерусалим! Кўркманглар ва дахшатга тушманглар. Эртага уларга рўпара чиқасизлар ва Раббий сизлар билан бўлади.

➤ Барча сажда қилди

**18** Шунда Иосафат ергача эгилди, барча Яхудийлар ва Иерусалим аҳли ҳам Раббийга сажда қилиш учун, Раббий қаршисида эгилдилар.

➤ Тайинланган кўшиқчилар

Улар жангга тайёрландилар, Иосафат Раббийни улуғлаш учун одамларни тайинлади. Уларни кўшинлар олдида кўйди!

**21** У халқ билан маслаҳатлашди ва Раббий учун кўшиқчиларни, улар муқаддас кўрқда, қуролланганларнинг олдида бориб, кўшиқлар куйлаб: “Раббийни улуғланг, чунки Унинг шафқати мангудир!” – деб, айтишлари учун кўйди.

➤ Ғалаба

**22-26** Улар ҳайқириб, улуғлашни бошлаганларида, Раббий Яхудияга келган Аммонликлар билан Мўабликлар ва Сеир тоғида яшовчиларнинг ўртасида норозилик уйғотди ва улар қирилдилар. Чунки Аммонликлар ва Мўабликлар Сеир тоғининг яшовчиларига қарши чиқдилар, уларни урдилар ва қирдилар. Сеирнинг яшовчилари билан тамомлаганларидан сўнг, бир-бирларини қиришни бошладилар. Сўнг Яхудийлар баландликка, чўлга келдилар ва ўша оломонга қарасалар, мана – ерда мурдалар ётибди ва тирик қолган киши йўқ. Шунда Иосафат билан халқ ўлжани олиб кетиш учун келишди ва улардан кўп мулк - кийимлар, қимматбаҳо нарсалар топдилар ва ўзларига шунчалик йиғдиларки, кўтариб кета олмадилар. Шунда улар ўлжани уч кун давомида олиб кетдилар; у шу қадар кўп эди. Тўртинчи куни эса дуо қилиш водийсида йиғилдилар, чунки улар Раббийни ўша ерда дуо қилган эдилар. Шунинг учун ҳам ўша кунни, бугунги кунга қадар дуо водийси деб, атайдилар.

➤ Жисмоний ҳолат

Уларга бошқа халқлар кўплик билан ҳужум қилдилар.

➤ Рухий ҳолат

Улар Худонинг Сўзида нима ёзилганини билар эдилар.

Улар душманнинг енгилишидан сўнг эмас, балки душман қуршовида бўлган вақтда, умидсизлик чоғида мақтов қурбонлигини келтиришди.

➤ Натижа

Натижада тўлиқ ғалабага эга бўлдилар ва уларнинг душманлари бир-бирларини ўлдирдилар ва Яхудийларга кўп ўлжа ҳам қолди.

➤ Ғалаба томон қадам қўйиш!

Иосафатнинг ёрдамида ғалабага бўлган бешта қадамни кўрмоқдамиз.

- Сўзни билиш
- Худонинг ҳузурини излаш
- Худони эшитиш
- Худонинг Сўзига ишониш ва Унга сажда қилиш,
- Имон билан ҳаракат қилиш ва Худони ғалабадан олдин улуғлаш.

## МАҚТОВДАГИ ЖАНГ

---

Худони мусика билан мақташ орқали катта руҳий куч ва ҳокимият пайдо бўлади. Бизлар ҳозиргина Повулнинг ва Силанинг мисолида, улар қўшиқ куйлашганини ва катта зилзила орқали озодликка чиқишганини кўрдик.

Ғалаба мақтовдан сўнг келади

Иосафат Раббийни улуғлаш учун қўшиқчиларни қўйганида ва улар қуролланганларнинг олдидан борганида, буюк ғалаба қўлга киритилди. Улар қудратли руҳий қуролни ишлатишди. Улар Худони улуғлашганда, буюк куч ва руҳий ҳокимият келиб чиқди.

Кўпинча, мақтов вақтида Муқаддас Рух бизга руҳий жангнинг қўшиғини беради.

**Сано 149:6-9** Уларнинг оғизларида Худога мадҳлар ва дудама қилич уларнинг қўлларида бўлсин. Токи халқларнинг устидан қасос олишсин, қабилалар устида жазо ўтқазилсин, уларнинг подшоҳларини занжирбанд қилишсин, уларнинг амалдорларини темир кишанларга боғлашсин. Уларнинг устидан ёзилган ҳукми амалга оширишсин. Унинг барча муқаддасларига – бу шарафдир. Ҳаллилуя.

Бизлар нафақат Худонинг Сўзини эътироф этганимизда, балки Худога мақтов куйлаганимизда ҳам руҳий жангда ғалаба қозонамиз.

**Ишаъё 30:31-32** Чунки Раббийнинг овозидан ҳасса билан яксон қилинадиган Ассур титраб кетади. Раббийнинг унга йўллаган ҳассасининг ҳар қандай ҳаракати доира ва тор

**билан бўлади, ва унга қарши бўм-бўш қиладиган уруш билан боради.**

Ҳар бир руҳий жангда ғалабага эга бўлиш учун мусиқали мақтов муҳим рол ўйнайди.

Сажда – башорат - жанг

**Ваҳий 19:6-8 Сўнгра кўп халойиқ, шовуллаган сувлар, гумбурлаган момақалдиروقқа ўхшаш садолар эшитдим. Улар шундай дер эдилар: “Ҳаллилуя! Ҳар нарсага қодир Худойимиз, сарвари коинот Шох ўрнини олди. Унинг иззат-хурматини бажо келтирайлик, севиниб хурсанд бўлайлик! Қўзининг никоҳ соати етди, Унинг келини ўзини ҳозирлади”. Кийиниш учун келинга пок, оппоқ шойи берилди. Шойи – азиз-муқаддасларнинг ҳақлигидир.**

➤ Сажда

Бугунда жамоатга янги мақтов ва сажда кириб келмоқда. Янги мақтов жаранглайди ва кудратли сув оқимларига ўхшайди. У чакмоққа ва ғолибона ҳайқириққа ўхшайди. Исо ушбу гулдирайдиган овозлардан олдин Худонинг Қўзиси каби очилар эди, бугун эса Исроилнинг Шери каби келмоқда.

Ваҳий 19 даги жумлада, охириги жангда, ерда шайтоннинг боғланиши ҳақида айтилган.

**Ваҳий 19:10-11 Мен унга сажда қилиш учун оёқларига йиқилдим. Лекин у менга шундай деди: “Зинҳор, бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамкорингман, шунингдек, Исонинг шоҳиди бўлган ҳамма биродарларингнинг ҳамкориман. Худога сажда қил! Зеро Исога шоҳидлик пайғамбарлик руҳи билан тенгдир”. Бундан кейин осмон очилиб, у ерда бир оқ от турганини кўрдим. Отлиқнинг исми Содик ва Ҳақ эди. У одилона ҳукм чиқариб, жанг қиларди.**

Ушбу руҳий жангда учта асосий жараён бор.

- Сажда
- Башорат
- Жанг

➤ Башорат

Улуғ руҳий жангда, мақтов билан саждада “башорат руҳи”, кўпинча “руҳий ашулада”намоён бўлади. Ҳар доим шу нарса содир бўлганда, руҳий дунёдаги катта жангларда ғалаба содир бўлади. Кимлар боғланади:

- Бошлиқлар
- Ҳокимиятлар
- Ва зулматни бошқарувчилар

**Сано 149:8 Подшоҳларни занжирбанд қилишсин, уларнинг амалдорларини темир кишанларга боғлашсин. Уларнинг устидан ёзилган ҳукми амалга оширишсин.**

➤ Жанг

Ваҳий 19 даги жумлада, Исо ва Унинг муқаддаслари улуғ

жангдан, шайтон ва унинг жинлари устидан ғалаба қозонган ҳолда қайтаётганликлари ҳақида айтилган.

**Вахий 19:12-16** Унинг кўзлари олов алангасидай. Бошида кўп тожи бор, пешанасига эса Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исм ёзилган. У қонга бўялган кийим кийган, Унга “Худонинг Сўзи” деб ном берилган эди. Пок, оппоқ шойи кийган самовий кўшинлар оқ отда Унинг кетидан борарди. Халқларга шикаст бериш учун Унинг оғзидан бир кескир шамшир чиқиб турарди. Кўлида темир таёқ билан уларни боқадиган Ўшадир. Ҳар нарсага қодир Худонинг қайноқ қаҳр-ғазаб шаробини тайёрлашга мосланган чархни Ўзи босади. Унинг кийими ва белида шундай бир исм ёзилган: “Ҳокимларнинг Ҳокими - Шоханшоҳ”.

## ИСО ОРҚАЛИ КЕЛТИРИЛАДИГАН МАҚТОВ ҚУРБОНЛИГИ

---

Мақтов қурбонлигини фақат Исо орқали келтириш мумкин.

**Ибронийликларга 13:15** Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду сано қурбонларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин.

Бу - Унинг номи учун, Унинг сифатлари учун ва Унинг қилган ишлари учун миннатдорчилик билдиришдир.

**Эфесликларга 5:20** ...ҳар доим, ҳамма нарса учун Отамиз Худога Раббимиз Исо Масих номи билан миннатдорчилик билдиринглар.

Бу- фақат ўзимиз керак деб ўйлаган вақтимизда эмас, балки барча вазиятларда раҳмат айтишдир.

**1Салоникаликларга 5:16-18** Доимо қувонинглар. тинимсиз ибодат қилинглар. Ҳар қандай шароитда Худога миннатдорчилик билдиринглар, чунки Исо Масихда бўлганингиз учун сизлар ҳақингизда Худонинг иродаси шундайдир.

Худо ҳаётимизда ҳамма нарсани эзгуликка айлантиришини тўлик англасак агар, шундай қила оламиз.

**Римликларга 8:28** Шуни биламизки, Худони севганларга, Унинг мурод-мақсади бўйича даъват қилинганларга ҳамма нарса биргаликда яхшиликка хизмат қилади.

Худонинг шуҳратини олиб келади

Мақтов қурбонлиги Худога шуҳрат олиб келади.

**Сано 49:23** Ким мақтов қурбонлигини келтирса, ўша Мени ҳурмат қилган бўлади, ким юрган йўлини кузатаётган бўлса, ўшанга Худонинг нажотини намоён қиламан.

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МАҚТОВ ҚУРБОНЛИГИНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН

---

Қарор қилинг

Худони ҳар қандай вазиятда улуғлашни олдиндан қарор қилинг.

Ҳозирдан бошланг

Худони ҳар куни, кун бўйин улуғланг.

Мақтов айтиш одатини ривожлантиринг.

Агар муаммолар  
пайдо бўлса

- Ўз қарорингизни унутманг.
- Мақтов айтишда давом этинг.
- Эсада тутинг, қийин вазиятларда ҳам мақтов айтишимиз, Худони бизнинг фойдамиз учун ҳаракат қилишига етаклайди.
- Нотинч вақтларда мақтов Отага шуҳрат олиб келади.

Худони айнан улуғлашни истамаган вақтимиз келганида, Уни янада кўпроқ улуғлашимиз керак. Бизлар Унинг Сўзига бўйсуниб ҳаракат қилганимизда ва Уни улуғлаганимизда, Худога ҳақиқий мақтов қурбонлигини келтирган бўламиз ва бу Уни қониқтиради.

Имон билан бошланг

Сиз имон билан мақтов қурбонлигини келтиришни бошлайсиз. Сиз Уни Унинг кимлиги учун ва Унинг қилган ишлари учун улуғлашни бошланг. Сўнг, ҳатто ўзингиз тушунмаган оғир ҳолат учун ҳам Худога миннатдорчилик билдиринг.

Уни, Унинг озодлик келтирадиган йўли учун улуғланг, ҳатто муаммонинг чиқиш йўлини кўрмасангиз ҳам. Худони - Унинг Худолиги учун улуғланг, ақлингиз ва юрагингиз билан Унга ва Унинг Сўзидаги ваъдаларига таянинг.

Агар сиз мақтов қурбонлигини келтиришни бошлаган бўлсангиз, шундай қилишда давом этинг. Худонинг Сўзини баланд овозда эътироф этинг, ғалаба ва озодлик ҳақида айтувчи сўзларни айтинг.

Аввал сиз мақтовни бўйсунушда эътироф этсангиз, сиз вазиятларга эмас, Худога тобе бўласиз. Агар Унинг кучини ва шуҳратини ўзингизнинг вазиятларингиз билан таққосласангиз, улар қанчалик майда эканини сезиб қоласиз.

Агар сиз ақлингизни Худонинг Сўзи билан тўлдирсангиз ва Унинг Сўзидаги ваъдаларига қарасангиз, шубҳалар билан ташвишларнинг ўрнини мақтов руҳи тўлдирди.

Кўпинча, мақтов айтиш қийин туюлганда, Худога бўйсунган ҳолда мақтов айтсангиз, сиз мақтов Руҳи билан тўласиз.

Руҳингиз билан мақтов қурбонлигини келтиришдан тўхтамасангиз, сиз Унинг ҳузурига қувонч билан кираётганингизни кўрасиз.

- Унга куйланг.
- Унинг қаршисида рақс тушинг.
- Уни улуғланг, Унинг номини шарафланг.
- Шунда У сизга нажот билан озодлик йўлини тўғирлаб беради!

САВОЛЛАР:

---

1. Улуғлов билан мақтов қурбонлиги ўртасида қандай фарқ бор?
2. Иосафат жангга бораётганида, саночиларни ҳарбийлар олдидан қўйганида нима содир бўлди?
3. Иосафат билан содир бўлган воқеа, биз учун қандан мисол бўла олади?

## 11 Дарс

### Мақтов бизнинг руҳонийлик вазифамиз

#### Кириш

Худонинг Сўзи бизга, бизлар муқаддас ва шоҳона руҳонийлар эканимизни очиб беради. Бизлар руҳий қурбонликлар келтиришимиз керак.

**1Петъор 2:5,9 ...ўзларингиз ҳам тирик тошлар каби ўзларингиздан руҳий бино барпо этинглар, токи Исо Масих орқали Худога маъқул бўлган, руҳий қурбонликлар келтириб, сизлар муқаддас руҳонийлар бўлинглар.**

Бизнинг муқаддас руҳонийлигимизнинг намунаси, бизга Ҳорун ва унинг ўғиллари орқали очиб берилган.

Бизнинг шоҳона руҳонийлигимиз Малқисидикнинг руҳонийлиги, сўнг – шоҳ Довуднинг руҳонийлик хизмати орқали очилмоқда. Ушбу руҳонийликнинг иккаласи ҳам, Исонинг руҳонийлик хизмати орқали амалга ошди. Исо – абадий Олийруҳонийдир ва бизлар имонли-руҳонийлар сифатида У орқали ҳаракат қилишимиз керак.

Бизлар мақтов қурбонлигини тўхтовсиз келтираётганимизда, ўзимизнинг руҳонийлик вазифамизни аниқ билишимиз учун, Эски Аҳддаги руҳонийликнинг вазифаларини ўрганиб чиқишимиз керак.

#### ШОҲОНА РУҲОНИЙЛАР

---

##### Малқисидик

**Ибтидо 14:18 Худойи Таолонинг руҳонийси бўлган Салим шоҳи Малқисидик ҳам Ибромга нон ва шароб олиб чиқди.**

Малқисидик Салимнинг (Ҳозирги Иерусалимнинг жойи) Шоҳона Руҳонийси эди. Иброҳим “ҳақлик шоҳи” деб аталадиганга ушр келтирди. Ҳорун руҳонийлигидан фарқли ўларок, Малқисидикнинг ёзилган насл-насаби йўқ эди. У қонун томонидан қўйилган эмас, балки Худо танлаган руҳоний эди.

Санода бизлар Исо ҳақида, Малқисидик мартабаси бўйича руҳоний деб, башорат қилинганини кўрамиз.

**Сано 109:4 Раббий қасамёд қилди ва афсусланмайди: Сен Малқисидик мартабаси бўйича абадий руҳонийсан.**

Ибронийликларга китобида, Исонинг руҳонийлик хизматини, Шоҳона Руҳонийнинг хизмати сифатида очиб бермоқда ва Уни Малқисидикнинг мартабаси бўйича мангу руҳоний бўлиши ҳақида айтилган.

**Ибронийларга 7:1-3,17 Малқисидик Салим подшоҳи ҳамда Худойи Таолонинг руҳонийси эди. Иброҳим тўрт шоҳни тор-мор этиб қайтиб келаётганида, Малқисидик уни қаршилагани чиқиб, уни дуо қилди. Иброҳим эса унга ҳар бир нарсадан ушр берди. Малқисидик отининг биринчи маъноси “Салим подшоҳи”, яъни тинчлик подшоҳидир. У отасизу онасиздир, умуман насабномасиздир. Умрининг на бошланиши, на охири**

қайд этилган. У Худонинг Ўғлига ўхшаш абадий руҳоний бўлиб қолади. Забурда: “Сен Малқисидиқ мартабаси бўйича абадий руҳонийсан”, - деб таъкидланган.

**Ибронийликларга 7:19 Чунки Таврот Қонуни бирор-бир кишини ҳам камолга етказа олмаган. Бунинг ўрнига энди аълороқ бир умид майдонга келди, биз бу умид билан Худога яқинлаша оламиз.**

Довуд

Довуд подшоҳ бўлган ҳолда, руҳоний сифатида ҳам фаолият юритар эди. У Довуднинг чодирини ясади, Худонинг сўзи жойлаштирилган сандиқни қайтариб келтирди ва мақтов қурбонлигини ўрнатди. Довуд Малқисидиқ руҳонийлиги бўйича ҳаракат қилганида, у келажакдаги Исонинг руҳонийлик хизматининг намунаси бўлиб, хизмат қилган. Довуд инсонларни мақтовга ва саждага етаклаганида, уларни Худога яқинлаштирар эди.

Исонинг руҳонийлик хизмати сабабли бизлар, руҳонийлар каби, Худонинг хузурига дадиллик билан киришимиз мумкин ва Унга мақтов билан, сажда қилишимиз билан яқинлашимиз мумкин.

## ҲОРУННИНГ МУҚАДДАС РУҲОНИЙЛИГИ

Ҳорун биринчи тайинланган руҳоний эди ва унинг ўғиллари руҳоний қилиб қўйилган эдилар. Ҳоруннинг руҳонийлиги наслдан-наслга ўтиб келар эди.

**Левит 21:17 Ҳорунга бундай дегин: барча авлодигача, агар сенинг уруғингдан бирор кишининг танасида нуқсон бўлса, ўз Худосига нон олиб келиши учун кирмаслиги керак.**

Комиллик керак

**21 Руҳоний Ҳоруннинг уруғидан бўлган, ўз танасида нуқсон бор ҳеч бир киши Худовандга қурбонлик олиб келиши учун кирмаслиги керак; унда нуқсон бордир, шунинг учун ўз Худосига нон олиб келтириши учун кирмаслиги керак.**

Руҳонийлар ҳадялар келтирганликлари сабабли, улар Исонинг ердаги қиёфаси эдилар. Исо комил эди ва доимо руҳоний бўлиб кўринар эди. Шунинг учун ҳеч ким ўзининг нуқсони билан ўша комилликни тасвир эта олмасди.

Бугун имонлилар Унда комил қилинди.

Кийим

Руҳонийлар кийими хизматдан ташқаридаги вақтда ҳам, бошқаларникидан фарқ қилар эди. Худо уларнинг доимий кийилиши керак бўлган кийим ҳақида насихатлар берди. Уларнинг ҳар бир кийими, бизларнинг Худо билан бўлган ўзаро муносабатимизнинг намунаси эди.

Хизмат учун кийиладиган кийим тўрт қисмдан иборат эди:

- Зиғирпоя матосидан қилинган иштон.
- Тикилмаган, бир парча матодан ясалган кўйлак.
- Тўрт рангли камар.

➤ Зиғирпоя маосидан қилинган бош кийим.

Зиғирпоя доимо ҳақликнинг тимсолидир ва бизлар Худонинг ҳақларимиз.

**2Коринфликларга 5:21 Худо бизни Ўзига маъқул, ҳақ деб билиш учун, гуноҳни ҳеч билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди.**

Улар юнгли ҳеч бир нарса кийишмаган, чунки юнгли кийимда одам терлар эди. Тер эса – лаънат ва инсон ўзига таянишнинг тимсоли эди. Яна, юнгни тўла-тўқис тозалаб бўлмайди.

Мойланиш

Малҳам билан мойланган руҳонийлар Муқаддас Рухнинг тимсолидир.

Бугун имонли-руҳонийлар, уларда доимо бўладиган Муқаддас Рухга эгалар.

## РУҲОНИЙЛИК ВАЗИФАСИНИНГ ТАЪРИФИ

Оловни ёндириб туриш

Руҳонийлар қурбонгоҳдаги оловни ёндириб туришлари керак эди.

**Левит 6:9,13** Ҳорун ва унинг ўғилларига шундай амр қил: тамоман ёндирилиш қонун-қондаси мана бундай: тамоман ёндирилиш қурбонлиги ёндириладиган жойда қурбонгоҳда кечаси билан эрталабгача қолиб, қурбонгоҳда олов ёнсин. Қурбонгоҳдаги олов эса тўхтамасдан ёниб ҳеч ўчмасин.

Повул Тимўтийга: “...ичингдаги оловни ёндириб тур,”- деб таълим берган.

**2Тимўтийга 1:6** Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман.

Ўнта бокира ҳақидаги ҳикмат орқали, Исо бизларни ҳаётда оловни ушлаб туришимиз кераклиги ҳақида огоҳлантирди.

Кулни - тозалаш

Руҳонийлар қурбонгоҳни кулдан тозалаб туришлари керак бўлган.

**Левит 6:10,11** Руҳоний эса ўзининг зиғирпоя матосидан қилинган кийимини кийиб, ичига эса зиғирпоя матосидан қилинган ички кийимини кийиб тамоман ёндирилиш оловидан қурбонгоҳга тушган кулни олиб, уни қурбонгоҳнинг олдига қўйсин. Устидан бу кийимларни ечиб ва бошқа кийимларни кийиб, кулни чодирнинг ташқарисига тоза жойга олиб чиқсин.

Агар кул йиғилиб турса, олов ёнишда давом этмайди. Бизлар кечанги қулай, ёрқин чўғларни ёқтириб қолиб, Муқаддас Рух бизга бугун айтаётган нарсаларга интилмай қолишимиз мумкин. Ўтмишдаги хотиралар бизларни тўхтатиши мумкин. Бизлар Худонинг бугун қилаётган ишларининг орасида бўлишни истасак агар, ўтмишимиздаги воқеаларни, яхшисини ҳам, ёмонини ҳам қолдиришни исташимиз керак.

**Филиппиликларга 3:13** Биродарларим, мен ўзимни буларга

эришганман, деб ҳисобламаяпман. Фақат орқамдагиларни унутиб, олдимдагиларга интиляпман.

#### Қурбонликлар келтириш

Фақатгина руҳонийлар қурбонликлар келтириш ҳуқуқига эга бўлган.

**Чиқиш 29:38,39,42** Мана, сен қурбонгоҳга нималар олиб келасан: ҳар доим, ҳар куни бир ёшлик иккита қўзини; Битта қўзини эрталаб биттасини кечқурун олиб кел. Бу – тамоман ёндирилиш, Худовандга йиғилиш чодир эшиги ёнида келтириладиган қурбонлик авлодларинг бўйича доимий бўлиб, у ерда сизларга очилиб, сен билан гаплашаман.

Бизга мақтов қурбонлигини келтириш амр этилган.

#### Дуо қилиш

Руҳонийлар инсонларни дуо қилишлари керак.

**Левит 9:22** Шунда Ҳорун қўлини кўтариб халқ томонга бурилиб уларни дуо қилди. Гуноҳ учун қурбонлик, батамом ёндирилиш қурбонлиги ва тинчлик қурбонлиги келтиришни ижро этиб бўлганидан сўнг у ердан чиқди.

**Сонлар 6:23-27** Ҳорун ва унинг ўғилларига айт: Исроил ўғилларини шундай дуо қилинглар, уларга шундай гапиринг: **Раббий сени баракали қилсин ва асрасин! Худованд Ўзининг муқаддас юзи билан сени паноҳига олсин ва сенга шафқат қилсин! Раббий Ўз юзини сенга қаратсин ва сенга тинчлик берсин! Мана шундай қилиб Мени исмимни Исроил ўғилларига чақиришсин, ва Мен уларни дуо қиламан.**

Исо – сизлар ернинг тузисизлар деб айтган. Бизлар атрофимиздагилар учун барака бўлишимиз керак.

**Матто 5:13** “Сиз – ернинг тузисизлар. Агарда туз кучини йўқотса, уни яна қандай шўр қилиш мумкин? У энди чикитга ташлаб юборилади, оёқ остида паймон бўлишдан бошқага ярамайди”.

#### Ҳеч қачон бўш қўллар билан келмаслик керак

Руҳонийлар Худонинг ҳузурига доимо ҳадёлар билан келишган.

**1Йилнома 16:29** Унинг исмига шараф беринглар. Ҳадяни олиб, Унинг юзи олдига боринглар, Раббийга, Унинг муқаддас кўркида сажда қилинглар.

**Чиқиш 23:15** Хамиртурушсиз нон ейиш байрамини назорат қилиб тур: Мен сенга буюриб белгилаган Авий ойи вақтида етти кун ачитқисиз нон егин; чунки у билан сен Мисрдан чиқдинг; Менинг юзим олдига ҳеч ким бўш қўли билан келмасин.

**Чиқиш 34:20** Эшакларнинг тўнғичларини қўзига алмаштир; агар алмаштирмасанг, унда сотиб ол. Ўғилларининг ҳамма тўнғичларини сотиб ол. Менинг юзим олдига эса қурук қўллари билан келишмасин.

**Қонуннинг такрорланиши 16:17** ...балки ҳар бири Раббий уни нимада дуо қилган бўлса, шундан қўлларига олиб Раббий

## Худонинг юзи олдида турсин.

### Қурбонликлар келтириш

Хорун рухонийсининг вазифаларидан бири қурбонлик келтиришдир. Бизлар рухий қурбонликлар келтиришда давом этишимиз керак.

**1Петъор 2:5** ...ўзларингиз ҳам тирик тошлар каби ўзларингиздан рухий бино барпо этинглар, токи Исо Масих орқали Худога маъқул бўлган, рухий қурбонлик келтириб, сизлар муқаддас рухонийлар бўлинглар.

**Ибронийларга 13:15** Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду санно қурбонларини биғишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин.

Бизлар мақтов, сажда, севги ва миннатдорчилик билан қурбонликлар келтиришимиз керак. Ашулаларда мақтаб, қувонч билан ва борлиғимиз билан қурбонликлар келтиришимиз керак.

## ҲОРУН РУҲОНИЙЛИГИНИНГ ТАЛАБЛАРИ

Эски Аҳд рухонийларига тегишли бўлган, тўртта нарсани тушуниш муҳимдир.

### Иегова учун ажратилган

Рухоний олинб муқаддасланган ва дунёдан ажратилган бўлиши керак эди.

**Чиқиш 19:22** Раббийга яқинлашадиган рухонийлар ҳам ўзларини покласинлар, токи Раббий уларни ҳалок этмасин.

### Муқаддаслар

Рухонийлар муқаддас, Раббий учун тўлиқ муқаддасланган бўлишлари керак.

**Чиқиш 16:5** Корий ва унинг барча шерикларига сўзлаб деди: эртага Раббий ким Уникилигини, ва Ўзига яқинлаштириш учун ким муқаддаслигини кўрсатади; Кимни танласа, ўшани Ўзига яқинлаштиради.

### Худога яқинлашиш ҳақида ёзилган

Рухонийларнинг хизмати ва вазифаси Худога яқинлашиш эди. Рухонийлар инсонларни Худога тақдим этар эдилар. Улар:

- Дунёдан ажратилган эди
- Муқаддас ва танланган халқ эди
- Худо учун рухоний халқ бўлишлари керак эди.

**Чиқиш 19:4-6** Мен Мисрликларни нима қилганимни ва Мен сизларни гўё бургут қанотларида кўтарганимни ва сизларни Ўзимга олиб келганимни кўрдинглар. Шундай қилиб, ҳақиқатдан менинг овозимга бўйсунсанглар ва Менинг аҳдимга амал қилсанглар, шунда бошқа барча халқлар ичра Менинг хусусий бойлигим, хазинам бўласизлар; зеро бор замин Меникидир. Ва сизлар Мен учун рухонийлар хонлиги ва муқаддас халқ бўласизлар. Булар Исроил фарзандларига айтишинг керак бўлган сўзлардир.

Рухонийлар хизмат олдидан қўлларини ва оёқларини сув билан ювишлари керак эди.

**Чиқиш 30:21** Улар ўлмасликлари учун ўз қўл ва оёқларини сувда ювишсин. Бу уларга ва авлодларига умрбод қоида бўлади.

**Чиқиш 40:12-13** Ҳорун ва унинг ўғилларини йиғилиш чодирининг кириш жойига олиб келиб, уларни сув билан ювинтир. Ҳорунга рухонийлик кийимларини кийдириб, унга мой суртиб уни покла, токи у Менинг рухонийим бўлсин.

➤ Ёқубнинг оиласи

Ёқуб қийин вақтда Раббийни излашдан олдин, унинг оиласи пок бўлганига амин бўлмоқчи эди.

**Ибтидо 35:2-3** Ёқуб уйидагиларига, у билан бўлганларга деди: сизларда бўлган бегона худоларни ташланглар, тозаланиб, кийимларингни алмаштиринглар; Туриб Бэтилга борамиз, у ерда мени кулфатимда тинглаб ва менинг юрган йўлимда мен билан бирга бўлган Худога мен қурбонгоҳ қураман.

➤ Халқ

Мусо Исроил халқига муқаддасланишни ва кийимларини ювишни буюрди.

**Чиқиш 19:10** Раббий Мусога деди: халқнинг олдига бор, ва уларни бугун ҳамда эртага покла; кийимларини ювсинлар...

Бизлар бугун имонли-рухонийлар сифатида, матқов олиб келишимиздан олдин, ҳаётимиздаги ҳар қандай гуноҳдан покланган бўлишимиз керак.

**Йоҳанно 1:9** Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди.

Бизлар ҳар куни Сўзни ўқишимиз керак. Бизлар Худонинг Сўзини ўқиганимизда, Сўз устидан фикр юритганимизда ва унга бўйсунганимизда, Масих Ўз севгиси билан бизларни муқаддаслайди.

**Эфесликларга 5:25-27** Эрлар, худди Масих Жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар. Масих жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади, токи уни муқаддас ва бенуқсон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарчасиз, шон-шухратли Жамоат қилиб тақдим этсин.

Огоҳлантириш

Надав ва Авиуд Ҳоруннинг ўғиллари эдилар. Улар рухонийлик қоидасига биноан Худонинг хизматида бағишланган эдилар. Аммо улар Худонинг ҳузурига нотўғри киришди.

**Левит 10:1-3** Ҳоруннинг ўғиллари Надав ва Авиуд ўз тутатқич идишларини олиб, уларга олов ёқиб, тутатқиларга тўлдириб, У тақиқлаган бегона оловни Раббийнинг олдига олиб келишди. Шу пайтда Раббийнинг олови тушиб, уларни ёқиб

юборди ва улар Раббийнинг юзи олдида ҳалок бўлишди. Мусо эса Ҳорунга деди: мана Раббий нималар ҳақида гапириб, бундай деган эди: Менга яқинлашаётганлар билан покланаман ва бутун халқларнинг олдида улуғланаман. Ҳорун эса сук ут сақлар эди.

Рухоний бўлиш одамлар учун шараф эди ва имтиёзлар берар эди. Шунингдек, тўлиқ бўйсуннишни талаб этар эди.

Бизлар имонли-рухонийлар сифатида, Худонинг олдида мақтов билан келганимизда, Худонинг Сўзидаги насиҳатларни билишимиз ва уларга бўйсунимиз керак. Бизлар парвосизлик ёки итоатсизлик билан келмаслигимиз керак. Худонинг мақтов ҳақидаги таълимотига зид бўлган ҳаракатлар қилмаслигимиз керак. Бизлар бу дунёнинг ашулалари, мусиқаси ва одати бизнинг улуғловимизга кириб келмаслиги учун эҳтиёт бўлишимиз керак. Надав билан Авиуд ўз қурбонликларини Раббийга келтириш учун “таъқиқланган олов”ни олиб киришган эди.

**1Петъор 2:9 Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳаншоҳ рухонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронғиликдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар.**

#### САВОЛЛАР:

---

1. 1Петъор 2:5 ва Ибронийликларга 13:15 га биноан, бизлар имонли-рухонийлар сифатида Раббийга қанақа қурбонликлар келтиришимиз керак?
2. Эски Аҳднинг рухонийлари Раббийга қурбонлик келтириш хизматида олдин ўзларини поклашлари керак эди. Бизлар Раббийга қурбонлик келтиришимиздан олдин, 1Юҳанно 1:9 ва Эфес.5:25-27га биноан, ўзимизни қандай қилиб поклашимиз керак?
3. Надав билан Авиуднинг тажрибасидан қанақа намуналар олишимиз мумкин?

## 12 Дарс

### Руҳонийлардек яшовчилар

Биз имонли-руҳонийлар ва Раббийга мақтов ва сажда билан хизмат қилувчилар, ўзимизнинг даъватимизни, ҳаётимизни, кийимимизни ва назрларимизни билишимиз керак.

**1 Петъор 2:9** Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳаншоҳ руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронғиликдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар.

### РУҲОНИЙЛИК УЧУН ТАНЛАНГАНЛАР

---

Исо ҳозир бизнинг Олийруҳонийимиздир.

**Ибронийларга 7:15-17** Энди Малқисидиққа ўхшаш бошқа бир Руҳоний – Исо ўртага чиққанидан кейин, бу масала яна ҳам аниқ кўриниб, турибди. Исо инсоний қонун-қоидаларга риоя қилган, деб эмас, балки поёнсиз ҳаёт қудратига эга, деб руҳоний бўлди. Забурда: “Сен Малқисидиқ мартабаси бўйича абадий руҳонийсан”, - деб таъкидланган.

**Ибронийларга 8:1-2** Айтганларимизнинг асосий нуқтаси шуки, бизнинг осмонда, Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирган Олий руҳонийимиз Исо бор. Ўша ерда У инсон эмас, Раббий қурган ҳақиқий Чодирда хизмат қилади.

### Руҳонийлар Шоҳлиги

Худо Исроил ўғилларини руҳонийлар шоҳлиги бўлишларини истаган эди.

**Чиқиш 19:6** Ва сизлар Мен учун руҳонийлар шоҳлиги ва муқаддас халқ бўласизлар. Булар Исроил фарзандларига айтишинг лозим бўлган сўзлардир.

Худонинг истаги ўзгармайди. Ҳар бир имонли руҳонийдир. Бизлар Масихда бўлганимиз учун, Унинг руҳонийлигига эгамиз.

**Ваҳий 1:6** У бизни шоҳлар қилди, Отаси Худо учун руҳонийлар ҳам қилди. Абадий шон-шараф, мангу салтанат Унга хосдир. Омин.

### Худонинг фарзандлари

**Июханно 3:2** Севганларим, биз энди Худонинг фарзандларимиз, лекин келажакда нима бўлишимиз ҳали тўлиқ очилмаган. Фақат шуни биламизки, Исо Масих зоҳир бўлганида, биз У каби бўламиз, чунки У қандай бўлса, Уни шундай ҳолда кўрамиз.

### ДАЪВАТГА ЛОЙИҚ ЯШАШ

---

Повул бизлардан даъватимизга лойиқ ҳолда ҳаракат қилишимизни сўраган.

**Эфесликларга 4:1** Шундай қилиб, мен, Раббийдаги маҳбус сизлардан шуни ўтиниб сўрайманки, сизлар чақирилган даъватингизга муносиб тарзда яшанглар.

Муқаддас халқ

**Эфесликларга 5:27 Токи уни муқаддас ва бенуқсон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шон-шухратли Жамоат қилиб тақдим этсин.**

**1Петъор 1:15-16 Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, зеро ёзилган: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман”.**

Пок виждон

Сажданинг талаблари ўзгармаган. Худо руҳонийлардан баъзи нарсаларни талаб қилгани каби, уларни бизлардан ҳам талаб қилмоқда.

**Ибронийликларга 10:22 Шундай қилиб, дилларимиз ёмон виждондан покланган, баданимиз эса тоза сув билан ювилган бўлиб, биз энди тўла ишонч ва эътиқод билан, чин қалбдан Худога яқинлашайлик.**

Бизлар Исонинг қони орқали Худонинг хузурига дадиллик билан киришимиз мумкин.

Мустаҳкамланган юрак

**Сано 85:11 Раббий мени Ўз йўлингга ўргат, шунда мен Сенинг ҳақиқатингда юраман; Сенинг исмингдан кўрқишни менинг юрагимга солиб қўй.**

**Ёқуб 4:8,10 Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар! Раббий олдида камтар бўлинглар ва У сизларни юксалтиради.**

“Мустаҳкамланган юрак”ка эга бўлиш, ҳар бир фикрни саждага мослашни(бўйсундиришни) билдиради.

Агар бизлар гўёки Худога сажда қилаётган бўлсакда, лекин бошқа нарса ҳақида ўйласак, бу нарса Уни ҳақоратлаш ҳисобланади!

Пок юрак

**Сано 23:3-4 Ким Раббийнинг тоғига чиқа олади ёки ким Унинг муқаддас ўрнида тура олади? Кимнинг қўли айбсиз бўлса ва юраги тоза бўлса, ким ўз жони билан бефойда қасам ичмаган бўлса ва Худо номи билан ёлғондан онт ичмаган бўлса...**

Айбсиз қўлларимиз ва тоза юракларимиз бизнинг мақсадларимизни кўрсатади.

Бизлар бошқаларга кўриниш учун сажда қиляпмизми ёки Худо учунми?

Худодан ўзимиз истаган нарсани олиш учун Унга сажда қиляпмизми ёки Уни севганимиз учунми?

Бизлар Худонинг қаршисида ўзимизнинг мақсадларимизни текшириб кўришимиз керак.

Хоксор юрак

**Сано 50:19 Хоксор рух Худога қурбонликдир; хоксор ва**

**бўйсунган юракни, эй Худойим, Сен камситмайсан.**

Руҳида ҳоксор инсон ва тартибга ўрганган киши, Исонинг бошқарувига бўйсунган киши ҳисобланади.

Титроқли кўркув

**Сано 88:8 Худо буюк муқаддаслар тўдасида даҳшатлидир, Унинг атрофидаги барча учун У даҳшатлидир.**

Дунёдан ажратилганлар

**Колосаликларга 1:13 У бизни зулмат ҳукмронлигидан халос қилиб, севимли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди.**

Муқаддас ва бенуқсонлар

**Ибронийларга 12:14 Ҳамма билан тинч-тотув яшаш ва муқаддас бўлишга ғайрат қилинглари. Муқаддасликка эга бўлмасдан ҳеч ким Раббимизни кўролмайди.**

**Эфесликларга 1:4 Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни севги билан Масихда танлади.**

## **БИЗНИНГ РУҲОНИЙЛИК КИЙИМИМИЗ**

---

Мақтов

**Ишаъё 61:3 ...Сионда нолиётганларга, уларга кулнинг ўрнига тақинчоқ, йиғининг ўрнига – хурсандчилик мойи, эзилган руҳ ўрнига – шон-шуҳратли кийим берилилишини хабар бериш учун; уларни ҳақиқат билан кучли бўлганлар, Раббийнинг шон-шуҳратида Унинг ўтқазилгани деб аташади.**

Руҳий

Бизга мақтов кийимларини кийиш жуда муҳимдир. Ёзувда Эски Аҳднинг руҳонийларининг кийинишига катта аҳамият берилган. Бизлар имонли-руҳонийлар сифатида руҳдамиз ва бизнинг кийимларимиз ҳам Руҳдандир.

Нажот

**Сано 131:16 Унинг руҳонийларини нажотга буркайман, унинг муқаддаслари қувонч билан қувонадилар.**

Камтар бўлиш

**1Петъор 5:5 Сиз, ёшлар, ҳам жамоабошиларингизга бўйсунинглари. Ҳаммангиз эса камтарликка бурканиб, бир-бирингизга итоат қилинглари, чунки Худо мағрурларга қаршилиқ қилади, камтарларга эса иноят беради.**

Ҳақлик

**Ваҳий 7:9 Шундан кейин қарасам, ҳар хил миллатдан, барча қабилалар, халқлар ва тиллардан бўлган, унинг ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада улкан бир оломон Арши аъло олдида, Қўзининг ҳузурида турарди. Ҳаммаси оқ либос кийиб, қўлларида хурмо новдасини тутар эдилар.**

**Ваҳий 19:8 Сўнг фаришта менга: “Ёз!” – деди, - Қўзининг никоҳ оқшомига чақирилганлар бахтиёрдир!**

Куч

**Луқо 24:49** Мана, Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларнинг устингизга юбораман. Сизлар эса юқоридан бу қудратга бурканмагунингизча, Иерусалим шаҳрида қолинглар.

Исо то Муқаддас Рухнинг кучи билан тўлмагунча, ерда Ўз хизматини бошламади.

Шогирдларига Муқаддас Рухни кутиш буюрилган эди ва улар куч олишлари керак эди.

## **БИЗНИНГ РУҲОНИЙЛИК НАЗРИМИЗ**

---

Миннатдорчилик - мақтов

Эски Аҳднинг руҳонийларининг вазифаларидан асосий мақсад ҳада эди. Улар шундай қилишарди. Бугун бизлар имонли-масиҳийлар Худога асосий ҳадяларни келтиришимиз керак.

Унинг ҳузурига мақтов билан киришимиз керак.

**Сано 99:4** Унинг дарвозаларидан ҳамду-санолар айтиб киришлар, Унинг ҳовлисига мақтовлар айтиб киришлар. Уни улуғланлар, Унинг исмига дуолар ўқинлар.

Назр билан кириш.

Мулк

**Ҳикматлар 3:9-10** Ўз бойлигинг, ҳосилингнинг бошланғичи билан Эгамизни улуғла. Шунда омборинг тўлиб тошади, янги шаробинг етиб ортади.

Бизнинг Ўзимиз

**Римликларга 12:1** Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизларни ўтинамани: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб бағишланлар.

**1Салоникаликларга 5:23** Ниҳоят, тинчлик Худосининг Ўзи сизларни бутунлай муқаддасласин, Раббимиз Исо Масиҳнинг келишида руҳингиз, жонингиз ҳамда танангиз тўлиқлигича бенуқсон сақлансин.

Мақтов қурбонлиги

**Ибронийларга 13:15-16** Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду- сано қурбонликларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин. Хайрихоҳлик ва улфатчиликни унутманлар, чунки бундай қурбонликлар Худога маъқулдир.

Мақтов “қурбон”лиги - ҳар доим ҳам осон ёки қулай эмасликни билдиради. Уни тинмасдан келтириш керак. “Оғзимизнинг ҳосили” – ниманидир айтиш кераклигини билдиради. Мақтовни “Унинг номи учун” айтишимиз керак. “Саховат” – бошқаларга хизмат қилишни ва бўлишишни билдиради. “Мулоқотчиликни унутманг” – бу бошқалар учун Худонинг баракаларининг доимий “дарёси” бўлиш кераклиги ҳақида бўлган вазифадир. Бундай қурбонлик Худога маъқулдир!

Мақтовни айтиш

**1Петъор 2:9** Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳаншоҳ руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун, қоронғилиқдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар.

Мақтов куйлаш

Бизлар санолар, мадҳиялар ва руҳий ашулалар куйлашимиз керак.

**Эфесликларга 5:19** ...ўз-ўзларингизга санолару мадҳиялар ва руҳий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга куйлаб ва хиргойи қилиб...

**Колосаликларга 3:16** Масихнинг Сўзи барча донолик билан юракларингизга мўл-кўл жойлашиб кираверсин. Раббийга юракларингиз билан иноятда ашулалар айтиб, ҳамду-санолар, мадҳиялар ва руҳий кўшиқлар билан бир-бирингизга насихат қилиб ўргатинглар.

Ҳамма нарсани Худонинг

шуҳрати учун қилинг

Бизлар ҳамма нарсани Худо учун, Унинг шуҳрати учун қилишимиз керак.

**1Коринфликларга 10:31** Шундай қилиб, ейсизларми, ичасизларми, нимаики қилсангизлар, ҳамма нарсани Худонинг шуҳрати учун қилинглр.

РУҲОНИЙ СИФАТИДА КИРИШ

**Сано 99:4** Унинг дарвозаларидан ҳамду-санолар айтиб кириглар, Унинг ҳовлисига мақтовлар айтиб кириглар. Уни улуғланглар, Унинг исмига дуолар ўқинглар.

Ҳорунмисол руҳонийлар Мусонинг чодирига ҳар куни кирар эдилар; сўнг эса Сулаймоннинг маъбадига кира бошладилар. Бугун бизлар имонли-масихийлар Унинг ҳузурига ҳар куни киришимиз керак.

Мусонинг чодир - “ҳовлига” олиб боручи “эшиқлар”дан иборат эди. Руҳоний маконга Раббийга хизмат қилиш учун кирар эди. Олийруҳоний йилида бир марта, Аҳд сандиғи жойлашган, Муқаддаслар Муқаддасига кирар эди.

Муқаддаслар Муқаддаси Худонинг самовий тахтининг хонасининг ердаги жойи эди. Аҳд сандиғи бўлган Шафқат Ўтирғичи - Раббийнинг тахтининг ердаги жойи эди. Муқаддаслар Муқаддасида бўлиш Худонинг ҳузурда бўлишни билдирар эди.

Исо хочда ўлганида, Муқаддаслар Муқаддасини ажратиб турган парда нотабий тарзда, тепасидан пастигача йиртилиб кетган эди. Инсон билан Худонинг ўртасидаги бўлиниш йўқ қилинди. Энди у Худонинг ҳузурига бемалол кириши мумкин эди. Эски Аҳдда руҳонийлар маъбадга киришда олдинга юрар эдилар. У биз имонли-масихийларда ҳам бор. Бу – бизнинг ҳар куни Худонинг ҳузурига мақтов ва сажда билан киришимиздир.

Бизлар ўзимизнинг шахсий мақтовимиз ва саждамиз билан “киришимиз” керак. Бизлар бирга йиғилганимизда Унинг қаршисида рақс тушишимиз керак.

## Дарвозалар орқали кириш

Бизга бошида айтилган:

**Сано 99:4 Унинг дарвозаларидан ҳамду-санолар айтиб киринглар, Унинг ҳовлисига мақтовлар айтиб киринглар. Уни улуғланглар, Унинг исмига дуолар ўқинглар.**

“Кириш” – бизлардан бўйсунити талаб қилади. Бизлар ашулалар билан киришимиз керак. Бизлар миннатдорсиз юрак билан кира олмаймиз. Мақтов билан кираётганимизда, биринчи айтадиган ашулаларимиз, юрагимизнинг Раббийга бўлган миннатдорчилигидан бўлиши керак.

## Ҳовли

Бизлар дарвозалардан ўтиб ҳовлига кирамиз. Бизлар Унинг ҳузурига киришимиз учун ҳаракат қилиш кераклигини кўрмоқдамиз. Бизлар аввал бир муддат мақтов айтмасак, ажойиб саждага, Унинг ҳузурининг Муқаддаслар Муқаддасига киришга тайёр бўла олмаймиз. “Ҳовлиларда” бизларга улуғлашни ўргатишган. Бизлар қувонч билан, мусиқа билан, куйлаб, қарсақ чалиб ва қўлимизни кўтариб ва Раббий қаршисида кўпинча рақсга тушиб, Унга бўлган мақтовимизни кўрсатамиз.

## Макон

Агар бизлар “мақтов ҳовлиси”да ушланиб қолсак, Худонинг ҳузурига яна яқинроқ кириш учун юрагимизнинг тортишини ҳис этамиз. Бизлар Унинг кимлигини билганимиз учун, Унга бўйсунамиз. Шундан сўнг бизлар, мақтовнинг яна ҳам юқори даражасига кўтариламиз. Бизлар “ички маъбад”га, сажда “маконига” кириб борамиз.

Бизлар энди рақс тушмаймиз, қарсақ чалмаймиз. Бу вақтда Худонинг ҳузурини шу қадар ҳис этамизки, бизлар бир танадек, илтифот билан Унга қўлларимизни кўтаришни бошлаймиз. Тезлик пасаяди. Бир дақиқа олдин “тартибли” бўлган нарса бирданига тўхтади. Бизлар Унинг ҳузурини сажда қилиб туришда давом этганимизда, Худо ҳузурининг муқаддаслиги бизларни тўлдириб юборади.

Бизлар шундай туришда давом этганимизда, кўзларимиздан ёшлар оқишни бошлайди. Бизлар баъзида куй ва мусиқани тўхтатишимиз мумкин ва Унинг муқаддас ҳузурини жимликда туришда давом этишимиз мумкин. Бизлар атрофдаги ҳамма нарсани унутиб юборамиз. Бизлар фақат Худо билан бирга бўламиз. Бизлар баъзида оёқда ёки тиз чўккан ҳолда Унинг ҳузурини ёйилиб, Унинг севгисини ботиниб туришимиз мумкин.

## Муқаддаслар Муқаддаси

Бизлар буни қарийб тушунмасдан олийруҳоний каби “парда ортига” кириб борамиз. Бизлар Муқаддаслар Муқаддасида турибмиз ва Худонинг яқин ва шахсий ҳузурини турибмиз. Унинг ҳузурининг мойланишини ва кучини таърифлаб бўлмайди. Кўплар Унинг қаршисида таъзим қилишади, баъзилар шундай вақтда

“Рухда бирлашиш”ган.

Биз бунинг мисолини, Аҳд сандиғи Сулаймоннинг маъбадига олиб келинганидан кўрамиз:

**3Шомуил 8:10-11 Рухонийлар Муқаддас хонадан чиқаётганларида, Эгамизнинг уйи булут билан тўлиб кетди. Булут нур сочиб, кўзни қамаштирарди. Рухонийлар хизматни давом эттириш учун у ерга киролмай қолдилар, чунки уй Эгамизнинг шурати билан тўлган эди.**

#### САВОЛЛАР:

---

1. Эски Аҳд рухонийлари махсус кийимда эдилар. Янги Аҳд рухонийлигининг кийимларини ёзинг.
2. Бизлар имонли-рухонийлар сифатида Худога қанақа ҳадялар беришимиз керак?
3. Бизлар имонли-рухонийлар сифатида мактовда ва саждада ҳис этишимиз керак бўлган, Худонинг ҳузурига киришнинг жараёнини ёзинг.

## 13 Дарс

### Мақтовни ва саждани бошқариш

Бизлар мақтов ва сажданинг мойланишини кутсак ҳам, барибир, Худонинг ёзган режасига ва жамоатдаги руҳий етакчиларга (намунасига) эргашишимиз керак.

#### ЧЎПОН ВА ОҚСОҚОЛЛАР

---

##### Руҳий бошқарма

Жамоатнинг чўпони ва оқсоқоллари жамоатни - руҳий бошқарув, ҳокимият, йўналиш ва мақтов билан сажданинг муваффақиятли хизматининг намунаси билан таъминлашлари керак.

**1Петъорга 5:2-3** Сизларда бўлган Худонинг подасини яхши боқинглар. Уларни мажбуран эмас, балки ихтиёрий равишда, разил манфаатпарастлик билан эмас, балки ғайрат билан назорат қилинглар. Худонинг мероси устидан хукмронлик қилманглар, аммо подага намуна кўрсатинглар.

##### Фаол қатнашиш

Чўпон ва оқсоқоллар ҳам, мақтов ва сажда хизматининг бошланишидан фаол қатнашсалар яхши бўларди. Шундай қилиб, улар намуна бўлиб, йиғинни ушбу хизматда тўлиқ қатнашишига руҳлантирадилар.

**1Тимўтийга 4:12** Сенинг ёшлигингни ҳеч ким менсимай қўймасин, лекин имонлилар учун сўзда, юриш-туришда, севгида, руҳда, имонда, покликда намуна бўлгин.

##### Яхши мисол

Агар хизматкорлар кечикиб келишса, унда улар жамоатнинг мақтов ва сажда хизматига катта эътибор бермаган ҳисобланадилар. Шунинг учун кўплар йиғилишда уларга тақлид қилиб кечикадилар.

**1Коринфликларга 11:1** Мен Масихга тақлид қилганимдай, сизлар ҳам менга тақлид қилинглар.

##### Хизматга тайёрлаш

Йиғилишга келган инсонларга, хизмат кучли таъсир этиши учун, чўпон ва бошқа хизматкорлар юракларига мойланиш келиши учун, керакли равишда тайёрланишлари керак.

**Хаворийлар 6:2** Ана шу сабабли, ўн икки хаворий Исо шогирдларининг жамини чақириб, бундай дедилар: “Биз Худонинг сўзини ёйиш ишини четда қолдириб, дастурхонга хизмат қилишимиз яхши эмас”.

##### Руҳнинг оқимига қараш

Бешта инъомларнинг бирида хизмат қиладиган киши, ҳар қандай чалғитувчи нарсадан қочиши керак ва Муқаддас Руҳнинг ҳар бир хизматда қилган, ҳар бир алоҳида ҳаракатига ва оқимига тўлиқ берилиши керак.

Сажда хизматининг

етакчиларини мустаҳкамлаш

Сажда мусикачилари ва етакчилари жамоатнинг оқсоқоллари томонидан танланган бўлиши шарт ва уларнинг ҳокимияти остида хизмат қилишлари шарт.

Агар чўпон ёки оқсоқоллардан бирортаси мақтов ва сажда учун керак бўлган инъомга эга бўлса, улар ҳам олиб бориши мумкин.

Бунинг мисолини Библияда кўряпмиз, Довуд Раббийга мусиқа билан хизмат қилишлари учун бир неча левитларни ҳам қўйган.

**1Йилнома 16:4 Ва Раббийнинг сандиғи олдида ашулалар айтишлари учун, миннатдорчилик билдиришлари учун ва Исроил Худоси Раббийни улуғлашлари учун баъзи левитларни хизматга қўйди.**

### ДОВУД ЎРНАТГАН САЖДА ГУРУҲИ

---

Довуд ўрнатган хизматкорлар гуруҳи бор эди.

Сажда бошқарувчиси

Бошқариш ҳокимияти(ҳукуқи) бош мусикачи Асафга берилган эди.

**1Йилнома 16:5 Асафни бошлиқ қилиб, ундан кейин иккинчи қилиб Закариёни, Иеиелни, Шемирамофни, Иехиилни, Маттафий билан Елиавни, Баненни, лиралар ва арфалар билан бўлган Иеиелни ва Асафни зангларда чалиши учун қўйди.**

Жўр етакчии

Жўр бошқарувчиси ҳам тайинланган эди.

**1Йилнома 15:22 Левитлар бошлиғи Канониё эса, куйлаш ўқитувчиси эди, чунки у шунда моҳир эди.**

**1Йилнома 15:27 Довуд шойи кийим кийган эди, шунингдек, сандиқни кўтариб бораётган барча левитлар ҳам, қўшиқчилар ҳам ва мусикачилар билан қўшиқчиларнинг бошлиғи Канониё ҳам. Довуднинг устида зигирпоядан қилинган эфод ҳам бор эди.**

Мусикачи

Мусикачилар ҳам хизматга қўйилган эдилар.

**1Йилнома 25:6-7 Уларнинг барчаси ўз оталарининг бошқаруви остида Раббийнинг уйида занглар билан, арфалар ва лиралар билан Худонинг уйидаги хизматда шоҳнинг, ёки Асафнинг, Эдифуннинг ва Эманнинг кўрсатмаси бўйича куйлар эдилар.**

### САЖДА БОШҚАРУВЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ХИЗМАТДАГИ ИНЪОМЛАРИ ВА ЎРГАНИШИ

Пайғамбар каби ҳаракат қилиш

Худо кимларни сажданинг етакчиси бўлишлари учун танлаган бўлса, кўпинча ўшалар пайғамбарлик хизматининг “инъоми”га эга

бўладилар. Пайғамбарлик инъомини қўллаш учун, кўпинча мусиқа ишлатилади.

**1Йилнома 25:1 Довуд ва кўшин бошлиқлари, Асафнинг ўғиллари Эман билан Эдифунни, улар лираларда, арфаларда ва зангларда башорат қилишлари учун хизматга қўйдиладар. Улар ўз хизматларининг иши учун ажратилган эдилар.**

**1Йилнома 25:3 Эдифундан, Эдифуннинг ўғиллари: Гадалиё, Шеър, Ишаёё, Шемей, Хашавиё ва Маттофиё, олти киши, Раббийнинг шухрати ва мақтови учун лирада чалган ўзларининг оталари Эдифуннинг бошқаруви остида (эдилар).**

Мусиқада ўргатилганлар ва мохирлар

Раббийга мусиқа билан хизмат қилиш масъулиятига ва даъватига ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик керак. Мақтовни бошқарганлар – ашулачилар ёки мусиқачилар – мохир мусиқачи бўлишлари учун жадаллик билан ўрганишлари ва шуғулланишлари шарт.

**1Йилнома 25:6-7 Уларнинг барчаси ўз оталарининг бошқаруви остида Раббийнинг уйида занглар билан, арфалар ва лиралар билан Худонинг уйидаги хизматда шоҳнинг, ёки Асафнинг, Идифуннинг ва Эманнинг кўрсатмаси бўйича куйлардилар.**

Сажда етакчисининг характеристикаси

➤ Худонинг мойланганлари

Мақтов ва сажданинг бошқарувчиси, жамоатнинг ушбу муҳим ва асосий хизматига Худо томонидан мойланган бўлиши керак. Ушбу инъом ва даъват Муқаддас Рухдан келади.

**1Юханно 2:20,27 Бироқ сизлар Муқаддас Бўлганнинг мойланишига эгасизлар ва ҳамма нарсани биласизлар. Бироқ Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг хожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлғон эмас, балки ҳақиқатдир – шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масихда бўлинглар.**

➤ Саждакор

Сано етакчилари инсонларни, ўзлари бўлмаган жойга етаклай олмайдилар. Фаол мақтов ва сажда - етакчининг шахсий ҳаётининг ҳар бир кунида бўлиши шарт.

**Юханно 4:23-24 Лекин вақти келадикки, аллақачон келди ҳам, ҳақиқий саждакорлар Отага руҳда ва ҳақиқатда сажда қиладилар, чунки Ота Ўзига шунақа саждакорларни изламоқда. Худо Рухдир ва Унга сажда қилувчилар, руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишлари лозим.**

➤ Рухан етук

Масих танасида етакчи бўлиш учун, инсон етук имонли бўлиши керак. Етакчининг донолиги, тажрибаси ва руҳан мохирлик билан бошқариши, бутун тананинг (жамоатни) фаол қатнашиши учун руҳлантиради.

**Эфесликларга 4:12-13 ... токи Масихнинг танасини барпо этишга хизмат қилишлари учун муқаддасларни камолотга**

**эриштира синлар. Шу тариқа ҳаммамиз имоннинг ва Худонинг Ўғлини таниб билишнинг бирлигига келиб, мукаммал инсонга, яъни Масихнинг тўла-тўқислигининг етуклиги меъёрига эришайлик ...**

➤ **Етакчилик қобилиятлари**

Улар инсонларни бошқаришни ва ёндиришни билишлари керак.

**1Коринфликларга 11:1 Мен Масихга тақлид қилганимдай, сизлар ҳам менга тақлид қилинглар.**

➤ **Рухан сезгир**

Улар Муқаддас Рухнинг мойланишига эргашиш учун, хушёрликда туриб, йиғилишнинг диққатига қараб, уларни тўғри бошқаришга сезгир бўлишлари керак.

**Сано 77:72 У эса уларни ўз юрагининг тозалигида боқди ва уларни доно қўллари билан бошқарди.**

➤ **Бўйсунишда**

Улар чўпонга ва жамоатнинг оқсоқолларига бўйсуниши ва уларни ҳурмат қилиши керак.

**1Петъор 5:5 Сиз, ёшлар, ҳам жамоабошиларингизга бўйсунинглар. Ҳаммангиз эса камтарликка бурканиб, бир-бирингизга итоат қилинглар, чунки Худо мағрурларга қаршилик қилади, камтарларга эса иноят беради.**

➤ **Пок, самимий ва камтарин инсон**

Сажда етакчисининг ҳаётида самимийлик, характери ҳақ ва танқидга сабаб бўлмайдиган бўлиши лозим. У Худонинг камтарин хизматкори сифатида ҳаракат қилгани учун, диққатни доимо Худога қаратади ва ҳеч қачон ўзига шуҳрат изламайди.

**1Петъор 5:6 Шундай қилиб, Худонинг қудратли қўли остида ўзингизни камтар тутинглар, У эса сизларни Ўз вақтида юксалтиради.**

➤ **Бағишланган ва содиқ киши**

Етакчи Худо берган мазкур хизмат масъулиятига содиқ бўлиши ва уни аниқ бажариши шарт.

**1Коринфликларга 4:2 Идора қилувчидан эса содиқ бўлиш талаб қилинади.**

## **МУСИҚАЧИ**

---

**Моҳир мусиқачилар**

сифатида танланган

Худо кўпинча танланган мусиқачиларга, улар ўзлари чаладиган асбобни яхшироқ чалишлари учун, нотабий қобилият беради. Бироқ бу унинг масъулиятини камайтирмайди. У ўзининг даъватига лойиқ ҳисобланиши учун моҳирлик қобилиятини ривожлантиришни тўхтатмаслиги керак.

**1Йилнома 25:6-7 Уларнинг барчаси ўз оталарининг бошқаруви остида Раббийнинг уйида занглар билан, арфалар**

**ва лиралар билан Худонинг уйидаги хизматда шоҳнинг, ёки Асафнинг, Идифуннинг ва Еманнинг кўрсатмаси бўйича куйлар эдилар.**

#### Асбоблар

Муסיқий асбобларнинг учта турининг барчаси – торли, найли ва зарбли асбоблар мақтов ва саждада ишлатилган.

**Сано 150:3-5 Уни карнай овозлари билан мақтанглар, Уни тор ва ҳаво гижжақда мақтанглар. Уни ноғора ва рақслар билан мақтанглар, Уни тор ва органда мақтанглар. Уни жарангдор чангда мақтанглар, Уни қаттиқ овозли чангда мақтанглар.**

Эски Аҳднинг мақтовига ва саждасига жуда кўп, сифатли нарсалар кўшилган. Бу ҳақда Эски Аҳднинг ўзида ёзилган. Янги асбоблар ишлатилган, чунки Худо уларни берган, қобилят берган ва уларнинг ишлатиш жойи ҳам кўрсатилган.

Етакчи аудиториянинг ҳажмига қараб ва асбобларнинг бир-бирига тўғри келишига қараб нақадар кўп асбобларни лозим кўрса шу қадар қўшиши мумкин.

#### Товушларнинг бирлиги, ҳамоҳанглиги ва кучи

Муסיқачи етакчининг кўрсатмаларига диққатли ва сезгир бўлиши керак. Бошқа асбоблар билан меъёрда, бирликда ва ҳамоҳангликда бўлиши учун кўп тажриба керак.

Асбобларнинг товуши одамларни ўзига жалб қилмасдан ва саждакорларнинг овозини бўлмасдан, ашулага чирой бериб туриши керак.

#### Рухга сезгирлик

Муסיқачилар Муқаддас Рухнинг ҳаракатига моҳир муסיқачилар сифатида сезгир бўлишлари керак. Шундай қилиб, мақтов ва сажда вақтида Худонинг мойланиши келади.

Муסיқий асбобларда чалувчилар муסיқанинг оқимига сезгир бўлишлари керак ва бир ҳамоҳангликда ҳамда бир-бирига мос товушларда чалишлари керак.

**2Йилнома 34:12 Ушбу одамлар ишда самимий ҳаракат қилар эдилар ва улар устидан нозир этиб Мерарлар ўғилларидан левитлар Иахаф билан Ободиё, Кааф ўғилларидан Закариё билан Мешуллам ва муסיқий асбоблар чалишни биладиган барча левитлар қўйилган эди.**

#### ЙИҒИЛИШ

---

Мақтов ва сажданинг хизматига тўлиқ кириш – ҳар бир имонли учун шараф ва масъулиятдир .

**Ибронийларга 2:12 “Сенинг исмингни биродарларимга эълон этаман, Жамоат ичра Сенга ҳамду санолар айтаман”.**

#### Тайёргарлик

Жамоатга ёки имонлилар йиғилишига келаётган ҳар бир киши ўз юрагини мақтовга ва саждага тайёрлаши керак.

#### Кутиш

Бизлар мақтовнинг ҳар бир хизматига кутиш ила, бахраманд бўлиш учун келишимиз керак.

#### Кечикмаслик

Кечикмаслик доимо бизнинг Худога бўлган севгимизни ва ҳурматимизни кўрсатади. Бизлар У билан ўтказишимиз керак бўлган вақтимизнинг, ҳаттоки бир дақиқасини ҳам ўтказиб юбормаслигимиз керак.

Дарвозадан ички ва ташқи ховлига “Кириш” жараёни бор. Бизлар токи Унинг ҳузурига қадам-ба қадам кириб бормасак, ҳақиқий саждани тўлиқ ҳис этолмаймиз ва чекиниб қолишимиз мумкин.

Бизлар эртароқ келишни режалаштиришимиз керак ва ибодатда руҳимизни тинчлантиришимиз керак. Руҳимизни - мақтов ва саждани тўлиқ ҳис этиши билан Раббийга хизмат қилиши учун тайёрлашимиз керак.

Кўплар мақтов ва сажда хизмати бошланишидан олдин ибодатга катта аҳамият берадилар.

#### Бутун юрак билан

Биринчи чиққан товушнинг ўзидаёқ, бизлар қувонч билан руҳнинг кучида ва Худонинг ҳузурига киришнинг энг кучли иштиёқи билан кутишимиз керак.

Бизлар Худони бутун руҳимиз, жонимиз ва танамиз билан улуғлаш учун руҳимизни тайёрлашимиз керак. Бизлар Унинг ҳузурига тўлиқ ботинишимиз керак. Бизнинг Худога бўлган севгимиз хизмат орқали, бутун кучимиз билан, овозимиз, танамиз ва бутун қалбимиз билан намоён бўлиши керак.

**Сано 137:1 Сени бутун юрагим билан улуғлайман, худоларнинг олдида Сенга куйлайман.**

#### Сажда етакчисига эргашинглар

Бизлар Рухга шу қадар берилиб, мақтов ва сажда хизматини олиб бораётган етакчига эргашмаслик ёки ўтиб кетиш даражасига бормаслигимиз керак. Бизлар Муқаддас Рухнинг мойланишини ва оқимини ҳис этишимиз керак.

#### Диққатни тортадиган

нарсдан қочинг

Ўз фикрингиз ёки бошқаларнинг ҳаракати билан чалғиб кетманг.

Сано китоби ёки проекторда ёритилган сўзлар бизларга, сўзларни билиш ва куйлашга ёрдам беради. Аммо сизга улар керак бўлмаганидан сўнг, уларга диққатингизни қаратманг.

Ҳамма нарсани унутиш учун ва Худога тўлиқ берилиш учун, кўзларни юмиш ёки осмонга тепага қараш фойдали бўлади. (Сажда етакчилари бундай қилмасликлари керак).

#### РУҲДА КУЙЛАШ

---

Сажда етакчисига ва Муқаддас Рухнинг мақсадига эргашиб, бизларни мусиқали мақтовдан - “тиллерда”ги мақтовга ўтказиши мумкин. Шунда бизлар, фаришталар ҳам бизлар билан бирга руҳда куйлаётганини англашни бошлаймиз.

**1Коринфликларга 14:15 Унда нима қилсам экан? Рухим билан ибодат қиламан. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман.**

Бу нарса содир бўлаётганда, самовий тилингизда гапириш учун эркин бўлинг.

Агар бизлар Муқаддас Рухга сезгир бўлсак, У бизга нафақат қўшиқ сўзларини беради, балки куй ҳам беради.

Рухий қўшиқ

Муқаддас Рухга сезгир бўлинг. У кўпинча “рухий қўшиқ” беришни истайди. Агар Худо бизлар орқали шу тарзда хизмат қилмоқчи бўлса, уни куйлашдан олдин бошлиқлардан рухсат олинг.

Рухий қўшиқ - тилларда айтиш билан, сўнг эса она тилимизда айтишимиз билан бошланиши мумкин.

Бу башорат каби келиши ҳам мумкин. Худо сўзларни ҳам, куйни ҳам беради. Кўпинча, бундай вақтда Масихнинг танасига мақтовнинг янги қўшиқлари берилади.

**Эфесликларга 5:19 ... ўз-ўзларингизга санолару мадхиялар ва рухий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга куйлаб ва хиргойи қилиб ...**

**Колосаликларга 3:16 Масихнинг Сўзи барча донолик билан юракларингиз мўл-кўл жойлашиб кираверсин. Раббийга юракларингиз билан иноятда ашулалар айтиб, ҳамду-санолар, мадхиялар ва рухий қўшиқлар билан бир-бирингизга насихат қилиб ўргатинглар.**

## МУҚАДДАС РУХНИНГ ТОВУШ ИНЪОМЛАРИ

Кўпинча улуғлов вақтида қўшиқнинг охирида пауза бўлади ва ўша вақтда тилларда Худодан сўз келиши мумкин, унинг таъбири ёки башорат келиши мумкин.

Худо сизга берган мактубни жамоатда айтишдан олдин, бошлиқлардан рухсат олинг. Улар буни олдин маъқуллашлари керак. Айтиладиган мактуб бутун йиғин учун эшитиларли ва тушунарли бўлмоғи лозим.

Жимликни ҳурмат қилинг

Мақтов ва сажда вақтидаги ҳар бир пауза ёки жимлик ҳозир Худодан ваҳий келишининг белгиси эмас. Муқаддас Рухга сезгир бўлинг.

Жимлик Худого сажда қилиб, Унинг кучли ҳузурига кирганимиздан сўнг келади.

Бирор киши айнан ана шу вақтда гапирса агар, Худо шу вақтда содир қилишни истаган нарсани бузган ҳисобланади.

**Ҳабақуқ 2:20 Раббий эса – Ўзининг муқаддас маъбадидадир. Унинг олдида бутун ер жим бўлсин!**

## САВОЛЛАР:

---

1. Сажда хизматидаги етакчиларнинг вазифаларини библиявий характеристикасини ёзинг.
2. Муסיқачиларнинг библиявий вазифаларини ёзинг.
3. Мақтов ва саждада йиғиннинг масъулияти нимада?

## 14 Дарс

### Сажданинг лидерининг хизмати

Мойланган ва муваффақиятли сажда хизмати ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу учун хизмат олдидан бир неча соатли ибодат қилиб тайёрланиш керак.

Ўтган ҳафтадаги ажойиб хизмат - келгуси ҳафтадаги хизмат учун намуна бўлмаслиги керак. Худо турли нарсалар қилишни истади. Ҳар бир хизмат учун ибодат қилинг ва Унинг бошқарувини қабул қилинг. Унинг Руҳи билан бошқарилинг ва Унинг мойланишига сезгир бўлинг.

**Йеремиахнинг йиғиси 3:22-23 Раббийнинг шафқати билан бизлар йўқ бўлмадик, чунки Унинг шафқати тугамаган. У ҳар тонгда янгиланади; Сенинг содиқлигинг буюқдир!**

#### Қўшиқларни танлаш

Агар иложи бўлса, хизмат учун режалаштирилган сўзнинг мавзуини аниқлаб олиш керак. Шунда танланган қўшиқлар Сўзнинг таълимотига жўр бўлади ва унга руҳий пойдевор ўрнатади.

Мақтов ва сажда хизматида айтиладиган қўшиқларни ибодат қилиб танлашга вақт ажратинг.

Йиғиннинг куйлаш чегарасига мос бўлган қўшиқларни танланг. Баъзида қўшиқларни қайтариб айтиш, саждакорлар учун ўша сўзлар ваҳий келтириши мумкин, улар учун истакка айланиши мумкин.

#### Қўшиқлар тартиби

Қўшиқларни саждага кириш қонунига бўйсунган ҳолда теринг: улуғлов қўшиқлари, мақтов қўшиқлари бўлсин. Бу қўшиқлар Худонинг мойланишини келтирадиган бўлсин. Одамлар Худога юксак мақтовлар айтиш даржасига ўтишсин ва сўнгида имонлиларни Худонинг ҳузурига яқинроқ етакловчи саждага йўналтирсин. Сажда қилувчилар мақтов ва сажда вақтида у ёқдан-буёққа юрмасликлари учун, қўшиқларни тартиб билан қўйиш керак. Токи улар шу орқали сажданинг янада юқори даражасига кўтарилишсин. Айтиладиган ашуланинг оҳангини эътибор бериб танланг ва қўшиқларни умумий мавзу қилиб тахланг. Мусиқачилар ва проекторни бошқарадиган киши учун қўшиқлар рўйхатини ва уларнинг оҳангини тайёрлаш лозим. Улар шунингдек, қайси китобда қанақа қўшиқлар мавжудлигини ҳам билишлари лозим. Мусиқачилар оҳангларни алмаштиришга ўрганишлари учун ва сажда вақтида мусиқа давом этиши учун, уларга қўшиқларнинг аккордларини беринг. Агар янги қўшиқлар айтилиши керак бўлса, уни проектор орқали кўрсатиш учун плёнкали қоғозда ёзиб тайёрлаб қўйинг.

**Сано 32:3 Унга янги ашулалар куйланг; Унга ҳайқирик билан, тартиб билан куйланглар.**

Пректор бошқарувчиси айтиладиган қўшиқларнинг плёнкаларини, сажда вақтида айтиладиган тартибда териб қўйиши керак. Қўшиқлар танаффуссиз биридан бошқасига ўтади, токи Рухнинг тенг меъёрли ва текис “оқими” бўлсин.

## Рухий тайёргарлик

Яхши етакчи хизматга ҳеч қачон “совук ҳолда” крмайди. Бугун хизматни Муқаддас Рух қандай мавзуда бошқармоқчи эканини билиш учун, Худо билан шахсан муқолотда бўлиб, мақтов ва сажда хизматини олиб бориш учун тайёрланиш керак. Сўнг эса биринчи санони бемалол бошлаш мумкин. Сажда етакчиси ўзини ва сажда қилувчиларни ҳақиқий сажда ва мақтов орқали, Худонинг хузурига кирита олиши учун, унга хизматнинг ҳар бир дақиқаси жуда ҳам муҳимдир. Хизматда сажданинг вақтини тартиб олмаслик лозим.

## Жисмоний тайёргарлик

Мувофиқ тарзда кийининг. Сизнинг ташқи кифангиз сажда қилувчиларнинг диққатини ўзига тортмаслиги шарт.

Сиз Худони инсонлар олдида тақдим этаётганингизда, шахсий гигиена, тозаллик ва тартибга риоя қилишингиз муҳимдир.

**Ибтидо 41:14 Буни эшитиб, фиръавн Юсуфни олиб келиш учун кишилар юборди. Улар шошиб-пишиб Юсуфни зиндондан чиқаришди, сочини олиб, кийимини алмаштиришди. Юсуф фиръавннинг хузурига келди.**

## Саждани бошқарувчи гуруҳ,

### вокалчи ва мусиқачи

Сажда гуруҳининг ҳар бир аъзосини ибодат қилиб танланг. Севги билан рухий тартиб ўрнатинг, лекин пайдо бўлган ҳар бир гуноҳнинг ёки ахлоқсизликнинг олдини олинг.

Рухий бошлиқларнинг энг юқори даражасини кўрсатинг, инсонларнинг тажрибасини ривожлантиринг ва уларни рухлантиринг. Энг юқори даражадаги моҳирликнинг талабларини ўрнатинг ва қилинган ҳар меҳнат учун миннатдорчилик билдиринг.

Содиқлик, бағишланиш ва яқдиллик руҳи жуда ҳам муҳимдир. Сажда гуруҳи хизмат олдидан ибодат қилиши керак.

## АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР

---

### Худони улуғланг

Диққатни ўзингизга тортманг. Имонлилар Исони кўриш учун ва У билан Отага сажда қилиш учун келадилар.

**Матто 17:8 Улар бошларини кўтариб, ёлғиз Исодан бошқа ҳеч кимни кўрмадилар.**

### Сезгир бўлинг

Етакчи хизмат вақтида содир бўлаётган барча нарсани сезиши керак. У қуйидаларга сезгир бўлмоғи лозим:

- Худога ва Унинг Муқаддас Рухининг мақсадига
- Сажда хизматининг етакчиларига
- Мусиқачиларга
- Оқсоқолларнинг бошқарувига ва донолигига
- Бутун йиғинга

Амин бўлинг

Ўз даъватингизга ва қобилиятингизга амин бўлинг. Итоаткорлик билан бор шуҳратни Худога беринг. Сажда хизматини бошқариш учун Раббий сизни мойлаган бўлса, сиз буни аъло даражада қилишингиз учун, У сизга қобилият ҳам беради.

**Филиппиликларга 4:13 Мени қувватловчи Масихда ҳамма нарса қила оламан.**

Инсонларни олиб кириш

Инсонларни, улар турган жойдан Худонинг хузурига киритиш керак. Сиз уларни бир жойда туриб киритолмайсиз. Сиз уларни моҳирлик билан, бир танани бошқаргандек бошқаришингиз керак. Саждада йиғин билан алоқада бўлинг, яъни шундай қилинги, одамлар сизни бошқарувчи эканингизга амин бўлишсин, сўнг эса уларни мақтовга етакланг. Шундай қўшиқлар борки, улар инсонларни бир танадек “дарвоза” орқали санолар билан ўтказишга ва Худонинг хузурига хис этишга хизмат қилади. Сажданинг бошқарувчилари ўз қобилиятларини Худонинг мойланишининг ёрдами билан ривожлантиришлари керак. Худонинг Ўзи уларни бунга ўргатади.

Агар сажда қилмасаларчи?

Имонлилар Раббийнинг хузурига кириш учун, бир танадек, бир бутун бўлиб ҳаракат қиляптиларми ёки йўқми, шуни билиб олишга ҳаракат қилинг. Агар йўқ бўлса, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишингиз учун ва олдинга боришга қобилиятли бўлишингиз учун Худодан, Унинг донолигини сўранг. Уларни ҳукм қилмасдан таълим беринг, токи улар Худонинг хузурига кира олсинлар. Уларга севги билан ўргатинг. Ҳар қандай тўсиқлик руҳини боғланг, балким айнан шу нарса Руҳнинг оқимини тўхтатмоқчи бўлгандир. Агар зарур бўлса, бошқа қўшиқни бошланг.

Сажда қилмайдиганлар

Бизлар шуни тушунишимиз керакки, кўп сабабларга кўра, баъзи одамлар бошқалардек сажда қила олмайдилар. Ушбу баъзи одамлар имонсиз ёки Худога бўйсунмай яшайдиган имонлилар бўлишлари мумкин. Бошқалар душмanning ҳукми ёки ташвишлар остида бўлиши мумкин. Баъзилари шунчаки сажда қилишни билмасликлари мумкин.

Сиз бошқарувчи сифатида сажда қилмайдиганлар туфайли чалғиб кетмаслигингиз керак. Албатта, агар барча инсонлар биргаликда бир юрак билан сажда қилса эди ажойиб бўлар эди. Бироқ, бизлар баъзида сажда қилмайдиганларга эътибор бермасдан жамоатни бошқаришимиз керак.

Баъзида бунақа инсонлар билан шахсан суҳбат қилиш керак. Бироз муддатдан сўнг, насиҳат қилиш ёки иштирок этишга ўргатиш мумкин.

Кўзингизни очиқ тутинг

Агар кўзингизни юмсангиз, унда сиз саждага олиб киришингиз керак бўлган одамларни кўролмайсиз. Етакчи мақтов вақтида нима содир бўлаётганини билиши керак. У улуғлов вақтида

инсонларнинг руҳий аҳволини билиши лозим.

Етакчи “Рухга ўта ботиниб” одамларни бошқараётганини унутиб юбормаслиги керак. У ўзи сажда қилаётганида ёки саждани бошқа киши бошқараётганида шундай қилиши мумкин. Инсонларни нигоҳингиз билан бошқаринг ва йўналтиринг. Сажда инъоми – бу бир вақтнинг ўзида одамларни ҳақиқий саждага олиб кириш ва йиғинни кузатишдир.

Воизлик қилманг

Мақтов ва сажда вақти, уни тўхтатиш ва воизлик қилиш вақти эмас. Баъзида қисқа ўғит-насихатлар инсонларни мақтовнинг юқори даражасига олиб келади. Бироқ, мақтов ва сажда вақтида Муқаддас Рухнинг ҳаракатига мос бўлмаган сўзларни айтиб, хизматни ўртасидан бўлиб, вақтни бундай нарсаларга сарфламанг.

Хатоларни ҳал этиш

Ўрганиш жараёнида, бизнинг барчамиз ўқишимиз ва хатолар қилишимизни унутманг. Ўзингизни ҳукм қилманг. Худонинг бошқарувини, йўналишини ўтказиб юборган бўлсангиз, ёки кетидан бормаган бўлсангиз, чўпонга иқрор бўлинг. Бизлар самимий бўлишимиз керак. Баъзида, хизмат тугашидан сўнг, вақтингизни ёлғиз Худо билан ўтказинг ва шу ҳақда У билан суҳбатлашинг. Унга ўзингизнинг фикрингиз билан қилган ишингиз яхши бўлмаганини айтинг. Унга иқрор бўлинг. Кейинги марта шундай ҳолатда вазиятни аъло даражада олиб боришингиз учун, Худодан Унинг бошқарувини, сезгирлигини сўранг.

Сизга сўзлаши учун ва сизни мақтай олиши учун, энг кўп Унга йўл беринг. Худога сизни Рухнинг йўлидан боришингиз учун севги билан насихат қилишига йўл беринг. Душманнинг ҳар қандай ҳукмини инкор этиб, Унинг насихатини қабул қилинг.

**Римликларга 8:1 Шундай экан, энди Исо Масихда бўлганларга ҳеч қандай маҳкумлиқ йўқдир.**

Агар керак бўлса, изланинг ва чўпондан ёки оқсоқолдан маслаҳат сўранг.

## САЖДА ХИЗМАТИ

---

Инсонларни ўргатинг

Инсонларни Раббийга куйлашга ўргатиш яхшидир. Улар бунини одат бўйича ёки мириқиш учун куйламайдилар. Улар Худога мақтов айтишлари керак ва Худонинг ҳузурига ҳақиқий сажда билан киришлари керак.

Ашулалар билан бошланг

Бизлар Худони тўлиқ улуғлай олишимиз учун аввал, мақтов жойига киришимиз керак.

**Сано 99:4 Унинг дарвозаларидан ҳамду-санолар айтиб кининглар, Унинг ҳовлисига мақтовлар айтиб кининглар. Уни улуғланглар, Унинг исмига дуолар ўқинглар.**

Мақтовга кининг

Мақтовга ва саждага бағишланган вақтнинг кўп қисми “ҳовлида” ўтади. Айнан шу ерда ҳар бир киши катта воқалликка(кўп сано

айтишга) тайёр бўлиши ва Худонинг барча мўъжизавий дуолари учун, Унга бўлган ҳақиқий мақтов билан саждакорликни жисмоний дунёда кўрсатиши керак.

Саждага ўтинг

Муқаддас Рух вақтни қандай бошқараётганига эътибор беринг ва ҳар бир кишини мақтовдан - Худога шахсан сажда қилишга етакланг.

Мойланишга эргашинг

Ҳаттоки агар узоқ вақт тайёрланган бўлсангиз ҳам, ўз режаларингизни четга суришни ўрганинг ва Унинг бошқарувини истанг. Акс ҳолда, сиз бир неча қўшиқларни ўтказиб юбориб, Унинг хузурига киролмай қолишингиз мумкин. Муқаддас Рухнинг кучли мойланиши келишни бошлаганида янги қўшиқни бошлашга шошилманг. Мойланиш кучи ўсиб бораётганда ўша аввалги қўшиқни айтишда давом этинг. Муқаддас Рух йиғинни юксак мақтовга олиб бораётганида ёки Худонинг хузурига яқинлашаётганида айтилаётган қўшиқни такрор айтараверинг.

Товуш инъомлари

Йиғинда Муқаддас Рухнинг товуш инъомлари озод оқим билан ҳаракат қилганида уларни тўхтатманг, лекин саждани олиб боришда давом этинг. Пауза кўпинча, Худо Ўзининг одамларига тиллар инъоми орқали, уларнинг маъносини тушунтириши учун ёки башорат қилиши учун хизмат қилади.

**1Коринфликларга 12:7-10 Аммо Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади. Бирига Рух томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан имон, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан шофокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.**

Кимдир қисқа насихат сўзи ёки, Ёзувдан сўз олиб айтмоқчи бўлиши мумкин.

**Сано 39:4 Менинг оғзимга янги ашулани – Худойимизни мақташни солди. Кўплар кўриб даҳшатга тушадилар ва Раббийга ишонадилар.**

Сажда етакчиси доимо, хизмат устидан руҳий ҳокимиятни ушлаб туриши керак. Катта йиғинларда саждакор сўз айтишидан олдин, оқсоқолларнинг бирортасини олдиндан огоҳлантирса тўғри бўлади.

Ушбу сўз ёки мактуб мусиқа билан етказилиши керак ёки уни бутун йиғин эшита олиши учун етарлича баланд овозда бўлиши керак.

Насихат учун

Ҳамма нарса ўзаро насихат учун қилиниши керак. Ёзувнинг ҳар бир воизлиги қонуний ва тўғридир, лекин ҳар бир қилинадиган ҳаракат барча насихат олиши учун хизмат қилиши керак.

**1Коринфликларга 14:26 Шунинг учун, биродарлар, нима**

қилсак экан? Сизлар тўпланганингизда, ҳар бирингизда бирор қўшиқ борми ёки таълим, ёки тил, ёки ваҳий борми, ёки бирор талқин қилиш борми – буларнинг ҳаммаси Жамоатни барпо қилиш учун бўлсин.

Тартибсизликдан қочинг

Худо – тартибсизлик Худоси эмас.

**1Коринфликларга 14:33 Чунки Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир. Муқаддасларнинг ҳамма Жамоатларида тартиб шундайдир.**

Агар хизмат тартибсиз бўлиб кетса, ўзингизга жавобгарлик олиб, уни тўхтатинг. Агар керак бўлса, пауза қилинг ва нима содир бўлаётганини тушунтириб, вазиятни ошқора қилинг.

Ушбу вақтни, Рухда тўғри ҳаракат қилиш учун ишлатинг.

Кераксиз нарсаларнинг

олдини олинг

Муқаддас Рухнинг қилаётган ишига қарши кимдир ёки нимадир кириб келса, етакчи сажда хизматини узмасдан, шу вазиятни тўғри ҳал эта олиши учун етарлича етук бўлиши керак. Ибодат қилинг ва “рухларни фарқлаш” инъомини ривожлантиринг. Шунингдек, Худо қайси вақтда ва нима бераётганини ҳис этишни ўрганинг. Сано билан Худонинг ҳузурига “Кириш” – бу Муқаддас Рухнинг товуш инъомининг ёки руҳий қўшиғининг намоёндаси бўлиши мумкин. Буни ўша вақтда Худонинг ўзи қилади. Сажда етакчиси йиғинни, моҳирлик ва севги билан Муқаддас Рухнинг мойланишига олиб кириш учун имонга, дадилликка, доноликка, шахсий тажрибага ва усулга эга бўлиши керак.

Рухнинг яқдиллиги

Мақтов ва сажданинг моҳир етакчиси ўзи билан йиғин ўртасида, тана билан Муқаддас Рух ўртасида яқдиллик ўрнатади. Яқдиллик Рухи кучайиб борса агар, Худога сажда қилиш ўсиб боради.

Вақт

Сажда етакчиси чўпон ва оқсоқоллар вақтинчалик белгилаган қоидаларга амал қилиши керак. Агар Муқаддас Рухнинг ҳаракати кўпроқ мақтовни ва саждани талаб этса, руҳингизда тасдиқ топинг ва давом эттиришдан аввал, йиғинни бошқараётган чўпондан ёки оқсоқолдан рухсат олинг.

Хотима

Мақтов ва сажда хизматини тугатиш вақтида ҳар бир сажда қилувчини Худонинг ҳузурига оҳиста қолдириш учун, Муқаддас Рухга сезгир бўлинглар.

Худога ҳовлида мақтовлар айтиб, бутун йиғинни моҳирлик билан, Худонинг яқин ҳузурига олиб кириб, сиз инсонларни Унинг кучоғига олиб келасиз.

Имонлининг руҳида ва ҳаётида ҳозир сажда вақтида содир бўлаётган ўзгаришни бузиб юбормаслигингиз учун эътиборли бўлинг. Ҳар бир киши сажданинг охириги дақиқасида Унинг шуҳратли ҳузурига озгина муддатга ушланиб қолишига имкон

беринг.

Шундан сўнг сиз, хизматда инсонларнинг юраги ўзгарганини, биласиз. Сиз моҳирлик билан уларни ҳақиқий мақтовнинг ифода этиб бўлмас қувончига олиб кирганингизни ва бу нарса Худога хуш келганини билиб оласиз.

#### САВОЛЛАР:

---

1. Моҳир сажда етакчиси мақтов ва сажда хизмати бошланишидан олдин қилиши шарт бўлган баъзи тайёргарликларини айтинг.
2. Сажда етакчиси инсонларни қандай қилиб, юксак мақтовга ва саждага фаоллик билан бошқара олиши мумкин? Шу ҳақда бир мисол келтиринг.
3. Мақтов ва сажда вақтида “мойланиш ортидан бориш” – иборасининг маъносини тушунтиринг.